

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ
ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ

**“ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, БЮОМЛАРИ ВА
КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ”
ЙЎНАЛИШИ**

**“ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ
ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”
модули бўйича
ўқув-услубий мажмуга**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТТЙМИ, т.ф.н., доцент, И.М.Махаматалиев

Тақризчи: Dr. Christian Kaps. Professor, Fakultat Bauingenieurwese, Professur Bauchemie, Bauhaus Universität Weimar, Deutschland.

Ўқув -услубий мажмуа ТАҚИ Кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган..

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.	9
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	18
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	113
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	125
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	128
VII. ГЛОССАРИЙ	129
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	133

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ишчи дастур олий ва ўрта махсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ушбу дастурда Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг холати ва истиқболлари, замонавий деворбоп материаллар, пардадеворлар учун замонавий материаллар, замонавий иссиқлик изоляцияси материаллари, замонавий пардозлаш материаллари, замонавий том қоплама материаллар, поллар учун замонавий материаллар ишлаб чиқариш бўйича жаҳон тажрибаси, темир-бетон ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг йналишлари ва истиқболлари, қуруқ қурилиш қоришмалари, қурилиш материалшунослигига нанотехнология элементларидан фойдаланиш тажрибалари ва истиқболлари, ушбу соҳадаги мавжуд бўлган муаммолар баён этилган.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “**Замонавий қурилиш материаллари ва технологилари**” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва махсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Замонавий қурилиш материаллари ва технологилари модулининг мақсад ва вазифалари:

-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини замонавий қурилиш материаллари ва технологиялари ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш, бино ва иншоотларни қурилишида замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини қўлланилиши, материалларни муайян шароитларга мос ҳолда танлаш усулларини ўрганиш бўйича мутахассислик профилига мос бўлган билим, кўникма ва малакани шакллантириш;

- замонавий қурилиш материалларининг асосий хоссалари, иссиқлик изоляцияловчи, деворбоп, томбоп ва пардозлаш материаллари, керамик материаллар ва буюмлар таснифлари ва уларни олиш технологиялари тўғрисида билимларни кенгайтириш;

- қурилишда ишлатиладиган цементли боғловчилар асосидаги композицион материаллар, шиша толали материаллар ва буюмлар, полимер материаллар ва унинг хоссалари, нанотехнологиялар бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш;

- замонавий гипсли боғловчи асосидаги материаллар ва буюмлар, иссиқлик изоляцияловчи материаллар, лок-бўёқ материалларнинг хоссалари, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда нанотехнологияларни жорий қилиниши хақида маълумотга эга бўлиш ва уларни амалиётга татбиқ этишдан иборатdir.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Замонавий курилиш материаллари ва технологиялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- бозор иқтисоди шароитларида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг ривожланиши тенденцияларини;
- қурилиш материалларининг рақобатбардошлигини ошириш усулларини;
- қурилиш материалларининг таркиби, тузилиши ва хоссалари ўртасидаги ўзаро боғланишни ва уларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш принципларини;
- материаллар сифатининг конструкциялар чидамлилиги ва ишончлилигига таъсирини;
- қурилиш материалшунослигига нанотехнология элементларидан фойдаланиш тажрибалари ва истиқболларини **билимларга эга бўлиши**;

Тингловчи:

- қурилиш материалларининг сифатини ва экологик хавфсизлигини баҳолаш;
- меъёрий ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда материалга ташқи муҳитнинг таъсири шароитларини тахлил қилиш;
- қурилиш материалларига муайян фойдаланиш шароитларига мос келувчи вазифасига, технологиясига ва рақобатбардошлигига оид талабларни белгилаш;
- материаллар ва уларни олиш технологияларини қўллаш бўйича техник шартлар ишлаб чиқиш ва уларни ўрнатилган тартибда расмийлаштириш **кўникма ва малакаларини эгаллаши**;

Тингловчи:

- берилган фойдаланиш шароитларида ишловчи бино конструкциялари учун тегишли материалларни танлаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Замонавий қурилиш материаллари ва технологиялари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

-маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

-ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Замонавий қурилиш материаллари ва технологиялари” модули мазмуни ўқув режадаги “Бетон ва темир-бетон технологиялари” ва “Қурилиш материаллари умирбоқийлиги” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг янги авлод қурилиш материаллари яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар янги авлод қурилиш материалларини яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва уларни баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат						Мустақил тъзим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот				
1.	Ўзбекистонда қурилиш материалларини ишлаб чиқарилишининг ҳолати ва истиқболлари. Замонавий деворбоп материаллар. Пардеворлар учун замонавий материаллар.	8	6	2	4		2		
2.	Замонавий иссиқлик изоляцияси материаллари. Замонавий пардозбоп қоплама қурилиш материаллари.	6	6	2	4		-		
3.	Поллар учун замонавий материаллар. Замонавий том қоплама материаллари.	6	6	2	4		-		
4.	Темир-бетон ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг йўналишлари ва истиқболлари. Куруқ қурилиш қоришмалари.	4	6	2	4		-		
5.	Қурилиш материалшунослигига нанотехнология элементларидан фойдаланиш тажрибалари ва истиқболлари.	2	2	2			-		
	Жами:	28	26	10	16		2		

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ўзбекистонда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришининг ҳолати ва истиқболлари. Замонавий деворбоп материаллар.

2-мавзу: Замонавий иссиқлик изоляцияси материаллари. Замонавий пардозбоп қоплама қурилиш материаллари.

3-мавзу: Замонавий том қоплама материаллари. Поллар учун замонавий материаллар.

4-мавзу: Темир-бетон ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг йўналишлари ва истиқболлари. Куруқ қурилиш қоришмалари.

5-мавзу: Қурилиш материалшунослигига нанотехнология элементларидан фойдаланиш тажрибалари ва истиқболлари

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Замонавий деворбоп материалларни ишлаб чиқариш технологияси билан танишиш.

2-амалий машғулот: Пардадеворлар учун замонавий материалларни ишлаб чиқариш технологияси билан танишиш.

3-амалий машғулот: Замонавий иссиқлик изоляцияси материаллари ишлаб чиқариш технологияси билан танишиш.

4-амалий машғулот: Замонавий пардозбоп қурилиш материаллари ишлаб чиқариш технологияси билан танишиш.

5-амалий машғулот: Замонавий том қоплама материаллари ишлаб чиқариш технологияси билан танишиш.

6-амалий машғулот: Поллар учун замонавий материаллар ишлаб чиқариш технологияси билан танишиш.

7-амалий машғулот: Замонавий темирбетон конструкциялар ишлаб чиқариш технологияси билан танишиш.

8-амалий машғулот: Қуруқ қурилиш қоришимлари ишлаб чиқариш технологияси билан танишиш.

ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

-маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

-давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

-баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

№	Топшириқ турлари	Баллар тақсимоти	Максимал балл
1	Мавзулар бўйича кейслар	1,5 балл	2,5
2	Мустақил иш топшириқлари	1,0 балл	

II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи тингловчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатали;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер-ўқитувчи томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Композит арматуранинг турлари					
Шиша-пластикли		Базальт-пластикли		Углепластикли	
афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги	афзалиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетидаги амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс харакатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топширигни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш ўйларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим ўйларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Агрессив мухитда фойдаланиувчи маъсулиятли темирбетон конструкцияни ишлаб чиқариш учун лойиҳа бўйича сульфатга чидамли цемент қўлланилиши лозим. Бундай цемент ишлаб чиқарувчи завод цехининг иши вақтингчалик тўхтатилган. Сульфатга чидамли цемент қурилиш материаллари бозорида ҳам йўқ. Лойихага тузатишлар киритиш имконсиз. Бундай шароитларда темирбетон конструкцияни қандай қилиб ишлаб чиқариш мумкин.

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Темирбетон конструкцияни ишлаб чиқариш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустахкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

S – (strength)

- кучли томонлари

W – (weakness)

- заиф, кучсиз томонлари

O – (opportunity)

- имкониятлари

T – (threat)

- тўсиқлар

S	Темирбетон конструкцияларни арматуралаш учун мұлжалланған композит арматуранинг күчли томонлари	Мустахкамлигининг юқориилиги, коррозияга чидамлилиги,
W	Темирбетон конструкцияларни арматуралаш учун мұлжалланған композит арматуранинг күчсиз томонлари	Юмшаш ҳароратининг пастлиги, электрпайванлаш мүмкін емеслиги,
O	Темирбетон конструкцияларни арматуралаш учун мұлжалланған композит арматуранинг имкониятлари (ички)	Қурилиш объектларига ўрамлар құренишида ташиш
T	Түсиқлар (ташқи)	Композит арматуранинг хоссалари түлік үрганилмаганлиги

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсады: Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш қўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: “Кимёвий қўшимчалардан фойдаланиш олдиндан

белгиланган хоссали бетонлар олишнинг асосий тамойилларидан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникуларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникулар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.



Тест

- 1.GLENIYUM - бу нима?
- А. суперпластификатор
- В. лок-бўёқ материал
- С. елим



Қиёсий таҳлил

- Иссиклик изоляцияси материалларининг кўрсатгичларини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- ККҚ қисқармасини изоҳланг



Амалий кўникум

- Бетон таркибидаги кимёвий қўшимчанинг оптимал миқдорини аниқланг?

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қўйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурухли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънини англатади?	Қўшимча маълумот
Адгезия	бир-бирига тегиб турадиган (контактда бўлган) икки турдаги қаттиқ ёки суюқ жисмлар юзаларининг ёпишиши.	
Гидроизол	асбест картонини битумли боғловчилар билан шимдириб олинадиган ўрама материал.	
Гигроскоплик	материалнинг муайян мухитдан намликини ўзига тез сингдириб олиш хусусиятидир.	
Керамзит	енгил бетонлар учун сунъий ғовак шағалсимон тўлдиргич	
Қатрон	тошкўмир, ёғоч, торф ва ёнувчи сланецлардан ҳавосиз мухитда қиздириб олинадиган қора-жигарранг қуюқ модда.	
Мастика	органик боғловчининг майда туйилган микротўлдиргичлар ва бошқа қўшимчалар билан биргаликдаги пластик қоришмаси кўринишдаги материал	
Ситаллар	шишани қисман ёки тўла кристаллаш усулида олинадиган материал	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Вени Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:


- тингловчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда тингловчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб

чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишиган қисмига ёзадилар.

Қуруқ қурилиш қоришмаларининг сифати турлари бўйича



“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастреб тингловчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, тингловчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи тингловчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсири ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тутатгач, тўғри харакатлар кетмакетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшилтирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо»

бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қутиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йигинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзib, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йигинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йигинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Тингловчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аникланади.

«Қуруқ қурилиш қоришмалари технологик жараёнлари» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Тўлдиргичларни қуритиш ва фракцияларга ажратиш.					
Минерал микротўлдиргичларни қуритиш ва майдалаш (агар тайёр холатда заводга келтирилмаса)					
Барча компонентларни омборга жойлаштириш (боғловчи моддалар ва қўшимчаларни ҳам)					
Қориширгич аппаратига компонентларни тортиб солиш					
Қориширгичда компонентларни аралаштириш					
Қофоз қопларга ҚҚҚ ни қадоқлаш ва тайёр маҳсулотни жўнатиш.					

III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1- мавзу: Ўзбекистонда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва истиқболлари. Замонавий деворбоп материаллар.
Пардадеворлар учун замонавий материаллар.**

Режа:

- 1.1. Ўзбекистонда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва истиқболлари.
- 1.2. Замонавий деворбоп материаллар.
- 1.3. Пардадеворлар учун замонавий материаллар.

Таянч иборалар: қурилиш материаллари, ривожланиши тенденциялари, деворбоп материаллар, говакли бетон, күпик-бетон, газобетон, пардадеворлар.

1.1 Ўзбекистонда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикасида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳаси хақида умумий маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш материалларининг улкан табиий захиралари мавжудлиги билан ажralиб туради: қурилишбоп тошлар конлари 49 та, қум-шагал материаллари конлари – 76 та, ғишт ва черепица ҳамда оҳактош, қурилиш қуми, гипс, керамзит, мел, тальк ва бошқа материаллар хом ашёси конлари – 198 та.“Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компаниясига бирлашган қурилиш материаллари корхонлари Республикаиз қурилиш обьектларини қурилиш материалларининг барча турлари билан таъминлайди: цемент, оҳак, гипс, деворбоп, томбоп ва пардозлаш (ойна, мармар ва гранит тошлари) материаллари, сантехкерамика, гидроизоляцияловчи материаллар – жами асосий қурилиш маҳсулотларининг 100 дан ортиқ турлари билан. Ушбу соҳага чет эл инвестицияларини олиб кириш учун қулай инвестицион муҳит яратилган. Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун асбоб-ускуналар, жихозлар ва уларга комплектловчи буюмларни четдан олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинади, божхонага оид расмийлашириш тўловларидан ташқари.

Ўзбекистон ва унга чегарадош мамлакатларда капитал қурилишнинг жадал суръатлар билан ўсиши қурилиш материаллари, айниқса ғишт, цемент, пардозлаш материаллари истеъмолининг кескин ортишига қўшимча омил бўлиб хизмат қилимоқда. Ушбу тенденциянинг яқин келажакда ҳам сакланиб қолиши мутахассислар томонидан башорат қилинмоқда. Ўзбекистон Республикасида дунёда машҳур бўлган «Кнауфф» (Германия)

компанияси, Испания, АҚШ, Австрия ва бошқа мамлакатларнингтаниқли фирмалари фаолият кўрсатмоқдалар. Ҳозирги кунда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасининг ривожланишига 430 млн. АҚШ долл. миқдорида инвестициялар киритилиши талаб этилади. Уларни цемент, сантехкерамика, керамик плитка, иссиқлик изоляцияловчи материаллар, елим, лок-бўёқ материаллар ишлаб чиқаришини кенгайтириш учун сарфлаш мақсадга мувофиқдир.

1.2.Бино ва иншоотлар, уларни қуришда фойдаланилган материалларга кўрсатилувчи замонавий талаблар.

Қурилиш бозорида янги қурилиш материаллари ва технологияларининг пайдо бўлиши ушбу материалларни ишлаб чиқаришда, улардан қурилиш майдонида фойдаланишда ва умуман бино ва иншоотларга энергия самарадорлик, комфорлилик, экологияга оидлик ҳамда хавфсизлилик нуқтаи назаридан кўрсатилувчи замонавий талаблар билан бевосита боғлиқдир.

Ушбу талаблар ва материалшунослик қонуниятларидан келиб чиқиб бозорда пайдо бўлган янги замонавий қурилиш материалларини кўриб чиқишга ҳаракат қиласиз.

Маълумки, XX асрнинг 80-йилларида Ғарбий Оврўпада бошланган энергетик қризис қурилиш соҳасидаги муаммоларга ўз таъсирини қўрсатди. Бу эса ўз навбатида дунёning кўпчилик мамлакатларида йирик масштабли энергия тежамкорлик бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақазо қилди.

МДХ доирасида ҳам охирги 25 йил ичидаги ёқилғи-энергетика ресурсларини харажатларини сезиларли қисқартиришга қаратилган йирик тадбирлар амалга оширилди. Шулар жумласидан қурилиш соҳасида ТЭЗ-1 (қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш, ташиб ва монтаж қилишга тааллуқли) ва ТЭЗ-2 (тўсувчи конструкцияларга кўрсатилувчи талабларни 2-3 баробар кучайтириш, хонадоларга ўрнатилувчи автоном иситиш тизимини ва ўлчаш-ростлаш ускуналарини такомиллаштришга қаратилган) тадбирлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. МДХ мамлакатларининг қурилиш индустряси ва уй-жой –коммунал хўжалигига ҳар йили жуда катта миқдорда ёқилғи-энергетика ресурслари сарфланади. Улардан тахминан 73% и ТЭЗ-1 ни қоплаш учун, қолганлари эса ТЭЗ-2 ни қоплаш учун сарфланар экан.

Агар барча харажатларни МДХ мамлакатларида фойдаланилувчи биноларнинг умумий майдонига бўлсак, у ҳолда бир йилда 1 m^2 майдондан фойдаланиш учун 90 кг шартли ёқилғи сарфлашга тўғри келар экан. Ушбу кўрсаткични дунёning энг илғор мамлакатларидан бири ҳисобланувчи Швеция кўрсаткичи билан таққосласак уларда ушбу кўрсаткич деярли 3 баробар кам. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра кўп қаватли уй-жой биноларини иситиш учун Россиянинг ўрта минтақаларида бир йилда 350 дан 600 кВт·соат/ m^2 гача иссиқлик энергияси сарфланса, скандиавия

мамлакатларида шундай уйларни иситиш учун атиги 135 - 150 кВт·соат/м² иссиқлик энергияси сарфланади.

Энергия ресурсларининг бундай ортиқча сарфланиши МДХ мамлакатларида узоқ вақтлардан бери энергия тежамкорлик концепциясининг мавжуд эмаслиги, бинолар лойиҳалари, меъморий-қурилиш тизимларининг номукаммаллиги, биноларнинг ва энергия тармоқларининг авария ҳолатда эканлиги билан изоҳланади¹.

Шунинг учун охирги йилларда МДХ мамлакатларида энергия тежамкорлик масаласини ечишга қаратилган бир қатор жиддий директив ва меъёрийхужжатлар мажмуи қабул қилинди. Бундай меъёрий хужжатлар қаторига МДХ мамлакатлари ҳудудида 1995 йилда амалга киритилган “Қурилиш теплотехникаси” ҚМҚ сига ўзгартиришлар” ни киритиш мумкин. Уй-жой ва жамоат биноларида ТЭЗ-2 эксплуатацион ва конструкторлик-технологик ҳаражатларга тахминан баб-баравар тақсимланади. Эксплуатацион ҳаражатлар (100%) газнинг йўқотлиши (30%), сувдан нооқилона фойдаланиш (18%), иссиқлик ташувчининг йўқотишиларидан (42%) ташкил топади. Бунда йўқотишилар энергиянинг барча турлари бўйича содир бўлади.

Аҳоли бошига иссиқ сувнинг суткалик сарфланиши ўртача-оврўпа меъёрларига нисбатан 2 марта ортиқча. Ёритиш лампалари электр энергиясини хорижий мамлакатлардагиларга қараганда 4 марта ортиқча истеъмол қиласидилар, шу билан бирга уларнинг хизмат қилиш муддатлари ҳам 3 марта кам. Иситиш тизимларидаги иссиқликнинг смарасиз сарфланиши ростлаш воситалари мавжуд эмаслиги ҳисобига 15-20% ни ташкил қиласи.

ИЭМлар ва йирик қозонхоналардан иссиқлик таъминоти тизимларининг тарқалганлиги қимматбаҳо муҳандислик коммуникациялари узунлигининг ва шу орқали самарасиз иссиқлик йўқотилишининг сезиларли ортишига олиб келади.

Иссиқликнинг ҳисобий конструктив-технологик йўқотишилари (100 %) дераза ва эшиклар орқали (33 %), чордоқ ва техник қаватнинг ораёпмаси орқали (22 %) ва деворлар орқали (45 %) йўқотишилардан ташкил топади. Аммо ойналари яхши қўйилмаган дераза ва балкон эшиклари орқали хонадондан 80% дан ортиқ иссиқлик йўқотлиши ҳам мумикнин.

Бундан ташқари дераза форточкаларидан иситиш ва шамоллатиш тизимида ростловчи асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ҳамда бинонинг тархдаги норационал конфигурацияси сабабли кўплаб иссиқлик йўқотилади. Шунинг учун бинодан иссиқлик энергияси йўқотишиларини кескин қисқартириш учун ушбу муаммони ечишга комплекс ёндошиш лозим, яъни бирламчи ва иккиламчи йўқотишиларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда.

Иссиқлик узатилишига қаршилик - К (Вт/м² °С) коэффициенти билан тавсифланади. Бу коэффициент тўсиқнинг бир квадрат метри орқали унинг

¹ Samig'ov N.A. Bino va inshootlarni ta'mirlash materialshunosligi. Darslik. – T.: Faylasuflar milliy jamiyati, 2011. 86-бет.

ички ва ташқи сиртлари ўртасидаги ҳароратнинг фарқи бир градусга тенг бўлгандағи иссиқлик оқимининг энергиясини аниқлаб беради

Деворларга иссиқлиқдан ҳимоялаш бўйича талабларнинг кескин ортиши қурилиш материаллари саноатининг катта қисми учун таркибий ўзгаришлар қилишга, янги лойиҳалар, янги қурилиш технологияларини ишлаб чиқишига, заводларни модернизация қилишга, улардаги ходимларни қайта тайёрлашга ундаиди. Бу тадбирларни қурилиш ҳажмларини бажариш суръатларини пасайтирумасдан амалга ошириш анча вақт ва моддий ресурслар сарфлашни талаб қилади.

1.3. Замонавий деворбоп материаллар.

Ташқи деворлар меъёрий иссиқлик узатилишига қаршилиги миқдорининг кескин ортиши билан бир қатламли деворлар учун самарали бўлган иссиқлик изоляцияловчи материал яратиш муаммоси жуда ҳам долзарб бўлиб қолди. Меъёрлар талабларига жавоб берувчи янги материалларни яратиш вақт талаб қилиши туфайли олимлар яхши маълум бўлган материалларга – ғовакли бетонларга яна мурожаат қилишди.²

Маълумки, ғовакли бетонлар 2 гурухга бўлинади: ғовакли газобетонлар ва ғовакли кўпик-бетонлар. Вазифаси ва ўртача зичлигига кўра ғовакли бетонлар 3 та кичик гурухга бўлинади:

- иссиқлик изоляцияловчи - $\rho \leq 500 \text{ кг}/\text{м}^3$;
- конструкцион-иссиқлик изоляцияловчи - $\rho = 500 \div 900 \text{ кг}/\text{м}^3$;
- конструкцион - $\rho = 900 \div 1200 \text{ кг}/\text{м}^3$.

Қотиши шароитларига кўра автоклав ва ноавтоклав ғовакли бетонлар фарқ қилинади. Автоклав ғовакли бетонлар тўйинтирилган буғ мухитида 0,8–1,6 МПа босим остида ва 170–200 °C ҳароратда қотирилади. Ноавтоклав ғовакли бетонлар табиий шароитларда электр билан қиздириб ёки атмосфера босимида 100°C гача ҳароратда буғ билан ишлов бериб қотирилади.

Ғовакли бетонлар мустахкамлиги юқори эмаслиги сабабли улардан кам қаватли қурилишларда фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, бунинг устига бир ва икки қаватли уйларда кўп қаватли уйларга нисбатан иссиқликнинг йўқотилиши 4-5 баробар кўп бўлади.

Шу сабабли ҳам МДХ мамлакатларида чиқариладиган деворбоп материаллардан 8-10% гина ғовакли бетонлардан тайёрланувчи деворбоп материалларга тўғри келади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, ғовакли бетонлардан ишлаб чиқарилувчи маҳсулотларнинг кўпчилиги 600–700 $\text{кг}/\text{м}^3$ зичликка эга. Янги талабларга кўра уларнинг бир қатламли тўсувчи конструкциялардаги самараси кўп қатламли деворлардагига нисбатан солиширгандан камроқ бўлади. Бундай ҳолларда ташқи деворлар қалинлигини оширишга тўғри келарди. Деворлар қалинлигини оширумасдан туриб уларнинг талаб этилувчи иссиқликдан

² Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings, P 112

ҳимояловчи хусусиятларини таъминлаш учун ғовакли бетонларнинг мустахкамлигини сақлаб қолган ҳолда ўртача зичлигини $400\text{--}500 \text{ кг}/\text{м}^3$ гача пасайтириш лозим. Бундай блоклар ҳозирги кунда шиддат билан риожланаётган каркасли-яхлит қуйма қурилиш учун ҳам ўзини кўтарувчи деворларни барпо қилишда ўта керак бўлар эди.

Кўпчилик ривожланган хорижий мамлакатларда юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар учун ўртача зичлиги $500 \text{ кг}/\text{м}^3$ мустахкамлиги $2,5\text{--}4 \text{ МПа}$ бўлган автоклав ғовакли бетон ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Улар бунга сифатли технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган юқори-механизациялашган ва автоматлаштирилган конвейер линияларидан фойдаланиш ҳисобига эришганлар.

МДХ мамалакатларида ишлаб чиқариш ускуналарининг замонавийлиги ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотларининг сифати бўйича хорижий мамлакатларнидан анча орқада ҳисобланади ва шу сабабли кўпчилик корхоналарда ғовакли бетоннинг ноавтоклав технологияси ўзлаштириган. Ушбу технология соддароқ бўлиб энергияни кам истеъмол қиласи ва шунинг учун маҳсулот анча арzonга тушади. Бундай технология бўйича олинадиган конструкцион-иссиқлик изоляцияловчи ғовакли бетоннинг ўртача зичлигини $400\text{--}500 \text{ кг}/\text{м}^3$ гача, мустахкамлигини эса лойиҳавий муддатларда $2,5\text{--}3,5 \text{ МПа}$ гача етказиш мумкин. Бундан ташқари бундай бетонларнинг капилляр ғоваклигини йўқотиш, иссиқлик ўтказувчанлигини камайтириш, иссиқлик билан ишлов беришдан воз кечиш, киркишнинг янги услубларни қўллаш имкониятлари мавжуд. 1.1-жадвалда келтирилган маълумотлар автоклав ғовакли бетонга хусусиятлари бўйича эквивалент бўлган ноавтоклав ғовакли бетон яратиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.


Жадвал- 1.1

Ўртача зичлиги $400\text{--}500 \text{ кг}/\text{м}^3$ бўлган ғовакли бетоннинг физик-техни кўрсаткичлари

Кўрсаткичлари	Ноавтоклав	Автоклав	
		СНиП (ҚМК) 2.03.01, II -3-79*	ГОСТ(ДСТ) 25485
Бетоннинг синфи	B2; B2,5	B1; B1,5	B1-B1,5
Ўртача мустахкамлиги, МПа	2,5-3,5	1,4-2,1	1,4-3,5
Махсулотни жўнатиш мустахкамлиги, МПа	1,7-2,1	1,4-2,1	1,4-3,5
Эластиклик модули $E, \times 10^6 \text{ МПа}$	1,44-2,3	1,1-1,4	1,1-1,75
Киришиш, $\text{мм}/\text{м}$	0,52-1,3	0,7-0,68	0,5-0,7
Ғоваклиги, %	6,5-5	15-17	15-17
Сорбцион намлиги, %	5,2-15,2	5-13	8-12
Музлашга чидамлилиги F, цикл	35,50	25,35	15-35
Қуруқхолатдаиссиқликутказувчанлиги, $\text{Вт}/(\text{м}\cdot^\circ\text{C})$	0,09-0,11	0,11-0,13	0,10-0,12
Худди шу, нам холатда ($W=11\%$)	0,12-0,14	0,14-0,16	0,13-0,15
Бугутказувчанлигикоэффициенти, $\text{мг}/(\text{м}\cdot\text{ч}\cdot\text{Па})$	0,22-0,2	0,23-0,2	0,23-0,2

Юқори сифатли ноавтоклав ғовакли бетон технологиясини йўлга қўйиш учун хомашё материалларининг юқори сифатли бўлишини таъминлаш лозим.

Шу билан бирга МДХ мамлакатлари хом ашё базасини тахлил қылсак, бунда 500 кг/м³ зичликка эга бўлган ғовакли бетонлар олиш имкониятини берувчи микротўлдиргичлар (туф, цеолитлар, ИЭС электофильтрлари қули, микрокремнезем) мавжуд (1.1-расм).



1.1.-расм. Газобетонларнинг зичлиги: кварцликум (тўққўк); ИЭСкули (кора); туф (қизил); микрокремнезем (хаворанг) асосдаги. Пунктирили чизиқлар - фиброгазобетон учун

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатди, энг енгил газобетонларни микрокремнезем асосида олиш мумкин экан (250–300 кг/м³). Афсуски бундай газобетонларнинг мустаҳкамлиги жуда ҳам паст (тахминан 2 кг/см²) эканлиги билан ажралиб туради. Бундан келиб чиқиб сифатли газобетон олиш учун хом ашёнинг янги турларини топиш ва унинг технологиясини янада такомиллаштириш бўйича изланишларни давом эттириш лозим.³

Ҳозирги кунда МДХ мамлакатларида сопол деворбоп материалларнинг самарадорлгини ошириш йўллари устида ишлар олиб борилмоқда. Масалан, Россиянинг сопол буюмлар ишлаб чиқарувчи энг йирик корхоналаридан бири бўлган «Голицин сопол буюмлар заводи» АЖ маҳсулотларнинг жуда ҳам кенг ассортиментини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ушбу корхона 9 хил рангдаги ғиштларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. (1.2.-расм).

Олинаётган ғиштлар сиртларининг ўта силлиқлиги, геометрик ўлчамларининг аниқлиги, юқори мустаҳкамлиги (M125–M150), стандарт бўйича талаб этиладиган F-50 га нисбатан 2–3 баробар юқорироқ бўлган музлашга чидамилиги – бу барча кўрсаткичлар ушбу корхонада хом ашёнитайёлашга катта эътибор берилиши, технологик линияни юқори сифатли дастгохлар билан жихозланиши ва технологиясининг мукаммаллиги эвазига эришилади. Стандарт шакл ва ўлчамли ғиштдан ташқари корхона


³ Samig'ov N.A. Bino va inshootlarni ta'mirlash materialshunosligi. Darslik. – T.: Faylasuflar milliy jamiyati, 2011. 98-бет.

яримталик, бир яримталик ва иккиталик, хамда ён қирраси доиравий ёки 45 градусли, трапецисимон, олтибурчакли каби ғишлар ишлаб чиқаради(1.3.-расм).

Корхонанинг янги махсулотларидан бири ғоваклаштирилган сопол тош (иккиталик ғишт кўринишида) ҳисобланиб, бинонинг иссиқликдан ҳимоясини ташқи деворларнинг қалинлиги 64 см бўлганда қўшимча иситишсиз таъминлайди. Иссиқликдан ҳимоялаши ва нархига кўра бундай деворни самарали ғовакли бетонлардан қурилган деворга тенглаштиrsa бўлади, бироқ мустахкамлиги ва ўзокқа чидамлилиги бўйича улардан анча афзалроқдир.



1.2- расм. Ишлаб чиқарилувчи ғиштларнинг турлари



1.4. - расм. «Голиция сопол буюмлар заводи» ОАЖ махсулотлари
Ҳозирги кунда МДҲ мамлакатларининг қурилиш бозорини арzonроқ нархлардаги Хитойда ишлаб чиқарилган ғишт эгаллаб бормоқда. Бироқ бундай ғиштлар зичроқ (демак янада «совукроқ») бўлиши билан бирга

ўлчамлари бўйича махаллий стандартлар талабларига мос келмайди. Демак, ғиштли деворнинг умумий қалинлигини ўзгартирмасдан уни кичикроқ ўлчамли ғиштдан қурганда қурувчилар чокнинг қалинлигини оширишга мажбур бўладилар ва натижада девор ҳам шунга яраша «совукроқ» бўлади.

Бундай шароитларда, яъни янги деворбоп материалларни ишлаб чиқиш устида изланишлар давом этаёганда, ишлаб чиқарувчилар замонавий иссиқлик изоляцияловчи материалларни ишлатишни кўзда тутувчи кўп қатламли деворлар конструкцияларига мурожаат қилишди. Бундай материаллар хақида кейинги маърузаларда маълкмот берилади.

Деворларни куришнинг турли варианtlарини ўзаро таққослаш мақсадида ҳар хил материалардан қурилган деворларнинг кўрсаткичларини келтириб ўтамиз:

Яхлит силикат ғиштдан қурилган девор:

1. Ўртача зичлиги – 1800 кг/м³.
2. Ҳисобий иссиқлик ўтказувчанлиги – 0,87 Вт/м·К.
3. Термик қаршилиги – 0,74 м² ·К/Вт.
4. 1 м² деворнинг массаси – 1152 кг.
5. Деворнинг қалинлиги – 64 см.

Тешикли сопол ғиштдан қурилган девор:

1. Ўртача зичлиги – 1600 кг/м³.
2. Ҳисобий иссиқлик ўтказувчанлиги – 0,64 Вт/м·К.
3. Термик қаршилиги – 0,80 м² ·К/Вт.
4. 1 м² деворнинг массаси – 816 кг.
5. Деворнинг қалинлиги – 51 см.

Керамзитобетондан қурилган девор:

1. Ўртача зичлиги – 1000 кг/м³.
2. Ҳисобий иссиқлик ўтказувчанлиги – 0,41 Вт/м·К.
3. Термик қаршилиги – 0,85 м² ·К/Вт.
4. 1 м² деворнинг массаси – 350 кг.
5. Деворнинг қалинлиги – 35 см.

Газобетондан қурилган девор:

1. Ўртача зичлиги – 600 кг/м³.
2. Ҳисобий иссиқлик ўтказувчанлиги – 0,26 Вт/м·К.
3. Термик қаршилиги – 0,92 м² ·К/Вт.
4. 1 м² деворнинг массаси – 144 кг.
5. Деворнинг қалинлиги – 24 см.


Минерал- момиқ иситгичли ва темирбетон қатламли уч қаватли девор панели:

1. Ўртача зичлиги: минерал- момиқ учун – 100 кг/м³. темирбетон учун – 2500 кг/м³.
2. Ҳисобий иссиқлик ўтказувчанлиги: минерал- момиқ учун – 0,07 Вт/м·К. темирбетон учун – 0,61 Вт/м·К.
3. Термик қаршилиги – 0,61 м² ·К/Вт.
4. 1 м² деворнинг массаси – 236 кг.

5. Деворнинг қалинлиги – 4-15-4 (23) см.

Хорижий олимлар (Диас ва бошқалар) томонидан қурилиш блокларининг шаклини опималлаштириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ҳозирги кунлга келиб айрим ижобий натижалар олинган ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тавсия қилинган. Масалан, тадқиқотлар натижасида 1.5-рамда келтирилган пиширилган лойдан олинувчи юқори самарали ғовакли блоклар ишлаб чиқилган. Уларнинг тавсифлари ва хоссаларининг айрим кўрсаткичлари 1.2-жадвалда келтирилган⁴.

Бошқа олимлар (Дел Коз ва бошқалар) бетон блоклар теримининг шаклини оптималлаштириш, массасини камайтириш ва иссиқлик ўтказувчанигини камайтириш устида илмий ишлар олиб бормоқдалар. Масалан, улар енгил бетонли блоклар теримини генетик алгоритмдан фойдаланиб шаклини оптималлаштиришни ўрганиб чиқдилар ва қурилган бир қатламли деворнинг U-кўрсаткичи $0,50 \text{ Вт} / \text{m}^2 \text{ }^{\circ}\text{К}$ га teng бўлишига эришдилар.



1.5-расм. Ғоваклаштирилган пишган лойдан олинган девор блоклари

⁴ F. P. Torgal , S. Jalali. Eco-efficient Construction and Building Materials, DOI: 10.1007/978-0-85729-892-8_1, Springer-Verlag London Limited, 2011. P 139-140

Жадвал- 1.2

Ғовакли девор блокларининг физик-техни қўрсаткичлари⁵


Тавсифлари, хоссалари	Кўрсаткичлари
Ўлчамлари (мм)	300x300x200
Сиқилишга мустахкамлиги (МПа)	13
Ғоваклиги (%)	55
Массаси (кг)	14
Хақиқий зичлиги (кг/м ³)	1850
Туюловчи зичлиги (кг/м ³)	750
Иссиклик ўтказувчанлиги (Вт/м ⁰ К)	0,5

1.2. Пардадеворлар учун замонавий материаллар.

Газобетонлар портландцемент (кўпинча оҳак ёки ўювчи натрий қўшилган), кремнеземли компонент ва газ ҳосил қилувчи модда аралашмасидан тайёрланади.

Кимёвий реакциянинг турига газ ҳосил қилувчи моддалар қўйдаги хилларга бўлинади: боғловчи ёки унинг ҳосилалари билан реакцияга киришувчи (алюминий пудраси); газ ҳосил қилиб парчаланувчи (пергидроль H_2O_2); ўзаро реакцияга киришиб газ ҳосил қилувчи (масалан, майдалангандан оҳактош ва сульфа кислота)) [4, 7, 8].

Кўпчилик ҳолларда газ ҳосил қилувчи сифатида алюминий пудраси ишлатилади, ушбу модданинг кальций гидроксида билан реакцияга киришиши натижасида водород ажралиб чиқади:



Алюминий пудрасининг зичлиги 600 – 700 кг/м³ га teng бўлган 1 м³ газобетон ишлаб чиқариш учун сарфланиши 0,4 – 0,5 кг ни ташкил этади.

Газосиликат автоклавда қотирилувчи материал бўлиб газобетондан фарқли оҳакли-кремнеземли боғловчи асосоида тайёрланади. Бунда маҳаллий арzon материаллар: оҳак, қум, кул ва металлургия шлакидан фойдаланилади.

Кўпик-бетон алоҳида тайёрланган қурилиш қоришимаси ва ҳаволи ячейкалар ҳосил қилувчи кўпикни аралаштириб олинади. Қурилиш қоришимасини газобетон технолгиясидаги каби боғловчи (цемент ёки оҳак), кремнеземли компонент ва сувни аралаштириб олинади. Кўпикни марказдан қочирма насослар ёки кўпиртиргичларда таркибида сирт- фаол

⁵ F. P. Torgal , S. Jalali. Eco-efficient Construction and Building Materials, DOI: 10.1007/978-0-85729-892-8_1, Springer-Verlag London Limited, 2011. P 139-140

моддалар мавжуд бўлган кўпик ҳосил қилувчининг сувли эритмасидан тайёрланади. Кўпинча: елим-канифолли, қатрон-сапонинли, алюмосуль-фонафтенли ва сунъий кўпик ҳосил қилгичлар ишлатилади. Стабилизаторлар сифатида ҳайвонлар елими, суюқ шиша, минерализатор сифатида цемент ёки оҳак ишлатилади.

Кўпик-силикат газосиликат каби оҳакли-кремнеземли боғловчи асосоида тайёрланади.

Автоклавли газобетондан олинган девор блоклари бетонли блоклардан энг енгили ҳтсобланиб, кам ва ўрта қаватли биноларни барпо қилиш учун етарлича мустахкамликка эга. Унинг киришиш деформациясининг микдори – 0,5 м/Пм га teng бўлиб, ноавтоклавникига нисбатан деярли 10 марта кичик. Ноавтоклав газобетонли блоклар ёрилишга мойил бўлиб юк кўтарувчи конструкциялар қуриш учун деярли ишлатилмайди.

Машхур фирмалар; «СИПОРЕКС», «ИТОНГ»,(Швеция) «ХОБЕЛЬ»,(Германия), «СИЛБЕТОИНДУСТРИЯ» (Россия), «АЙНО» (Эстония) ва бошқалар 30 тадан ортиқ хилли ўлчамлари жуда ҳам юқори аниқликдаги девор ва пардадевор блоклар ишлаб чиқарадилар (1.4-расм) [1]. Бундай аниқ ўлчамли газобетон блоклардан девор термасини оддий қоришмалар билан бир қаторда минерал елимларда ҳам бажарса бўлади. Иккинчи холда чоклар 2 мм қалинликка эга бўладилар ва цементли-қумли қоришмалардан ҳосил бўлувчи «совуклик кўприкчалари» мавжуд бўлмайди.

Бундай деворларга махкамлаш оддий усуlda бажарилади; енгил предметлар михлар билан қоқилади, оғирроқлари эса шуруплар ёрдамида пробкали тешикларга бураб қотирилади.



1.4.-расм. Газобетон ва Кўпик-бетонли блоклар

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон Республикаси қурилиш материалларининг табиий захиралари хақида нималарни биласиз?
2. Қурилиш бозорида янги қурилиш материаллари ва технологияларининг пайдо бўлишига нималар сабабчи бўлди?
3. Иссиқлик узатилишига қаршилик қандай коэффициент билан тавсифланади?

4. Вазифаси ва ўртача зичлигига кўра ғовакли бетонлар нечта гурухга бўлинади?
5. Ғовакли бетонлардан ишлаб чиқарилувчи маҳсулотларнинг кўпчилиги қандай зичликка эга?
6. Энг енгил газобетонларни (зичлиги 250–300 кг/м³) нима асосида олиш мумкин?
7. Газобетондан қурилган деворнинг физик-техник кўрсаткичлаари қандай?
8. Тешикли сопол ғиштдан қурилган деворнинг физик-техник кўрсаткичлаари қандай?
9. Алюминий пудраси билан кальций гидроксиди ўзаро қандай реакцияга киришади?
10. Автоклавли газобетондан олинган девор блоклари киришиш деформациясининг миқдори қанчага тенг?

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Қосимов Э.У. Қурилиш ашёлари. Дарслик. - Т.: Мехнат, 2004.
- 2.Samig'ov N.A. Bino va inshootlarni ta'mirlash materialshunosligi. Darslik. – Т.: Faylasuflar milliy jamiyati, 2011.
- 3.Одилхўжаев А.Э., Тохиров М.К. Қурилиш материаллари. Ўқув кўлланма. - Т.: 2002.
4. Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings (Woodhead Publishing Series in Energy) /UK March 31, 2010.
5. F. P. Torgal , S. Jalali. Eco-efficient Construction and Building Materials, DOI: 10.1007/978-0-85729-892-8_1, _ Springer-Verlag London Limited, 2011.

2 мавзу: Замонавий иссиқлик изоляцияси материаллари. Замонавий пардозбоп қоплама қурилиш материаллари.

Режа:

- 2.1. Энергия самарали илиқ уй-жой биносининг конструкциялари ва материаллари.
- 2.2. Замонавий иссиқлик изоляцияси материаллари.
- 2.3. Замонавий пардозбоп қоплама қурилиш материаллари.

Таянч иборалар: энергия самарадорлик, иссиқлик изоляцияси материаллари, замонавий иситгичлар, асосий хоссалар, пардозбоп қоплама


2.1. Энергия самарали илиқ уй-жой биносининг конструкциялари ва материаллари.

Ҳозирги кунда самарали иссиқлик изоляцияловчи материалларнинг ассортименти тобора кенгайиб бормоқда. Биноларни иссиқликдан изоляциялаш учун қўлланилаётган материаллар қаторига пенополистирол, пенополиуретан, шиша-толали ва минрал-толали момик ва бошқалар киради. Бундан ташқари зичлиги $200\text{--}300 \text{ кг}/\text{м}^3$ ва иссиқлик ўтказувчанли коэффициенти $0,08\text{--}0,15 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \text{ °C})$ га тенг бўлган перлит-пластобетон, кўпик-гипс, ғовак-шиша, полистиролбетон ёки зичлиги $400 \text{ кг}/\text{м}^3$ ва иссиқлик ўтказувчанли коэффициенти $0,08\text{--}0,15 \text{ Вт}/(\text{м}^2 \text{ °C})$ бўлган ғовакли бетонлар қўлланилмоқда.


Бевосита иссиқлик изоляцияловчи материалларга ўтишдан олдин деворларни иситишнинг қабул қилинган схемалари билан танишиб чиқамиз. Уй-жой биноларини иссиқдан ҳимоялаш ва уй-жой фондида энергия самарадорлик муаммолари билан дунёнинг кўпчилик мамлакатлари шуғулланмоқдалар. Энергия тежамкорлик ва иссиқдан ҳимоялаш тадбирларини амалга ошириш натижасида саноати ривожланган мамлакатларда уй-жой фондида истеъмол қилинадиган энергиянинг нисбий сарфи охирги 10 йил ичидаги 2 ва ундан кўпроққа камайтирилди. Ушбу масалани ечишда энг ҳал қилувчи йўналишлардан бири уй-жой биноларининг ташқи деворлари ва деразаларининг иссиқлик узатишга қаршилигини ошириш бўлди. Техник ривожланган мамлакатларда деворлар конструкцияларининг кўпчилиги кўп қатламли қилиб тайёрланади. Самарали иситгичли кўп қатламли ташқи деворлар йирик панелли деворларнинг умумий ҳажмида: Норвегияда - 100%ни, Венгрияда - 95% ни, Финляндияда - 94%ни, Руминияда - 91%ни, Буюкбританияда - 75%ни ташкил этади. Шу билан бирга тахминан 2000 йилларгача МДХ мамлакатларида ушбу кўрсаткич 5-10%ни ташкил этарди.

Мавжуд ва янгидан қурилувчи бинолар ташқи тўсувчи конструкцияларининг энергия тежамкорлик талабларини таъминлаш учун иссиқликдан ҳимоялаш ва эксплуатацион сифатлари етарлича бўлган кўп қатламли конструкцияларни яратишга асосланган турли техник ечимлар таклиф қилинмоқда. Шу билан бирга самарали иситгичли кўп қатламли деворларни яратиш уй-жой биносининг ҳар томонлама комфортлилгини таъминлашга қаратилган янги муаммоларни рўёбга чиқаради. Шундай муаммолардан бири иситгич ва иситилувчи конструкция ўртасидаги буғдан ҳимоялашни таъминлаш ҳисобланади. Ушбу масала бинонинг иссиқлик санацияси бўйича тадбирларнинг бутун комплекси билан, аникроғи шамоллатиш тизими боғлиқдир. Иситгичнинг тўсувчи конструкциядаги ўрнига қараб иситишнинг 3 та варианти фарқ қилинади: -тўсувчи конструкциянинг ички томонидан; - тўсувчи конструкциянинг ичкарисида; - тўсувчи конструкциянинг ташқи томонидан;⁶

⁶ Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings, P 218




2.1-расм. Иситгич деворнинг ички томонида жойлашган




2.2-расм. Иситгич деворнинг ичкарисида жойлашган.

1, 2 – деворнинг ташқи ва ички қисми; 3 – ёпма плита; 4 – ички пардозловчи қатлам; 5 – эгилувчан боғловчи элементи; 6 – иссиқлик изоляцияси қатлами; 7 – иссиқлик изоляцияловчи қистирма



2.3.-расм. Иситгич деворнинг ташқи томонида жойлашган

1 – девор; 2 – эски пардозлаш қатлами; 3 – минерал елимли таркиб; 4 – дюбель; 5 – иссиқлик изоляцияловчи материал; 6 – шиша тола билан арматураланган елимли таркиб; 7 – шиша матоли түр; 8 – күмли грунтовка; 9 – декор-сувоқ



2.4-расм. Шамоллатилувчи фасад схемаси: а – буғланиш; б – товуш изоляцияси

Мутахассисларнинг фикрига қўра буғдан изоляцияловчи қатламнинг кўлланиши жуда ҳам зарур, чунки у хонадондаги намликнинг иссиқдан изоляцияловчи қатламга кириб боришига тўсқинлик қиласди. Хонадонда бу намлик одамларнинг ҳаёт фаолияти, овқат тайёрлаш, кир ювиш ва бошқалар натижасида ҳосил бўлади.

Буғдан ҳимоялаш мавжуд бўлганда хонадонда ҳосил бўлувчи намликни қандай йўқотиш мумкин? –деган савол туғилади. Бу ерда сифатли ишловчи аниқ ҳисобланган шамоллатиш тизими зарур бўлиб у нафақат ортиқча намликни четлатади, балки иситилиши лозим бўлган деворни қуритиши ҳам лозим. Ҳозирги кунда бундай шамоллатиш тизимлари деярли йўқ. Табиий тортувчи шамоллатиш фақат ошхоналар ва санузелларда кўзда тутилган бўлиб, ҳавонинг алмашинуви хонадонлардан форточкалар, деразалар ва уларнинг тирқишлиар орқали амалга оширилади. Бинонинг тўсувчи конструкцияларини иситиш ва эски деразаларини янгиси билан алмаштиришни кўзда тутувчи лекин унинг шамоллатиш тизимини қайта ишлаб чиқиши кўзда тутмаган иссиқликка оид реновацияси амлга оширилса бундай иссиқлик санацияси нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун тўлиқ масштабли иссиқлик санациясига маблағ этишмаган ҳолларда “енгилроқ вариант” – шамоллатилувчи фасадларни қуриш кўлланилади. Бунда услуб барча конструктив элементлари билан, бироқ буғдан изоляциясиз амалга оширилади.

Санациянинг мажбурий шартларидан бири – “нафас олувчи” иссиқлик изоляцияловчи плиталардан фойдаланиш, яъни ортиқча намликни конструкциядан йўқотилишига тўсқинлик қилмайдиган материалдан

фойдаланишдир. Шунинг учун ҳозирги кунда конструкцияларнинг охирги тури амалиётда кенг қўлланилмоқда, чунки уларнинг қўлланилиши энергия самарали фасадларни фақат янги биноларда эмас, балки реконструкция қилинаётган биноларда ҳам қўллашга имконият беради, бундан ташқари бинолар янги замонавий кўринишга зга бўлади. Бинонинг ташқи иситиш тизими шамоллатилмайдиган (ҳўл) ва шамоллатилувчи (қуруқ) турларга бўлинади. Бинонинг ҳўл ташқи иситиш тизими икки хилга бўлинади:

-харакатчан махкамлагич ва қалин ҳимояловчи-декоатив сувоқ қатламли (20 мм ва юқори) -«Хантер стар» (Россия), «Серпорок» (Финляндия);

-қаттиқ махкамлагич ва юпқа ҳимояловчи-декоатив сувоқ қатламли (4,5–8 мм) «Синтеко», «Теплый дом», ЛАЭС (Россия), «Капатек», «Хекк-Тисс», «Текс-Колор», «Альзеко», «Испо», «Бауколор» (Германия)

Энг кенг тарқалган юпқа ҳимояловчи-декоратив сувоқ қатламли тизимлар ўз навбатида қуидагиларга бўлинади:

-минерал силикатли, кейинчалик силикатли, силиконли материаллар билан ёки декоратив сувоқ билан қопланувчи;

-акрилли, кейинчалик акрилли материаллар билан ёки декоратив сувоқ билан қопланувчи.

2.2. Замонавий иссиқлик изоляцияси материаллари.

Самрадорлиги юқори бўлган иссиқлик изоляцияловчи материаллар қаторига қуидагилар киради: ғовак пластмасса, минерал момик, шиша момик, минерал-момикили тўшамалар, кўпчитилган перлит ва бошқалар.

Плиталар тайёрлаш учун қўлланилувчи пенополистирол таркибидаги ҳаво 98% ни ташкил қиласди. Бу эса унинг юқори иссиқлик изоляцияловчи хусусиятларга эга бўлишини таъминлайди. Ушбу материал иссиққа чидамлилиги, биочидамлилиги, сувга чидамлилиги, сизот сувларини ислофлантирмаслиги билан ажралиб туради⁷

Пенополистирол сув қўшилган кислоталар, концентрацияланган, сувсиз баъзи кислоталар, тузлар ва ишқорларнинг эритмалари, баъзи органик эритувчилар таъсирига турғун. Аланга таъсир қилганда полистирол ёнувчи томчилар ҳосил қилмайди, шу билан бирга у ёнганда ажралиб чиқувчи газсимон махсулотларнинг таъсири ёғоч ёнганда ажралиб чиқувчи махсулотлар заҳарли таъсиридан камрок. Россия корхоналарида ишлаб чиқарилувчи иссиқлик изоляцияловчи плиталар ПСБ-С-15, ПСБ-С-25, ПСБ-С-35 маркали ўзи ўчиб қолувчи пенополистиролдан тайёрланади. Плиталарнинг ўлчамлари: 1000 x 1000 мм и 1400 x 1000 мм қалинлиги: 20, 30, 40, 50, 60, 70, 80, 90, 100 мм ва 2000 x 1000 мм ўшандай қалинликда ва 500 мм (2.5-расм).

⁷ (Woodhead Publishing Series in Energy) /UK March 31, 2010. P 58




2.5-расм. Пенополистиролли иссиқлик изоляцияловчи плиталар

Пенополистиролдан тайёрланган плиталар томларнинг конструкцияларида, деворларнинг ташки иссиқдан изоляциясида, кўп қатламли панелларнинг иссиқдан изоляцияловчи қатламларида, ёпмалар конструкцияларида, пойдевор қурилишида, йўл қурилишида ишлатилади.

Ҳозирги кунларда биноларнинг ер ости қисмларида жойлашган майдонларидан унумли фойдаланиш, айрим ҳолларда уларни турар жой хонадонларига айлагтириш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Бундай хонадонларда комфортли иқлимин яратиш, энергия сарфланишини қисқартириш ва конденсацияланиш ҳодисасининг олдини олиш учун уларни ишончли иссиқдан изоляциялаш лозим (2.6-расм).

Пойдеворларни Роофмате ташки изоляцияси сув ўтказмвйдиган мембрана устидан ўрнатилиб иншоотнинг юк кўтарувчи конструкциясини бутунлай ўраб туради ва мем branani mechanik shikastrlaniшlaridan saqlab turadi. Энергия тежамкорлик, комфортли шароитларни таъминлаш ва бинони химоялаш учун чордок ва ертўла қавати ораёпмаларининг ишончли иссиқлик изоляциясини таъминлаш зарур ҳисобланади. «Стирофоам» бундай мақсадлар учун заминга тушадиган юкка боғлиқ равишда Флормате 200 ёки Флормате 500 иссиқлик изоляцияловчи плиталардан фойдаланади. Бироқ бундай мақсадлар учун бинонинг конструкцияси ва унинг вазифасидан қатъий назар ораёпма плитанинг усти ёки остидан ўрнатилувчи ҳар қандай экструзион плиталардан фойдаланиш мумкин.



1.6 –расм. Пойдевор ва бино ер ости қисмини иссиқдан изоляциялаш: 1 – цементли-қумли стяжка; 2 – гидроизоляция; 3 – пол ости бетон түшамаси ; 4 – полиэтилен пленка; 5 – Урса фоам; 6 – чақық тош; 7 – қум; 8 – пойдевор; 9 – девор ; 10 – қайта кўмиш грунти


Музлатгич камералар ва муз ареналари полларини қуришда замин грунтларини музлашдан ҳимоялаш учун нафақат иссиқлик изоляциясини балки қиздирувчи элементларни ҳам ўрнатиш талаб этилади. Бундай турдаги поллар энг мураккаб конструкциялар қаторига киради ва узоқ фойдаланиш муддатига эга бўлади. Уларни қуришда иссиқлик изоляцияловчи плиталарни қўллаш шу каби конструкцияларнинг юқори сифатли бўлишини таъминлайди. Плиталар эркин ҳолатда ғишт термаси каби бевосита ораёпма плитанинг ёки зичланган шағалнинг устига терилади. Плиталар қурилишнинг кетишига қараб ҳар қандай об-ҳаво шароитларида ҳам терилиши мумкин.

Ҳусусий уй-жой қурилишида биноларнинг чордоғи ҳажмида мансардлар қурилишининг ортиши том конструкцияларининг ўзгаришига олиб келди. Бугунги кунда уй-жой бинолари томларининг энг кенг тарқалган тури нишабли том бўлиб қолди.

Бундай том ҳажмида одамларнинг маълум эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган хонадаонларни қуришни кўзда тутиш мумин. Шу билан бирга том орқали иссиқлик йўқотилишини минимал даражагача етказиш талаб этилади. Совуқлик кўприкчалари ҳосил бўлишининг одини олиш учун эса изоляцияловчи қатламнинг узлуксиз бўлишини таъминлаш лозим. Бунга иссиқлик изоляциясини стропилалар устидан ўрнатганда эришиш мумкин. Томнинг бундай конструкцияси мансардларни шундай лойиҳалашни талаб қиласиди, бунда ёғоч стропилалар ичкаридан кўриниб туришига эришилади.

Бундай ҳолларда ёғоч тўшама (ёҳоч-тахтали обшивка) стропиллар устидан ўрнатилади ва у ички пардозлаш бўлиб ҳам хизмат қиласиди. Бунда обшивка устидан ёзилувчи плёнкали буғдан изоляция (мембрана) иссиқлик

изоляциясининг тагида, яъни унинг иссиқ томонида бўлиб қолади. Бошқа бир варинт бўйича диффузион гидроизоляцияловчи қатламни (Тивек плёнкаси, Урса гидроизоляцияси) иссиқлик изоляциясининг бевосита устидан бажарилади (2.7-расм).



2.7.-расм. Нишабли томни Урса секо стром билан иситиш: 1 –Урса* секо стром гидроизоляцияси; 2 – ҳаволи тирқиши; 3 – Урса* иссиқлик изоляцияси; 4 –Урса* секо 500 буғ-изоляцияси

Охирги йилларда турли ўлчамли ва шаклли блокларни олинмайдиган опалубка элементлари сифатида ишлатиш таклиф қилинмоқда. Бунинг натижасида қурилишнинг муддатларини кескин қисқартириш, нархини пасайтириш, транспорт харажатларини камайтиришга эришилмоқда. Бундай блокларни қўллаш баландлиги 15 м гача бўлган обьектлар қурилишида рухсат этилади (2.8-расм).

«Интеко» (Москва) фирмаси Полиалпан уч қатламли панелларда пенополиуретанли плиталардан (зичлиги $30 \text{ кг}/\text{м}^3$, $1 = 0,03 \text{ Вт}/(\text{м}^0\text{К})$) фойдаланади.



2.8-расм. Пенополиистирол плитали олинмайдиган опалубка

Панелларнинг ташқи қатламлари учун қалинлиги 0,5 мм бўлган алюминий қотишмасидан олинган локланган листлар ишлатилади. Листларнинг сирти декоратив сувоқнинг, ёғочнинг ва бошқа материалларнинг кўринишини имитация қиласиди. Панелларнинг ички қатлами қалинлиги 0,05 мм бўлган легирланган алюминий фольгасидан бажарилади. Панелларнинг узунлиги 12000 мм ва ундан каттароқ, қалинлиги -25 мм ва 50 мм, эни - 500 ва 420 мм. Панеллар юқори иссиқлик-техникаси кўрсаткичлари билан тавсифланади, бу эса ўз навбатида биноларнинг иситилиши учун харажатларнинг кескин камайишига олиб келади. Улар йилнинг исталган вақтида тез ўрнатилади, узоқча чидамли, юқори декоратив сифатларга эгалиги билан ажралиб туради.⁸

ВМТ (Россия) фирмаси Стотерм (1200x3000x24 мм) уч қатлами панелларини тайёрлаш учун полиуретандан ($l = 0,035-0,041 \text{ Вт}/(\text{м}^0\text{К})$, $r = 55 \text{ кг}/\text{м}^3$) фойдаланади. Панелларнинг ташқи қатламлари: пенополивинилхлориддан, алюминий фольгасидан, гипстолали плиталардан, пўлат листлардан, алюминий қотишмаларидан бажарилиши мумкин. Панеллар маъмурий бинолар, музхоналар, савдо марказлари, омборхоналар, гаражлар ва бошқа обьектларнинг турли пардадеворларини қуриш учун яроқлидир.

Иссиқлик таъминоти, иссиқ ва совуқ сув таъминоти учун мўлжалланган янги пўлат қувурларнинг пенополиуретанли изоляцияси қўйидаги хоссаларга эга: $l = 0,023 \text{ Вт}/(\text{м}^0\text{К})$ ва 90 мин давомида қайнатганда сув ютувчанлиги 3,3 % дан ортиқ эмас. Бундай изоляция узоқ вақт $+130^\circ\text{C}$ гача ва қисқа вақт $+150^\circ\text{C}$ гача ҳарорат таъсирга мўлжалланган.

«Этека» (Россия) фирмаси листли ва ўрамали пенополиэтилен иситгич Вилатермни ишлаб чиқаришни йўга қўйган. Ушбу материалнинг хоссалари қўйидагича: ($r = 35 \text{ кг}/\text{м}^3$, $l = 0,035 \text{ Вт}/(\text{м}^0\text{К})$ бўлиб, у полларни ва қувурларни -60 дан $+100^\circ\text{C}$ гача ҳароратларда иссиқдан изоляциялаш учун мўлжалланган. Материал эластик, биочидамли, экологик хавфсиз, енгил қирқилади, штампланади, пайвандланади, елимланади, иккиламчи фойдаланишучун яроқли.. Пенополиэтилендан тайёрланувчи Вилатерм буюмлари олов билан бевосита контактта бўлгандагина ёнади ва бунда заҳарли моддалар ажратиб чиқармайди. Вилатерм деярли барча қурилиш материаллари билан кўшилиши мумкин – ёғоч, бетон, гипс, оҳак ва бошқалар. Ундан йиғма ва яхлит қўйма биноларнинг тўсувчи конструкциялари чокларини зичлашда, дераза блокларини иситишда, совуқ ва иссиқ сув таъминоти тиэимлари қувурларини изоляциялашда фойдаланилади.

ООО «Стром-С» (Россия) пенополиэтилендан тайёрланувчи ва бир- ёки икки томонлама алюминий фольгаси билан қопланган, акс эттирувчи иссиқлик-, буғ- шовқиндан изоляцияловчи материалларни ишлаб чиқаради. Бу материал нурсимон энергиянинг 97% ни акс эттириш хусусиятига эга. Фольгоизолон ($l = 0,037 \text{ Вт}/\text{м}^\circ\text{C}$)

⁸ Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings, P 78

-60 дан +100 °C гача хароратларда тавсия этилади. У биочидамлилги билан ажралиб туради ва уй-жой, саноат ва фуқаро қурилишида ораёпмаларни, деворларни, полларни, чордоқ ва ертўла хонадонларини изоляциялаш учун ишлтилади. Акс эттирувчи Фольгопласт – алюминий фольгаси билан бир ёки икки томонлама қопланган толасимон тўр бўлиб нурсимон энергиянинг 97% ни акс эттириш хусусиятига эга. Фольгопласт -60 дан +250 °C гача хароратларда қўлланилади. Ўлчамлари 0,84x20 м бўлган ўрамалар кўринишида ишлаб чиқарилади. Материал йиртилишга ўта мустахкамлиги, технологик қулайлиги, биочидамлилиги, заарали моддалар ажратиб чиқармаслиги билан ажралиб туради ва буғдан-, шамолдан-, иссиқликдан изоляциялаш учун яроқлидир.

Биноларнинг деворлари, том қопламалари, ораёпмалари, чордоқлари ва ертўлаларини иссиқдан изоляциялаш учун полистиролбетондан тайёрланувчи девор блоклари ва иссиқлик-изоляцияловчи плиталари ҳам қурилиш амалиётида кенг тарқалмоқда. Бир қатор фирмалар шиша-минерал момикдан тайёрланувчи иссиқлик изоляцияловчи материалларни ишлаб чиқариш ва қурилиш обьектларига етказиб беришга ихтисослашмоқда. Ушбу соҳада энг машҳурларидан бири штапелли шиша толалари асосида олинувчи Урса маҳсулотлари ҳисобланади. Урса маҳсулотлари П-15 ва П-20 русмли иссиқлик изоляцияловчи плиталари кўринишида ишлаб чиқарилади (2.9-расм).



2.9-расм. Урса иссиқлик изоляцияловчи плиталари

Урса иссиқлик изоляцияловчи плиталари нишабли конструкциялар ва пардеворларда қўллаш учун тавсия этилади. Улар конструкцияларнинг уланиши мураккаб ва етиш қийин бўлган жойларини сифатли изоляциялашда жуда ҳам қўл келади. Юқорида санаб ўтилган барча материаллар шуниси билан эътиборли-ки, улар ишлаш учун жуда ҳам қулай ва иссиқлик изоляциялаш ишларини бир ишчининг кучи билан бажариш имкониятини беради. Кўпчилик хорижий фирмалар нафакат шиша толасидан, балки турли тоғ жинсларининг толаларидан (базальт ва бошқалар) ҳам иссиқлик изоляцияловчи буюмлар ишлаб чиқармоқлар.

Масалан, «Корда» ИИЧБ (Россия) базальт толасидан олинувчи иссиқлик изоляцияловчи материалларни ишлаб чиқаради. Бундай материалларни -269 дан 700 °C гача бўлган хароратларда ишлатиш мумкин, улар кимёвий чидамлилиги ва радиоактив моддаларни тўпламаслиги билан ҳам ажралиб

туради. «Эковата» (Россия) фирмасининг таркибининг 80 % қоғоз макалатураси ва 20% антиприренлардан иборат бўлган целлюлоза массасидан олинувчи материал катта қизиқиш уйғотади. Материалнинг зичлиги $35-70 \text{ кг}/\text{м}^3$, $\lambda = 0,041 \text{ Вт}/(\text{м}^0\text{К})$. У инсонларнинг соғлиғига заарли бўлган учувчан моддаларга эга эмас, ёнувчанлиги ҳам жуда паст даражада. Кўпирисига асосланиб олинувчи маҳсулотлар қаторига алвеолит ва алвеолен киради. Улар полиолефинли кўпикларга асосланиб ишлаб чикирилади ва ўзида қўйидаги ижобий хусусиятларни бирлаштиради: иссиқлик-, гидро-, товуш-изоляцияловчи хоссалар, юқори мустахкамлик ва термоидамлилик, турли ишлов бериш усувларига лаёқатлилик.

Материаллар заарли қўшимчаларга эга эмас ва экологик тоза хисобланадилар, ҳид тарқатмайдилар ва қиздирганда ва ёндирганда заарли моддалар ажратиб чиқармайдилар (табл. 2.1-жад.).

2.1-жадвал


Иситгичларнинг физик-механик хоссалари

Материаллар	Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, $\text{Вт}/(\text{м}\cdot\text{К})$	Зичлиги, $\text{кг}/\text{м}^3$	Ишчи харорат, $^{\circ}\text{C}$	Сиқлишда мустахкамлиги, МПа
Алвеолит, алвелен	0,033–0,039	25–250	-18...+130	0,015–0,3
Полиэтиленли	0,027–0,04	33	-60...+75	0,035
Минерал- момикли	0,037–0,047	35–150	-60...+400	0,006–0,2
Шиша- момикли	0,03–0,054	10–150	-60...+480	0,008–0,025
Полистиролли (пенополистиролли)	0,027–0,037	25–45	-50...+75	0,15–0,7
Полиуретанли (пенополиуретанли)	0,016–0,06		-180...+250	До 2,5
Пенопластлар	0,034–0,47	8–35	-50...+120	0,003–0,025

Анъянавий иситгичларни ишлатганда уларнинг камчиликларини ҳам эътиборга олиш лозим. Шиша- момикқа терининг очиқ жойлари тегиб кетса у шу ерни қичишиширади. Толасимон иситгичлар нам муҳитга етарлича чидамли эмас, бу эса уларнинг иссиқлик ўтказувчанлигининг ошишига олиб келади.

Хозирги кунда кўпчиликнинг эътиборини ўзига жалб қилувчи иситиши – тизими – пуркалувчи тизим ҳисобланади. Бу тизим ташқи деворлар, монтаж чоклари курилмалари, ертўла деворларини, шифтларни иситиши учун қўлланимларда. Бундай тизимларнинг афзаллиги шундан иборатки, уларни ҳар қандай шаклли ихтиёрий сиртларга қўллаш мумкин, гидроизоляцияловчи хоссаларини сақлаган ҳолда газ ўтказмаслик хоссаларига ҳам эга, изоляцияловчи қоплама чоксиз кўринишга эга. Икки компонентли иситгич марказлашган ҳолда ёки жойида тайёрланиши мумкин. АРАЛАШТИРИШ, пуркаш ва ташиш пуркагич-пистолетга узатилувчи сиқилган ҳаво ҳисобига амалга оширилади. Пенополиуретан қатламлаб пуркалади, тўрт марта ўтилганда қалинглиги 2,5 см бўлади. Жараён пуркагич пистолетни юқоридан пастга ва горизонтал йўналишда юргизиб бажарилади (2.10-расм). Натижада эни 0,5 м ва баландлиги 1,5 м бўлган полоса ҳосил бўлади.


Ишчи биринчи полосани пуркаб бўлгач пистолетни юқорига қўшни полосага ўтказади ва пуркашни ўша тартибда давом эттиради. Эни 4-6 м ва баландлиги 1,5 м бўлган қамров доирасида пуркаш тугатилгандан сўнг худди шу тартибда иккинчи қатламни пуркаш бажарилади. Талаб этилувчи қалинликка эришилгандан сўнг ишчи пастки ярусга ўтади. Бунда қурилманинг насослари ишдан тўхтатилади. Худди шундай изчилликда шифтларга пуркаш ишлари бажарилади. Бирор бир компонентнинг узатилишида узилиш бўлса, пуркаш тўхтатилади, сирт тозаланади ва пуркаш қайтадан бажарилади.



2.10-расм. Пуркаш усулини қўллаб илиқ пардеворни қуриш жараёни

Юқори самарали иссиқлик изоляцияловчи материаллар. Ҳозирги кунда самарадорлиги юқорироқ кўрсаткичларга эга ва қалинлиги юпқароқ бўлган иссиқлик изоляцияловчи материалларни ишлаб чиқиш ўта муҳим бўлган тадқиқотлар соҳасига айланган. Бунинг натижасида таркибида инерт газлар мавжуд бўлган панелларни ишлаб чиқиш тавсия этилмоқда. Бироқ ундан ҳам самаралироқ ҳисобланувчи, яъни вакуумли изоляцияловчи панеллар (VIP-персон) деб номланувчи панеллар устида ҳам тадқиқотлар авж олган. Олимланинг маълумотларига кўра ушбу панеллар ҳозирги кунда кўлланилиб келаётган анъанавий иссиқлик изоляцияловчи материалларга нисбатан 10 баробар ортиқ иссиқлик изоляциялаш хусусиятларига эга⁹.

⁹ F. P. Torgal , S. Jalali. Eco-efficient Construction and Building Materials, DOI: 10.1007/978-0-85729-892-8_1, Springer-Verlag London Limited, 2011. P 43-44.



10

2.11-расм. VIP-персон панелининг ташқи кўриниши

VIP-персон вакуумли панеллари уларнинг ичкарисида жойлашган юпқа йузакка эга бўлади (рис. 2.11-расм). Дастреб уни ясаш учун полистиролли ядродан фойдаланиш кўзда тутилган эди, кейинчалик уни микрокремнезем билан алмаштириш мақсадга мувофиқ деб топилди. VIP-персон вакуумли панелларининг асосий камчилиги уларни ўрнатиш жойида қирқиши мумкин эмаслиги ва анча мўртлигидадир. Ҳозирги кунга келиб Германияда ушбу вакуумли изоляцияловчи панелларни ишлаб чиқариш билан бешта фирма шуғулланмоқда. Бундан ташқари хорижда ўта юқори изоляцияловчи хусусиятларга эга бўлган Аэрогель материали ишлаб чиқилди. Ушбу материални бошқача қилиб “қаттиқ тутун” деб ҳам айтилади. Унинг таркиби 99,8% ҳаводан ва 0,2% нанозаррачалардан (кремний оксидидан) ташкил тлпган бўлиб, у мавжуд ҳар қаттиқ жисмлар ичидаги иссиқлик ўтказувчанини энг паст бўлган материалдир (ушбу кўрсаткич 0,004 ва 0,03 Вт / м⁰К оралиғида). Ушбу маҳсулотнинг нархи жуда ҳам қиммат бўлиб 25 € / м² атрофига ва иссиқлик изоляциялаш хусусиятлари тахминан тенг бўлган оддий иссиқлик изоляцияловчи материалларга нисбатан деярли 10 баробар қиммат.¹¹

2.3. Замонавий пардозбоп қоплама қурилиш материаллари.

Уй-жой бинолари комфортлилигини аниқлаб берувчи асосий омиллар қаторига интеоръерларнинг эстетик манзараси ҳам киради. У асосан қурилишда қўлланиувчи пардозлаш материаллари ва буюмларига боғлиқдир.

¹¹ F. P. Torgal , S. Jalali. Eco-efficient Construction and Building Materials, DOI: 10.1007/978-0-85729-892-8_1, Springer-Verlag London Limited, 2011. P 43-44.

Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш

Бинонинг ҳар бир хонадони рангтасвир ёки декоратив-амалий санъат элементларига эга бўлиши лозим. Бироқ, интерьерни пардозлаш масалаларини ечишда меъмор авволом бор бино фасадининг ечимини аниқлаштириши ва шунга мос келувчи материалларни танлаб олиши лозим.

Ушбу ишларни бажаришда кўпинча фишт ёки тош теримини имитацияловчи қоплама плиткалардан фойдаланилади. Бундай пардозлаш фасадга чиройли кўриниш бериш билан бирга уйга ишончлилик бағишлайди ва маблағи етарли бўлган буюртмачининг талабларини қаноатлантиради (2.11-расм).



2.11.-расм. «Еврокем» компаниясининг пардозлаш плиткалари

Плиткани чиқариш жараёни қоришма компонентларини тайёрлаш, яхшилаб аралаштириш, буюмларни қолиплаш, вибромайдончада зичлаш, 2 ҳафта давомида илиқ хонадаонда сақлашдан иборат бўлиб, шундан кейин қутиларга тахлаб объектларга жўнатишга тайёр қилинади.

«Еврокем» компаниясининг плиткалари – мавжуд плиткаларга нисбатан жуда юпқа (7 мм) ва енгил ҳисобланади (2.2-жадвал).

2.2-жадвал.

«Еврокем» компанияси плиткаларининг тавсифлари


Номланиши	Оддий плитка	Бурчак элементлари
Ўлчамлари, мм	210×50×7	210×100×50×7
Тахланиши (коробка)	1 м ²	1,79 пог. м
Микдори, дона (1 м ² , пог. м учун)	75	17
Тахлангандаги микдори, дона	75	30
Тахлами оғирлиги, кг	9,5	6,0

Плиткаларни ишлаб чиқариш учун хом ашё сифатида даниянинг ўта оқ цементи, ўрта ер денгизи пемзаси, олмониянинг бўёвчи моддалари, ҳамда пластификацияловчи ва қотишни тезлаштирувчи қўшимчалар ишлатилади.

Плиткаларнинг серияси 9 та рангдан иборат. Пардозлашда битта рангли плиткани ишлатиш билан бирга турли ранглиларини ҳам галма-гал ишлатиш мумкин. Плиткалар бурчакли элементлар билан комплектланади.

Худди шу материаллар асосида ҳамда маҳсулотларнинг мустахкамлиги ва музлашга бардошлилигини оширишни таъминловчи маҳсус қўшимчалар қўшиб тоғ жинсининг фактурасини имитацияловчи сунъий тош ҳам ишлаб чиқарилмоқда.


Ушбу материалнинг ҳаридоргирлиги унинг юқори декоратив сифатлари, ташқи кўринишига кўра табиий тошдан деярли фарқ қиласлиги, нархи нисбатан қиммат эмаслиги, узоққа чидамлилиги, олов- ва сувга чидамлилиги, териш осонлиги билан тушунтирилади (2.12-расм).



2.12.-расм. Сунъий тошнинг ранг-баранглиги ва текстураси

Сунъий тош титратма-қўйма усул билан тайёрланади, ишлаб чиқариш жараёнида бўялади, бу эса фойдаланишнинг бутун даврида рангининг турғунлигини таъминлайди. Сунъий тошдан тайёрланган қоплама махсулотлар турли ўлчамларда тайёрланади, юзаси $0,5 \text{ м}^2$ гача ва қалинлиги 10 см гача. Замонавий технологиялар декоратив тошга деярли ҳар қандай шакл бера олади, ҳамда буюртмачининг истакларини эътиборга олган ҳолда юқори аниқликда базальтнинг, кумтошнинг ва бошқа тошларнинг структурасини юқори аниқлик билан нусха қила олади.


Сунъий тош табиий тошдан вазнининг кичиклиги ва махкамланишининг осонлиги билан ажralиб туради. Бу эса унинг қўлланиш соҳасини сезиларли кенгайтиради: масалан, девор, устунларнинг ташқи ва ички пардозланиши учун (2.13-расм). Табиий тошнинг барча афзалликларини сақлаб қолган ҳолда уни камчиликлардан холис қилиш мақсадларида табиий тошнинг аналоги – Россер сунъий тоши яратилган (2.14-расм). Ушбу сунъий тошнинг янги тури ўзининг ўлчамлари



2.13.-расм. Сунъий тош билан қопланган бино

ва шаклларининг хилма-хиллиги туфайли майда донадор қурилиш материалларининг барчаси билан, темирбетон буюмлар билан, металлоконструкциялар ва ёғоч буюмлар билан яхши уйғунлашади.

Блокли терим ғишт теримига нисбатан самаралироқ бўлиб бутун девор сунъий тошдан барпо қилингандек таассурот қолдиради. Сунъий тошни ишлаб чиқариш учун юқори мустахкам цемент, йирик тўлдиргич, кварцли қум ва “Байэр” фирмасининг бўёвчи моддаси ишлатилади. Россер буюмлари рангининг турғунлиги – 25 йилга тенг. Фирма турли рангли ва ўлчамли тошларни ишлаб чиқаради. Уларнинг барчаси табиий материалнинг рангини имитация қиласиди, шулар жумласидан энг ноёб ранги тошларни ҳам.




2.14-расм. Россер сунъий тош буюмлари турлари

Россер қурилиш материалларини фасадлар, цоколлар, тўсиқларнинг ташки пардозланиши ҳамда юк кўтарувчи девор ва пардадевор конструкцияларини барпо қилишда ҳам қўллаш мумкин. Россер тошлари юқори эксплуатацион тавсифлари, мутлақ равон структураси, ёриқлар ва бўшлиқларнинг мавжуд бўлмаслиги билан ажралиб туради. Улар ҳароратнинг кескин ўзгаришига турғун, деярли эскирмайди ва музлашга ўта чидамли.

Фасадларни, полларни, зиналарни, очик майдонларни ва ички хонадоналрни пардозлашда доимо яхши натижа берувчи универсал материал – сопол гранит (керамогранит) ҳисобланади. Кўпинча керамогранит осма фасадларни қоплашда ишлатилади.

«Стена» декоратив материаллар маркази (Россия) фасадбоп қопламаларнинг бир неча таркибларини ишлаб чиқди. Шулардан декоратив сувоқ Пелюр – юқори мустахкам қоплама бўлиб яхши декоратив ва ҳимояловчи хоссаларга эга. У сув ўтказмайди, ёнфиндан ҳавфсиз ва ҳароратнинг кескин ўзгаришларига турғун. Пелюр – катта ҳажмли хонадонларни пардозлашда ишлатиш учун идеал материал ҳисобланади (2.15-расм, а).

Пелюр агрессив муҳитда турғун, унинг сиртини намлаб тозалаш, деворларни текисламасдан туриб қотиб қолган сувоқ қатламига суртиш мумкин.




2.15-расм. «Стена» декоратив материаллар маркази махсулотлари *a* – Пелюр;
b – Суперфасад

Декоратив бўёқ Суперфасад – суртилиши осон бўлган қоплама бўлиб, у юқори даражада ёпиш қобилиятига эга, ишқаланиш ва механик шикастланишларга қарши мустахкам ва агресив муҳитга чидамлидир (2.15-расм, *b*).¹²

Рустика қопламаси (2.16-расм, *a*) «эски девор» кўринишини имитация қилиувчи оригинал декоратив самара бериш имкониятига эга. Унинг таркибида ўзига хос ўйиклар қолдирувчи махсус микротўлдиргичлар мавжуд. Рустиканни хар қандай турдаги юзаларга – ғиштга, бетонга, гипсокардонга, тошга, цементга суртиш мумкин. Ишлатиш учун тайёрланган ва аралаштиришни талаб қилмайдиган қопламани зангламайдиган шпатель билан бир катламда суртилади ва текисланади.

Ойнасимон-сайқалланган мармар ёки Венетони имитация қилувчи юқори сифатли қопламани олиш учун «люкс» синфли венециан сувофини ишлатиш мумкин (4.6-расм, *b*).



2.16.-расм. «Стена» марказининг Дуракоат фасадбоп қопламалари: *a* – Рустика; *b* – Венето.

Турли материаллардан бажарилган уйлар фасадининг узокқа чидамлилигини ошириш йўлларидан бири уларни бўяш ҳисобланади. Бунда юзаларни тайёрлаш ва бўёқларни танлаш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

¹² Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings, P 78

Бинонинг ташқи кўринишини янгилаш учун ғиштни, бошқа кўпчилик ташқи қурилиш материаллари сингари ёрилишидан, кўчишидан ҳавфсирамасдан бўяш мумкин.

Ғишт деворларни бўяш учун 100%-ли акрилли дисперсия асосидаги юқори сифатли бўёқлар тавсия этилади. Бунинг сабаби уларнинг буғ ўтказувчанлиги ва ишқорий муҳитга турғунлигидир.

Ғиштнинг ўзи кимёвий нейтрал ҳисобланади, бироқ ғишт теримининг қориши маси ишқорий бўлиши мумкин. Таъмирлаш учун янги қурилиш қориши масини ишлатгандан сўнг бўёқчилик ишларини бажаришдан олдин қориши машина ишқорий лигининг пасайишини камидан бир ой кутиш мақсадга мувофиқ. Акс ҳолда бўёқда плёнка ҳосил қилувчи модданинг деструкцияси содир бўлади, бу эса ташқарига шўр чиқиши, қопламанинг ёрилиши ва кўчишига олиб келиши мумкин.

pH кўрсаткичининг катта миқдорларига турғун бўлган юқори сифатли акрилли бўёқлар янги бажарилган сувоққа атиги 3 ҳафта ўтиши билан оқ суртиш имкониятини берадилар, чунки улар ҳимояловчи тўсиқ яратиб, лок-бўёқ қопламаси орқали тузлар эритмасининг сингиб ўтишига ва шу орқали бинонинг ташқи кўринишининг бузилишига тўскенилик қиласидар.

Бундай бўёқларнинг нархи ташқи ишлар учун мўлжалланган оддий бўёқларнинг нархидан юқорироқ бўлгани билан вақт ва маблағларни иқтисод қилиш имкониятини беради, чунки тез-тез таъмирлаш ишларини бажаришга эҳтиёж қолмайди.

Сувоқ қилинган сиртларни ҳам бўяш рухсат этилади, бироқ бунда шуни эътиборга олиш лозимки, сувоқ қориши маларининг таркибига кўпинча оҳак ва бошқа ишқорий материаллар киради. Мойли, алкидли ва винил-акрилли бўёқлар ушбу мақсадлар учун мувофиқ келмайди, чунки улар ишқорларнинг таъсирига чидамли эмас ва уларни бевосита сувоқланган сиртларга суртиш тавсия этилмайди.

Кўпчилик ишлаб чиқарувчилар бўяшдан олдин сувоқ қилинган сиртларга 30 кунлик муддат дам беришни тавсия этадилар. Ушбу вақтнинг ичida ишқорий компонентларнинг сиртдаги дастлабки юқори миқдори етарлича паст даражага тушади ва гидратацияланиш жараёни ҳисобига юқори мустаҳкамликка эришади.


Бўяшни қисқароқ муддатларда бажаришга эҳтиёж бўлган ҳолларда 100%-ли акрил дисперсияси асосидаги акрилли бўёқларни ишлатиш лозим, чунки уларда боғловчи ва пигмент ўртасидаги нисбатнинг юқорироқ бўлиши шўр чиқиши ҳолатини анча тўхтатиб туради. Натижаларнинг янада яхшироқ бўлишига эришиш учун янги сувоқ қилинган жойларга акрилли герметик ёки грунтовка қатламини суртиш тавсия этилади.

Фовак ва нотекис сиртларни энг яхшиси пуркагич ёрдамида ёки узунворсли валиклар билан бўяш лозим. Акрилли бўёқларни суртишдан олдин эски сиртларни намлаш тавсия этилади, айниқса герметиковчи қатлам суртилмаган ҳолларда. Бу акрилли бўёқ тез қуришининг олдини олади, тез қуриш эса бўёқнинг чидамлилигини пасайишига олиб келади.


Тошдан қурилган бинолар, узоққа чидамли фасадларга эга бўлса-да, ташки ёриқлар пайдо бўлишига мойил бўлади ва уларга сув кириши эҳтимоли бор. Ушбу муаммони ечиш учун бўёқларнинг янги авлоди қўлланилмоқда. Улар деворлар учун эластик полимер қопламалар (ЭСП) деб номланади. ЭСП нинг таркиблари эластик ҳусусиятга эга бўлади ва ёриқлар бўйлаб чўзилиш қобилиятига эга. Бу қопламанинг узоққа чидамлилиги ва бир жинслилигини таъминлайди ва тошли бинога янада кўркам ташки кўриниш беради. Улар деворларни атмосфера газларидан и шамол билан келтирилувчи намлиқдан ҳимоялайдилар ва шунинг учун уларни қурилиш амалиётида қўллашга бўлган талаб доимо ортиб бормоқда.

Германиянинг «КМЕ» компанияси Теку фирмали номи остида том қопламалари ва фасадлар учун мўлжалланган мис-қизил рангли ва қадимги замон кўринишини берувчи мис буюмлар ишлаб чиқармоқда (2.17-расм).

Теку* – тизимли гонтлар ва тизимли ромблар – ўзига хос алоҳида эстетик кўриниш бериши билан бирга фасадларни расмийлаштиришда иқтисодий афзалликларга ҳам эгадир (2.18-расм).



2.17-расм. Фасадни мис-қизил листлар билан пардозлаш



2.18-расм. Мис панеллар билан қопланган портга оид назорат қилиш минораси

Теку* – конструкциясига боғлиқ панеллар бўлиб икки томонлама асосли фасадга оид элементлар хисобланади; элементнинг узунлиги 4000 мм гача ва габаритга оид эни 500 мм гача. Улар қулфли ёки устма-уст тамоилига асосан вертикал, горизонтал ва диагонал ҳолатларда ўрнатилади.

Назорат саволлари:

1. Қайси бир мамлакатда самарали иситгичли кўп қаватли ташки деворлар барча панелли уйларда қўлланилади?

2. Ҳозирги кунда олинмайдиган опалубка сифатида қандай плиталардан кенг фойдаланилмоқда?
3. Тұсуви конструкцияларда иситгич ва иситилувчи конструкция үзаро қандай жойлашиши мүмкін?
4. Бинонинг ташқи иситиш тизими қандай турларга бўлинади?
5. Қандай замонавий иситгичларни биласиз ?
6. Замонавий иссиқдан изоляцияловчи материалларнинг асосий хоссаларини айтиб беринг ?
- 7."Еврокем" компанияси қандай қурилиш материалларини ишлаб чиқаради ?
8. Россер сунъий тоши қандай хоссаларга эга?
- 9."Стена" декоратив материаллари маркази қандай қурилиш материалларини ишлаб чиқаради ва уларнинг хосслари қандай?
- 10.Деворлар учун эластик полимер қопламалар хақида нималар биласиз?

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Қосимов Э.У. Қурилиш ашёлари. Дарслик. - Т.: Мехнат, 2004.
- 2.Samig'ov N.A. Bino va inshootlarni ta'mirlash materialshunosligi. Darslik. – Т.: Faylasuflar milliy jamiyati, 2011.
- 3..Одилхўжаев А.Э., Тохиров М.К. Қурилиш материаллари. Ўқув кўлланма. - Т.: 2002.
4. Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings (Woodhead Publishing Series in Energy) /UK March 31, 2010.
5. F. P. Torgal , S. Jalali. Eco-efficient Construction and Building Materials, DOI: 10.1007/978-0-85729-892-8_1, _ Springer-Verlag London Limited, 2011.

З-мавзу: Замонавий том қоплама материаллари. Поллар учун замонавий материаллар.

Режа:

- 3.1. Замонавий том қоплама материаллари.
- 3.2. Поллар учун замонавий материаллар.

Таянч иборалар: том қопламаси, металлочерепица, черепица, мемраналар, инверсион том қопламалари, мастикалар, полбоп материаллар, ламинат, паркет,

3.1. Замонавий том қоплама материаллари.

Кам қаватли қурилиш ҳажмининг тобора ортиб бориши сабабли томнинг аҳамияти факат ҳимояловчи вазифа билан чекланиб қолмаяпти, ҳозирги кунда том бинонинг муҳим декоратив элементи бўлиб ҳам хизмат қилмоқда. Томларнинг кўринишлари: бир ва икки нишабли, чайласимон, мансардали бўлиб, уларнинг ранглари, пластик сиртлари лойиҳачилар қўлида алоҳида бинонинг манзарасини шакллантиришда энг асосий қуроллардан бири бўлиб қолмоқда. Томнинг меъморий ечими, унинг шакли, нишаби том қопламасини қуришда мумкин бўлган материалларни чеклаб қўяди, конструкция ва материаллар эса томнинг технологик ва эксплуатацион хоссаларини, уни қуришнинг сермеҳнатлигини, узоққа чидамлилигини ва деоратив сифатларини аниқлаб беради. Шунинг учун уй-жой ва жамоат бинолари томлари учун материалларни танлашда эстетик талаблар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунга келиб қурилиш материаллари бозорида анъанавий материаллар билан бир қаторда турли ҳилдаги янги материаллар пайдо бўлди, улар аниқ бир том учун энг мақбул материал танлаб олишни қийинлаштиради.

Чалкашликларнинг келиб чиқишига моҳияти бир хил бўлган, лекин номланиши фирма номи билан юритилувчи турли материалларнинг мавжудлиги сабабчи бўлмоқда.

Том қоплама материалларининг ассортименти ичida керагини танлашни енгиллаштириш учун уларнинг энг содда белгиларига кўра тузилган таснифланишидан фойдаланамиз:

1. Донабай (черепица, шифер, асбоцементли плитка, “юмшок” черепица ва бошк.).
2. Листсимон (асбоцементли, яssi металли, профиллаштирилган ва бошк.).
3. Ўрамали (пергамин, рувероид ва уларнинг замонавий модификациялари).
4. Плёнкасимон (резина ва полимерли мембраналар).
5. Мастикали (битумли ва полимерли мастикалар)

Хар қандай таснифлар каби ушбу келтиилган тасниф ҳам нисбийдир. Чунончи, донабай ва листли материаллар ўртасидаги чегара сифатида 1 м^2 том қопламасининг ўлчами қабул қилинган, ўрамали ва плёнкасимон материаллар ўртасидаги чегара эса материалнинг 1 м га teng бўлган эни қабул қилинган.¹³

Донабай материаллар

Нишаблиги катта бўлган ($30\text{-}60^0$) томлар учун уларга ранг ва кўриниш берувчи материаллар зарур. Шунинг учун илгаридан маълум бўлган материаллар: черепица, сланецли шифер, дранка, гонт каби материалларнинг нуфузи яна ортиб кетди.

¹³ Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings, P 112

Ҳозирги кунда дунёning кўпчилик мамлакатларида замонавий бинолар томларини қуришда сопол черепицадан фойдаланиш анъанага айланди. Бунинг натижасида черепицани имитация қилувчи кўп сонли аналог-материаллар пайдо бўла бошлади. Масалан, цементли-қумли черепица, металлочерепица, “юмшоқ” черепица ва бошқа. Уларнинг кўпчилигини асл черепица билан солиштирса, фақат номидагина ухшашлик бор.

Цементли-қумли черепица қаттиқ қоришилардан минерал пигментлар қўшиб тайёрланади. Улар сопол черепица каби юқори даражадаги физик-механик кўрсаткичлари ва музлашга бардошлилиги билан ажralиб туради. Бироқ уларнинг узоққа чидамлилигини таъминлаш учун ишлаб чиқаришдаги юқори маданият, маҳсус асбоб-ускуналар талаб этилади. Афсуски бунга кўпчилик ишлаб чиқарувчлар эриша олмайдилар.

“Юмшоқ” черепица (бардолин, шинглс, гонт ва бошқ.) – ўлчамлари 90x100x35x40 см бўлган ясси листлардан иборат бўлиб, уларни ўрамали битумли материаллардан кесиб олинади. Листларнинг пастки қирраси – фигурали, турли шаклдаги 3-4 та черепица плиткасини имитация қиласи.

Листлар том панжарасига михлар билан фақат юқори қирраси яқинида маҳкамланади; юқори қатлам пастки қатламга устма-уст қилиб ўрнатилади ва улар ўртасидаги боғланиш листларнинг ички томонидаги ўзи елимланувчи жойлари билан таъминланади.


“Юмшоқ” черепица тузилиши айнан шундай бўлган ўрамали материалларга нисбатан узоққа чидамлироқдир, чунки у яхлит бир ёpmани ҳосил қилмайди. Материалнинг деформацияси унинг эскириши (қариши) жараёнида алоҳида ҳар бир плиткада мужассамланади, бу эса яхлит бир қопламани ички кучланишлари локаллашуви ҳисобига емирилишдан ҳимоялайди.

“Юмшоқ” черепицани катта ҳажмларда «Ондулин» (Франция): «Бардолин» ва «Ондулин Шинглс», «Катепал» (Финляндия), Рязан ТКЗ (Россия) ишлаб чиқаради.

Шинглс плиткалари - ўлчамлари: 90x41 см бўлган, эритилган битум шимдирилган ва юза томонидан сланец майдо тошларидан иборат арматураловчи сочма билан қопланган целлюлозали ёки асбестли картондан олинган ясси плиткалар ҳисобланади. Плиткаларнинг пастки қирраси – манзарали кўринишга эга бўлиб қатламсимон ёпма каби таассурот ҳосил қиласи. АҚШда Шинглс плиткалари билан биноларнинг ташқи деворлари ҳам қопланади.


Шинглс плиткалари билан фақат Катепал плиткалари муваффақиятли рақобат қила олади. Ушбу плитканинг асоси бўлиб қалин шиша-мато хизмат қиласи, у икки томонидан хоссалари яхшиланган битум билан қопланади. Шунинг эвазига плиткалар деярли бутунлай сув ютмайдиган хусусиятга эга бўлади. Бу эса ўз навбатида плиткаларнинг коррозияси ва чиришни истисно қиласи. Плитканинг пастки сирти бутунлай ўзи елимланувчи қатламдан иборат бўлиб, шунинг ҳисобига ва гонтларининг устма-уст эканлиги туфайли чоклари ёпилади, михларнинг каллаклари яширинади ва шулар туфайли герметик Катепал ёpmаси ҳосил қилинади.

Плитканинг юқори қатлами - материалга ранг-баранг тус берувчи рангли тошли доналардан иборатдир. Улар том қопласмасини атмосфера таъсиридан ҳимоя қиласидилар ва уларнин узоқ вақт давомида фойдаланишини таъминлайдилар (3.1-расм).



3.1-расм. «Катепал» плиткаларидан қурилган том

KL плиткалари ушбу фирманинг мумтоз олтибурчак шаклли плиткалари сериясини очиб беради. Джази ва Катрилли плиткалари билан бирга улар умумий ҳисобда 17 та оригинал рангли вариантларни ташкил эадилар. Бу эса томларнинг дизайнни учун жуда кенг имкониятларни яратиб беради. Катрилли плиткалари (3.2-расм) юқори қисмидаги “соялар” ҳисобига томга ҳажмий, рельефли кўриниш беради ва шу туфайли оригинал меъморий ечимларни амалга ошириш имкониятларини яратади.



3.2.-расм. Катрилли «Катепал» плиткаларидан қурилган том

Джази плиткалари томларга жилоланувчи расмли кўриниш бериб мумтозлик ва замонавийлик тенденцияларини ўзида мужассамлантирган.

Роки плиткалари олтита рангли варианта да түғри түртбұрчак шаклида ишлаб чиқарилиб томга әски гонтли том қолламасини эслатувчи оригинал күриниш беради (рис. 3.3).



3.3.-расм. Роки «Катепал» плиткаларидан қурилган том

Финляндиянинг «Катепал» фирмаси ноу-хау ҳисобига Руфлекс супер әгилювчан черепицасининг юқори техник күрсаткичларига ега бўлишига эришди. Ушбу материални иссиқликка чидамлилиги, әгилювчанилиги, музлашга чидамлилиги ва мустахкамлиги күрсаткичлари бўйича МДҲ мамлакатларининг ихтиёрий иқлимий зоналарида қўллаш учун тавсия этса бўлади. Унинг расмий кафолатланган хизмат қилиш муддати – 25 йил.¹⁴

Майда донабай металлочерепица – пўлат листлардан иборат шакл берилган плиткалар – олдинги даврларда ҳам қўлланилган. Ҳозирги кунларда ушбу ном билан катта ўлчамли черепицали том кўриниши берилган штамповкаланган пўлат листлар тушунилади. Металлочерепицанинг ҳар бир тури ўзининг афзалликлари ва камчиликларига ега (3.4.-расм).



3.4.-расм. Металлочерепица. Қолламаси – нойилтироқ полиэсте
1.2. Листли том қоллама материаллар

Ясси томбоп материаллар қадимги замонларда қўрғошинли, мисли ва рухли листлар кўринишида бўлган ва улар антиқа иншоотлар қурилишида


¹⁴ Pacheco Torgal, Cinzia Buratti, Siva Kalaiselvam, Claes – Goran Granqvist, Volodymyr Ivanov. Nano and Based Materials for Energy Buildings Efficiency/Springer International Switzerland, 2016., P 138

ишлилгандынан. Бугунги кунларда ҳам рангли металлардан (мис, рухдан) ишлаб чиқарылған қимматбаҳо листларни учратиш мүмкін

Томбоп пўлат листлар (дастлаб қора металдан ишланган ва вақти билан бўяшни талаб қилған) ҳозирги кунларда рух билан қопланганларига алмаштирилған бўлиб сотувга листлар ва рулонлар кўринишида чиқарилади. Охиргиси томнинг нишаби бўйича чоклар сонини камайтириш имкониятини беради. Бироқ листли пўлатдан том қопламасини қуриш малакали қўл меҳнатини талаб этади, бундан ташқари бундай томларнинг декоратив хоссалари жуда ҳам юқори эмас.

Мис томбоп материал сифатида жуда ҳам юқори меъморий манзара га эга, бироқ қимматбаҳо бўлгани учун ундан истисно тариқасида қўлланилади. Бундай том қопламасининг узоққа чидамлилиги – 100 йилдан ортиқ. Лекин вақт ўтиши билан том қопламасининг ранги миснинг рангидан кўкимтири кул ранггача ўзгариб қолади.

Германиянинг КМЕ компанияси Теку фирмали номи остида монтаж қилиш учун қулай ва анча узоққа чидамли, мумтоз мис-қизил рангли, олдиндан оксидланган ва яшил патинали қурилиш конструкцияларининг элементларини ишлаб чиқаради (3.5.-расм.)




3.5.-расм. КМЕ компаниясининг мисли (яшил патинали) том қопламаси

Листсимон материаллар ичидаги алоҳида ўринни турли материаллар асосидаги профилланган листлар эгаллайди. Профиль листнинг бикирлигини ошириши билан бирга уларнинг уланишини ҳам соддалаштиради (устма-уст жойлаштириш) ва қўшимча декоратив кўриниш беради.

Энг дастлабки профилланган листли материаллар – бу асбоцементли листлар бўлган эди. Улардан сўнг рухланган пўлатдан тўлқинсимон листлар, кейинчалик эса алюминийдан, шиша-пластикдан, ПХВдан, битумли-картонли гофранланган листлар пайдо бўлди. Охирги вақтларда мураккаб декоратив профилли листли материалларнинг янги тури – металлочерепица қўлланила бошлади.

Тўлқинли профилли асбоцемент листлар барча турдаги бинолар том қопламаларини қуришда рухсат этилган. Уларнинг узоққа чидамлилигини


ошириш ва эстетик хоссаларини яхшилаш учун синтетик эмаллар билан бўялган листлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда (МЧЖ “Волна”, 3.6.-расм).



3.6.-расм. Ҳимояловчи декоратив қопламали цементли-толали листлар.

Битумли гофранган листларни толасимон асосни (целлюлозали, шишатолали ва бошқ.) шакиллантириб битумли боғловчи билан шимдириш йўли билан олинади. Юза томонидан листлар термоактив винил-акрилли сополимер асосидаги ҳимояловчи- декоратив бўёқли қатлам билан қопланади.

Ташқи кўринишидан улар асбоцементли листларни эслатади, бироқ уларга нисбатан анча енгилроқ, мурт эмас, ўрнатиш вақтида эгилувчан. Массасининг кичиклиги туфайли бундай листларни яssi томларни таъмиглашда эски ўрамали том қопламасининг устидан ётқизиш ҳам яхши натижা беради. Бундай “юмшоқ шифер” турлича номлар остида ишлаб чиқарилмоқда: ондулин (3.7-расм),аквалин.



3.7.-расм. Ондулин билан қопланган том

Металлочерипица – янги листли материал бўлиб гофранган том қоплама листларининг декоратив сифатларини такомиллаштиришда эришилган навбатдаги поғона ҳисобланади.

Рухланган ёки алюминий қопланган катта ўлчамли листлар турли профилли черепицали том қопламасининг бир қисми кўринишида штамповка қилинади. Бундан олдин лист иккала томонидан коррозияга қарши грунтловчи таркиб билан қопланади, юза томони эса атмосферага чидамли бўлган черепицанинг ранги ва кўринишини имитация қилувчи полимерли таркиб билан бўялади.

Иситилган том қопламасини қуришда металлоочерепица остида шамоллатилувчи тиркиш ёки буғдан изоляцияловчи қатламни кўзда тутиш лозим. Листларни махкамлаш тахта панжара устидан (ўлчамлари 350-500 мм) шуруплар-саморезлар ёрдамида амалга оширилади. Томнинг нишаблиги – камида 14^0 . Металлоочерепицали том қопламасининг массаси: пўлат асосидагиси- $4\text{-}6 \text{ кг}/\text{м}^2$, алюминий асосидагиси – $1,5 \text{ кг}/\text{м}^2$. Ишлаш ҳароратининг интервали; -40^0 дан $+120^0$ гача. Қурилиш бозорида қуйидаги таникли фирмаларнинг металлоочерепицаси кенг тарқалган: «Ранилла» (Финляндия), «Коми» (Швеция).

Люксембург пўлатининг (маркаси ЕС3) ўта эгилувчанлик хусусиятлари қалинлиги 0,3; 0,6 ва 0,9 мм бўлган листларни юқори сифат кўрсаткичлари билан тайёрлаш имкониятини беради. Бундай листлардан ажойиб том қоплама материали –Метробонд ишлаб чиқарилади. Метробонд – табиий тош билан қопланган том қоплама листли материали ҳисобланиб у табиий черепицали том қопламаси манзарасини яратади (3.10-расм). Оддий рухланган пўлат листдан фарқли алюмо-рухли қоплама билан қопланган пўлат лист ташқи муҳит билан алоқа қилувчи жойларда коррозига учрамайди.



3.10.-расм. Метробондли том қоплама

Метробонд - чиройли ташқи кўринишга эга бўлган материал бўлиб у бинонинг ҳар қандай меъморий анъанасига жуда ҳам мос келади. Табиий тошли гранулалар билан қоплангани учун ушбу том қоплама листлари оддий металлоочерепицага хос бўлган ялтироқликка эга эмас. Табиий тош ёмғирнинг шовқинини анча камайтириш билан бирга материални механик шикастланишлардан ҳимоялайди. Метробонд монтаж қилишда содда ва енгил материал ($7 \text{ кг}/\text{м}^2$) ҳисобланади. Ундан нишаблиги 12^0 дан юқори бўлган томларда фойдаланиш мумкин. Табиий тош билан қопланган том қоплама материал иссиқ ва совуққа чидамлилиги билан ажралиб туради. Том қопламасининг хизмат қилиш муддати – 50 йил. Материал халқаро сифат

стандарти ISO 9001 га мувофиқ келади. Метробонд эски том қопламаси устидан тез ва самарали ўрнатилиши мумкин. Бундан ташқари у бинонинг ҳар қандай меъморий усулига монанд келади (3.11-расм).



3.11-расм. Метробонд билан қопланган том

Ўрамали том қоплама материаллар

Ўрамали том қоплама материаллар (хорижда - мембраналар) монотон бўлиб декоратив қўринишга эга эмас ва ҳозирги кунда мода бўлиб қолган узоқдан яхши қўринадиган катта нишабли ($30\text{--}60^{\circ}$) томлар учун маъкул келмайди. Анъанавий ўрамали материалларнинг (рубероид ва пергаминнинг) камчилиги: юқори бўлмаган узоққа чидамлиликка эга эканлиги (5-7 йил), картонининг мустахкамлиги ва биочидамлилигининг пастлиги, битумли боғловчисининг тез қариши ва совукда мўртлашувидир.¹⁵

Замонавий стандартларга кўра рубероид бир қатор хорижий мамлакатларда, шулар жумласидан Россияда ҳам том қопламаларини таъмирлашда ва янгиларини қуришда ишлатиш учун таъқиқланган.

Ўрамали материаллар хоссаларини яхшилаш учун қўйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

битумли боғловчини модификациялаш;

асосидаги картонни янада мустахкам ва узоққа чидамли асос билан алмаштириш;

арматураловчи сочилмаларнинг янги турларидан фойдаланиш.

Битумли боғловчи хоссаларини полимерлар кўшиш билан сезиларли даражада яхшилашга эришилади. Дунёдаги энг йирик Рязан том қоплама материаллари заводи бунинг учун атактик полипропилендан (АТП)дан фойдаланишни йўлга қўйган. АТП- термоэластопласт бўлиб полипропилен ишлаб чиқаришнинг иккиласми маҳсулоти ҳисобланади. Модификациялаш

¹⁵ Pacheco Torgal, Cinzia Buratti, Siva Kalaiselvam, Claes – Goran Granqvist, Volodymyr Ivanov. Nano and Based Materials for Energy Buildings Efficiency/Springer International Switzerland, 2016., P 256

натижада материалнинг фойдаланиш ҳароратларининг диапазони кенгаяди, узокқа чидамлилиги ошади, том қопламасини қуришни манфий ҳароратларда бажариш имкониятлари вужудга келади.

Боғловчини модификациялашдан олинувчи самарани тўлалигича кучсиз картонли асосни ундан анча кучлироқ бўлган (мустахкамлиги 2-4 баробар юқорироқ, чўзилишга нисбий узайиши 45-50% га юқорироқ бўлган) шишатолали ёки сунъий полизэфир толали асос билан алмаштириб ҳам олса бўлади.

Одатда ўрамали материаллар кўп қатламли том қоплама тўшамасини қуришни кўзда тутади. Бироқ бир қатор хорижий фирмалар уни кўп қатламли композицион материал билан алмаштира оладилар. Финляндиянинг Катепал-Тупла материали (2 қават асос ва уч қават модификацияланган битум) том қопламасини битта ўтишда қуриш имкониятини беради.

1.4. Мембраннымон қопламалар

Мембраннымон қопламалар кам нишабли ва мустахкам, зич асосли саноат, жамоат ва бошқа бинолар том қопламалари учун мўлжалланган. Мембрана нисбий узайиши 200-400% га teng, чўзилиш ва тешилишга мустахкамлиги юқори бўлган полимер материалдан бажарилади. Улардан фойдаланиш ҳароратининг интервали - 60 дан +100 °C гача. Мембраналардан фойдаланишнинг энг катта афзаллиги уларнинг асосида катта майдондаги том қопламаларини тез қуриш мумкинлигидир. Мембраннымон қоплама томга ўралган ҳолатда узатилади (3.12-расм), у ерда ёзилади ва асосига ўрнатилади. Қопламанинг чоклари ўзивулканизацияловчи листлардан, ёки уланувчи қирраларини иссиқ ҳаво билан қиздириш ёрдамида бажарилади.




3.12- расм. «Фоеникс АГ» (Германия) компаниясининг композитли том ыоплама ва гидроизоляцияловчи Резитрикс материали

Мембраналарни таъмирлаш ишларини бажаришда эски том қопламаси устидан ётқизиш мумкин, фақат бунда унинг асосини қаттиқ чиқиндилардан яхшилаб тозалаш талаб этилади. Ўзи-елимланувчи сиртли Резитрикс SK материали вертикал деворлар ва пойdevорларни гидроизоляциялаш учун ишлатилади, кўп қаватли мембрана ҳисобланувчи Резитрикс CA эса кўприкларни гидроизоляциялашда бевосита асфальт қатлами остидан

Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш

ишлатилади. Бундан ташқари Резитрикс материаллари барча турдаги том қопламалар: ясси ва нишабли учун ишлатилади (3.13-расм).



3.13-расм. Саноат биносининг Резитрикс материалидан қурилган том қопламаси

Дунёнинг қурилиш объектларида ўзини ижобий томондан кўрсатган қўйидаги мембраналарни санаб ўтиш мумкин: «Алькор драка» компаниясининг Алькопан, «Феникс АГ» (Германия) компаниясининг Резитрикс ва ЭПДМ мембраналари. Барча турдаги мембраналар ер ости иншоотлари, бассейнларни гидроизоляциялашда ва кам нишабли том қопламаларини қуришда ишлатилади. Алькопан битум билан бирикади, керосиннинг таъсирига турғун, турли рангларда бўлиши мумкин ва энг ёнғиндан ҳавфсиз том қоплама мембраналаридан бири ҳисобланади (3.14-расм).



3.14-расм.. Тез барпо қилинувчи бинонинг Алькоплан мембранидан қурилган том қопламаси

Одатда мембраналар ишлаб чиқарувчи фирмалар (эни 15 м гача ва узунлиги 60 м гача) бурчаклари, туташмаларига ишлов бериш учун фасонли комплектловчиларни ҳам ишлаб чиқаради.

ЭПДМ мембранаси синтетик каучук ва бошқа полимер ва минерал қўшимчалардан олинувчи бир жинсли полотно ҳисобланади. ЭПДМ асосида

олинувчи материаллар бошқа анъанавий том қоплама материалларига нисбатан иқлимга турғунлиги, юқори даражада эластиклиги ва кўпроқ узокқа чидамлилиги билан ажралиб туради.

ЭПДМ мембранны саноат ва жамоат биноларининг том қопламасини қуришда ишлатилади ва унинг технологияси бир кунда 1000 m^2 юзани қоплаш имкониятини беради.

Мембраналар учта асосий том қоплама тизимида эга.

1. Механик маҳкамланувчи тизим.

Бу енгил конструкциялар ва тез барпо қилинувчи бинолар учун анъанавий технология ҳисобланади. Бунда полимер мембрана листлари маҳсус саморезлар билан иситгич орқали бевосита асосга маҳкамланади.

Бутунлай елимланувчи тизим.

Кучли шамолга оид юклар таъсирини қабул қилувчи катта нишабли томлар ёки юқори баландликда жолашган томлар учун бутунлай елимланувчи тизим қўлланилади. Бундан ташқари эски том қопламасини олиб ташламасдан янги том қопламасини қуриш лозим бўлган ҳолларда ҳам бутунлай елимланувчи тизимни қўллаш тавсия этилади.

3. Балластли тизим.

Том қопламасининг бундай тизими оддий яssi том қопламалари учун қўлланилади. Бу тизимни қўллашнинг асосий шарти эски том қопламаси асосининг ўзининг оғирлигига қўшимча равишда 50 kg/m^2 механик юкни кўтара олиши қобилиятининг мавжудлиги ҳисобланади. Бу ҳолда бир-бирига технология бўйича уланган полимер мембрана листлари асосда балластлар: шағал, чақиқи тош, бетон блоклар, тротуар плиткалари ёрдамида ушлаб турилади. Мембранасимон гилам фақат томнинг периметри ва уланган жойларда маҳкамланади. Балластли тизим бетон асосли томлар ва эски том қопламасини йўқотмасдан янгисини қуриш лозим бўлган ҳоллар учун энг мақбул ҳисобланади.¹⁶

Афсуски барча турдаги том қопламалари узоқ вакт ўтганидан сўнг сувни ўтказиб юборади. Дўл ёғиши, кислотали ёмғирлар, ультрабинафша нурланиш ва бошқа омиллар том қопламаларига салбий таъсирини кўрсатади. Шунинг учун узоққа чидамли, батамом герметик бўлган том қопламаларини қуриш техник жиҳатдан мураккаб ва анча серҳаражат масала ҳисобланади.

Ушбу масалани ечишнинг энг ишончли, содда ва нисбатан арzon усули том қопламаси тизимини ҳимоялашнинг иккита даражасига ажратишидир. Бунда атмосфера омиллари таъсирини том қопламаси ўзига қабул қилса, сувни ўтказмаслик хусусиятини тўлалигича алоҳида кўзда тутилган том қоплама ости гидроизоляцияси таъминлайди.

Мембранани танлашнинг асосий мезонлари уларнинг етарлича механик мустахкамлиги ва юқори буғ-ўтказувчанлик хусусияти ҳисобланади. Том

¹⁶ Pacheco Torgal, Cinzia Buratti, Siva Kalaiselvam, Claes – Goran Granqvist, Volodymyr Ivanov. Nano and Based Materials for Energy Buildings Efficiency/Springer International Switzerland, 2016., P 296

қоплама ости гидроизоляциясининг сув ўтказиши ҳоллари майда шикастланишлар туфайли содир бўлиши мумкин. Шунинг учун арzon, лекин мустахкам бўлмаган юпқа мембранани қўллаш бутун том қопламасини қайтадан ечиш билан боғлиқ бўлган таъмирлаш ишларини бажаришга олиб келади.

Йирик фирмалар одатда, ўзининг фирмасига хос бўлган материалларни ишлаб чиқаради. "Урса" фирмаси буг ўтказмайдиган тўсиқни яратиш учун нишабли томлар, ораёпмалар ва деворлар ички сиртида "Урса-секо 400" ва "Урса-секо 500" ўрамали материалларини ишлатади.

Нишабли томни иситишнинг кўпинча қўлланиувчи усулида гидроизоляция иситгич устидан тиркиш ҳосил қилиб ўрнатилади ва ушбу ҳолларда "Урса-секо стром" – жуда ҳам мустахкам гидроизоляцион қопламани ишлатиш тавсия этилади.

Анъанавий буғ-изоляцияси фирма томонидан полиэтилен асосида олинувчи "Урса-секо 500" ўрамали материалини қўллаб бажарилади (3.15-расм). Ушбу материал асосидаги полиэтиленнинг мустахкамлиги оддий полиэтиленнинг мустахкамлигига нисбатан анча юқорироқдир.



3.15-расм. "Урса-секо 500" асосидаги буғ-изоляцияси

Мастикали қопламалар.

Мастикали том қопламалари яхлит асосга қотиши жараёнида узлуксиз эластик плёнка ҳосил қилувчи суюқ-қовушқоқ олигомерли полимер махсулотларини суртиш йўли билан олинади.

Мастикалар бетон, металл, битумли материалларга яхши адгезияси билан ажralиб туради, туташиш бурчакларини бажариш учун қулай, том қопламаларини таъмирлашда мақсадга мувофиқ. Худди ўрамали материалларни тайёрлашда бўлгани каби мастикали қопламаларни тайёрлашда нафақат II, балки III авлод материаллари ҳам ишлатилади: I – битумнли, II – битумли-полимерли, III – полимерли.

Ҳаммага яхши маълум бўлган “Термопласт” компаниясининг (Россия) мастикали том қопламаси – “Битурэл” деб номланади. Бу материал полиуретан ва табиий битум асосида яратилган. У янги ясси том қопламалари, ҳамда деярли барча турдаги том қопламаларини (мастикали, ўрамали, металли, бетонли, асбоцементли ва бошқа) таъмирлашда, биноларнинг ер ости қисмларини гидроизоляциялашда, газ, нефть қувурларини коррозияга қарши ҳимоялашда кенг қўлланилади.

Шунга ўхшаш хоссаларга битумли, ситетик каучуклар билан эластиклаштирилган мастика “Мабизэл” ҳам эга.

Ушбу фирманинг полимерли мастикаларидан Гермокров, Гидрофор, Термокор кабиларни айтиб ўтиш мумкин..

Россиялик мутахассислар томонидан полимер-битумли композиция ПБК-1 (“суюқ рувероид”) ишлаб чиқилган. Суюқ рувероиднинг ишлатилиш соҳалари қуйидагилар: арматуралаш ва арматуралашсиз яхлит қўйма том қопламаларини қуриш; пойдеворларни, бино цоколини, ер ости иншоотларини гидроизоляциялаш; металл конструкцияларга коррозияга қарши ишлов бериш; асфальт қопламасини таъмирлаш ва гидроизоляциялаш.

Суюқ рувероид ўзининг мустаҳкамлиги ва эластик хусуиятларини – 45 дан +120 °C гача ҳарорат диапазонида сақлаб туради. Бироқ том қопламасини қуришда унинг технологиясини ишлаб чиқсан мутахассисларнинг тавсияларига аниқ риоя қилиш лозим.

Арматураловчи материал сифатида шиша-мато, шиша-тўр ишлатилади.

Охирги йилларда қурилиш материаллари бозорида HL-1 янги полимер мастикаси пайдо бўлди. МЧЖ «Хайлик-ДВ» юқорида келтирилган мастикани бетонни, метални изоляциялашда, шиферли ва битумли том қопламаларини таъмирлашда, фасадларни ҳимолашда ва бетон полларни қоплашда қўллашни тавсия этади.

Инверсион том қопламалари.

“Мембранны химояланган том қопламалари”, “тўнкарилган том қопламалари”, “инверсион том қопламалари” – ушбу номлар XX асрнинг 50-йилларида АҚШ да “Дов” компанияси томонидан ишлаб чиқилган, ҳозирги кунда яхши танилган ва синовдву ўтган конструкцияларга берилган бўлиб улар янги бир конструкцион концепцияга айланиб бўлди.

Конструкция иссиқлик изоляцияси қатлами ва гидроизоляцион мембраналарнинг инверсион жойлашуви билан тавсифланади. Анъанавий том қопламаларидан фарқли равишда иссиқлик изоляциясининг инверсион қатлами нафақат ораёпмани балки гидроизоляцион мембранани ҳам ҳароратга оид таъсиrlардан, ультрабинафша нурланишнинг емирувчи таъсиридан, механик шикастланишлардан ҳимоялайди (ҳароратнинг кўтарилиб-пасайиши, чегаравий миқдорлари, циклик музлаш-эриш ва бошқалар). Шунинг эвазига том қопламларини террасалар, автотуаржойлар ва яшил том қоплама-боғлар сифатида ишлатишга имконият туғилади (3.16-расм).

Бундан ташқари иситгични қўшимча гидроизоляциялашдан сўнг об-ҳаво шароитларидан боғлиқлик сезиларли камаяди ва кейинги қатламлар нокулай об-ҳаво шароитларида ҳам ўрнатилиши мумкин. Бу эса қурилишнинг вақтингчалик тўхтаб қолиши эҳтимолини камайтиради. Бундан ташқари иссиқлик изоляцияловчи плиталар махкамланмаганлиги сабабли уларни таъмирлаш ва қайта қуриш вақтида осон алмаштириш ёки қайтадан ишлатиш мумкин бўлади.



3.16-расм. Кўкаламзорлаштирилган том қопламаси

Бундан келиб чиқиб иссиқлик изоляцияловчи материал қуидаги тингловчиларга жавоб бериши лозим:

- юқори иссиқлик изоляциялаш қобилияти;
- иссиқлик изоляциялаш кўрсаткичларининг доимийлигини кафолатловчи минимал сув ютиш қобилияти;
- ёнувчанлиги паст даражада бўлиши;
- геометрик ўлчамларининг доимийлиги;
- сиқилишга мустахкамлигининг юқорилиги;
- ишлов беришнинг осонлиги.

Ушбу талабларнинг барчасига пенополистиролдан олинувчи Стирофоам фирмасининг “Рооф Мете” ва BASF AG концернининг «Дов» ва “Стиродур” иссиқлик изоляцияловчи плитлари тўлиқ жавоб беради.

Иссиқлик изоляцияловчи қатламнинг плиталари мемранага қотирилмайди (эркин жойлаштириш) ва шунинг учун мемранани шикастлантирувчи кучланишлар ҳосил бўлмайди. Гидроизоляцияловчи мембрана иссиқлик изоляцияловчи материал қатламининг остида бўлгани сабабли амалда буғ-изоляцияловчи ролини ўйнайди ва ички конденсация хавфининг олдини олиб конструкциянинг нархини камайтиради.

Иссиқлик изоляцияси қатлами, ҳамда юклавнувчи шағалнинг қатлами гидроизоляцияловчи мемранани қурилиш ишларини бажариш вақтида ва кейинчалик фойдаланиш даврида ҳам ҳар қандай механик таъсирлардан асрайди

Гидроизоляцияловчи мембрана том қопламасининг ораёпмасига қотирилган бўлиб, бу ҳам уни механик шикастланишлар эҳтимолидан саклаб туради..

Том қопламасини демонтаж қилганда иссиқлик изоляцияловчи материалнинг плиталари такроран ишлатилиши мумкин.

Том қопламасининг дренажи шундай лойиҳаланади-ки, бунда изоляцияловчи плиталарнинг узоқ вақт сув остида қолишига йўл кўйилмайди, масалан, кучли ёмғир ёғган вақтларда. Энг афзали томга 1,5–2 % дан кам бўлмаган нишаб берилади. Нишаби 5% гача бўлганда инверсион том қопламаси ясси том қопламаси сифатида кўрилиши мумкин.

2. Поллар учун замонавий материаллар.

2.1. Полларнинг конструкциялари

Пол – бино конструкцияси ва интеръерининг энг муҳим элементларидан бири ҳисобланиб турли хил эксплуатацион таъсирларни ўзига қабул қиласди. Полларга хонадонларнинг вазифасига қараб комплекс талаблар кўрсатилади – конструктив, эксплуатацион, снитар-гигиеник, декоратив ва бошқалар.

Фуқаро биноларининг поллари мустахкам, эксплуатацион таъсирларга чидамли, эластик, силлиқ, кам иссиқлик тортувчи, осон тозаланувчи, эстетик кўринишга эга бўлиши ва интеръер архитектурсига мос келиши лозим.

Саноат бинолари полларига механик таъсирларга (ишқаланиш, зарба ва бошқаларга) юкори қаршилик кўрсатиш, баъзи ишлаб чиқаришлар учун эса - кимёвий чидамлилик, иссиқликка бардошлилик бўйича юкори талаблар кўрсатилади.

Саноатнинг замонавий тармоқларининг ривожланиши (масалан, радиоэлектрониканинг), ҳамда компьютер техникасининг кенг миқёсда ишлатилиши полларнинг: чангиззлик, учқунланмаслик, электр-үтказувчанлик каби бошқа тавсифларига юкорироқ бўлган талабларни олдинга сурмоқда.

Полларни қуриш – бинолар қурилишининг мураккаб ва маъсулиятли масалаларидан бири ҳисобланади. Катта аҳамиятга қўлланиувчи материалларнинг технологияга оидлиги ҳусусияти эга бўлиб бормоқда, чунки полни қуриш бўйича сарфланувчи ҳаражатлар бинони қуриш учун сарфланадиган маблағларнинг 10–15% ни ташкил қиласди, капитал таъмирлашда эса барча ҳаражатларнинг 25–30% ни ташкил қиласди. Бунда энг жиддий муаммолар материалларни танлаш, стяжка қуриш ва сиртларни ташқи қатламини текислаш билан боғлиқ бўлмоқда.

Стяжка ташқи қатламнинг бикирлиги ва текислигини таъминлаш учун ораёпма (асос) ёки ёрдамчи қатламлар устидан ётқизилади.

Яхлит стяжка одатда камида 150 маркали цементли-қумли қоришимдан ёки паст маркали бетондан бажарилади. Портландцемент асосидаги бетонлар ва қоришмалардан бажариладиган анъанавий стяжкалар сермеҳнат ва нотехнологик ҳисобланади, бундан ташқари улар ётқизилгандан сўнг 7–10 сутка давомида махсус парвариш қилишни талаб қиласди.

Охирги йилларда ўзи текисланувчи композициялар қурилищда тобора кенг қўлланилмоқда. Уларни сув билан аралаштирганда ўта ҳаракатчан қоришмалар ҳосил бўлади ва улар ўз массасининг таъсири остида қўйилиб жойини эгаллайди ва текисланади. Ўзида иссиқлик изоляцияловчи ёки гидроизоляцияловчи қатламнинг функцияларни ҳам мужассамлаштирган стяжкалар истекболли ҳисобланади.

Узлуксиз яхлит стяжкаларнинг асосий камчилиги – уларни юза қопламани ётқизишидан олдин мустахкамлик олиши ва намлигини йўқотиши учун маълум вақт давомида сақлаб туриш лозимлигидир. Бу ишларни бажариш муддатларини узайтиради, ушбу талабларни бажармаслик эса маҳсулотнинг брак бўлишига олиб келади.¹⁷

Йиғма пол асосининг афзаллиги (гипс-толали листлардан) уларни юқори тезликда монтаж қилинишида (кунига 60 м² гача) ва “нам жараёнларнинг” умуман бўлмаслигидадир. Бу айниқса йилнинг совуқ қунларида жуда ҳам қиммалидир. Бунда полнинг асоси жуда ҳам текис чиқади. ГТЛ дан қурилган йиғма асослар ҳеч қачон овоз чиқармайди ва хонадонда комфортли яшашни таъминлайди. Йиғма пол стандарт элементининг массаси (юзаси 0,75 м²) 18 кг га тенг бўлади, шунинг учун йиғма асос юк кўтарувчи конструкцияларга катта юк бўлиб тушмайди. Бу эса улардан эски қурилмалар ва биноларни қайта таъмирлашда ҳам кенг фойдаланиш мумкинлигидан далолат беради. Бундан ташқари полнинг ташқи юза қопламасини ётқизишига асосни қургандан кейин дарҳол киришиш мумкин бўлади. Бироқ йиғма стяжкалардан ташқи юза қопламаларнинг барча турларини қуришда ҳам фойдаланиш мумкин эмас.

Полнинг ташқи юза қопламалари қурилиш мтериалларининг деярли барча турларидан бажарилган бўлиши мумкин (ёғоч-такса, полимер, сопол, табиий тош, бетон, металл ва бошқалар).

Полнинг ёпмалари учун материаллар ёпма элементларининг бўлинганлик даражасига қараб тавсифланиши қабул қилинган:

- яхлит қўйма чоксиз (цемент-бетонли, асфальт-бетонли, полимерли, тупроқли, гилтупроқли ва бошқалар);
- листли ва ўрамали материаллардан (линолеум, сунъий ворсли қопламалар, ўта қаттиқ ёғоч-толали плиталар ва бошқалар);
- донабай материаллар (паркет, тахта, сопол плитка, бетон ва тошли плиталар, металл плиталар ва бошқалар).

Чоксиз яхлит қўйма қопламалар.

Улар асосан саноат, қишлоқ хўжалиги ва жамоат (спорт, ўкув ва бошқа) биноларида қўлланилади. Яхлит қўйма қопламалар афзаллигиниг сабаби шундан иборатки, шу каби биноларнинг полларига таъсир кўрсатувчи эксплуатацион юклар ўзига хосдир. Турли предметлар тушиши, юкларнинг

¹⁷ Pacheco Torgal, Cinzia Buratti, Siva Kalaiselvam, Claes – Goran Granqvist, Volodymyr Ivanov. Nano and Based Materiales for Energy Buildings Efficiency/Springer International Switzerland, 2016., Р 312

кўчирилиши, одамлар ва транспортнинг интенсив ҳаракатланишидан ҳосил бўлувчи зарбали юклар полнинг қопламаси элементлари чоклари бўйича жуда тез емирилишига олиб келади. Чоксиз яхлит қўйма полларни танлашнинг бошқа бир сабаби шикастланишдан ҳавфсизлик ва юқори гигиеник кўрсаткичларидир.

Ишлаб чиқариш хоналарида кўпроқ цементли боғловчи асосидаги композициялардан яхлит қўйма қопламалар қўлланилади. Бундай қопламалар етарлича юқори эксплуатацион тавсифларга эга бўлиб таннархи ҳам нисбатан юқори эмас.

Бетон қопламаларнинг камчиликлари қаторига уларнинг ифлосланувчанлиги, рангининг бўғиқлиги ва киришиш ёриқлари ҳосил бўлишини эҳтимоли киради. Бундан ташқари қоплама жуда ҳам кўп чанг чиқради ва фойдаланиш жараёнида тез-тез таъмирлашни талаб қиласди.

Анъанавий яхлит қўйма бетон полларни қуриш анча меҳнат сарфлашни талаб қиласди. Қоришмани қопламага эни 2–2,5 м бўлган рейкалар билан чегараланган участкалар билан ётқизилади. Бетон қоришмаси вибраторлар ёрдамида зичланади. Бунда бетон қоришмасининг қатламланиши ёки бетоннинг юқори ишчи қатламида сув-боғловчи нисбатининг ортиб кетиши содир бўлиши мумкин. Бу эса ўз навбатида унинг мустахкамлиги ва ишқаланишга чидамлилигининг пасайишига олиб келади. Шунинг учун полларнинг юқоридаги кучсиз қатламини (5–7 мм) олиб ташлаш мақсадида уларга сайқал бериш (шлифовкалаш) зарурияти пайдо бўлади.

Мозаикали қопламалар оддий бетон қопламалардан юқори архитектуравий кўриниши билан ажралиб туради. Бу сайқал берилувчи жинслардан олинувчи декоратив тўлдиргичлардан (масалан, мармар ушоғи, турли мармар бўлакчалари ва бошқа) фойдаланиш ҳисобига эришилади. Мозаикали қопламали полларда рангли шишалар, металлардан фойдаланиб ранг тасвир яратиш имкониятлари мавжуд бўлиб, улар ҳам маълум бир даражада қопламаларда киришиш ёриқлари ҳосил бўлишининг олдини олади. Полларнинг мозаикали қопламалари технологияси оддий бетонли қопламалар технологиясига нисбатан янада сермеҳнатроқ ҳисобланади.

Ўзи текисланувчи цементли композициялар охирги йилларда нафақат стяжкалар учун балки поллар бетонли қопламаларининг чоксиз ташқи юзаси учун ҳам қўлланила бошлади. Қўйма бетон поллар – полларнинг нисбатан янги тури ҳисобланиб уларда силлиқ ташқи юза қопламаси ўта ҳаракатчан бетон қоришмасининг механик равишда ёйилиб кетиши ҳисобига ҳосил бўлади. Бетоннинг талаб этилувчи реологик ва эксплуатацион тавсифларига полимер қўшимчалар комплекси ёрдамида эришилади. Бундай мураккаб кўп компонентли композициялар заводларда тайёрланувчи қуруқ қурилиш аралашмалри кўринишида ишлаб чиқарилади. Уларда боғловчи сифатида қисқа муддатларда катта майдонларда чоксиз бетонли қопламалрни олиш имкониятини берувчи тез қотувчи киришмайдиган цементлар ишлатилади. Қопламаларнинг мустахкамлиги 30–50 МПа га 1–3 сутка давомида етади. Қопламанинг қалинлиги – 5–25 мм (истисно тариқасида 50 мм). Бундай полларни фойдаланиш режими оғир бўлган ишлаб чиқариш ва омбор

хоналарида қўллаш мақсадга мувофиқдир, чунки уларнинг декоратив хусусиятлари анча паст.

Қўйма полимерли поллар – гигиеник, эксплуатацион ва эстетик хоссаларига қўрсатилувчи талаблар юқори бўлган катта майдонли поллар учун чоксиз ташқи юза қопламаларининг истеқболли туридир. Қўйма полмерли поллар суюқ-қовушқоқ олигомерлар: эпоксидли, полиэфирли, полиуретанли ва бошқа эластомерлар асосида олинади (3.17-расм).




3.17-расм. Эспол эпоксидли-сланецли қўйма полларни карталар бўйича қуриш

Қопламанинг декоратив самарси ва физик-механик хоссаларининг яхшиланишини таъминлаш учун уларнинг таркибига кукунсимон микротўлдиргичлар ва пигментлар киритилади. Қўйма поллар бикир (қалинлиги 0,5–4 мм) ва эластик (қалинлиги 3–5 мм) бўлиши мумкин. Бундай поллар яхлит, зич ва мустахкам бўлган асос устидан қурилади. Асоснинг текислиги ва тозалигига жуда ҳам юқори талаблар қўрсатилади. Қўйма поллар тозалаш ва дезинфекциялаш учун қулай бўлиб кўпчилик кимёвий реагентлар таъсирига турғун ҳисобланади.

Ўрамали материаллар

Ҳозирги кунда қурилиш бозорида поллар учун *силлиқ ўрамали материаллар* линолеум ва ворсли қопламаларнинг турли хиллари билан келтирилган. Улар ҳаракат интенсивлиги катта бўлмаган уй-жой, маъмурий ва бошқа хонадаонларда кенг қўлланилади. Газламали асосга эга бўлган анъанавий линолеум (Англия) ҳозирги кунда ПВХ-линолеум билан бутунлай сиқиб чиқарилган (3.18-расм).




3.18-расм. Поливинилхлорид асосли линолеум


Линолеумлар турли хил рангли ва тасвирли кўринишда ишлаб чиқарилади. Улар асоссиз ва асоссли (шу жумласидан иссиқлик-шовқин изоляцияловчи асосда) бўлиши мумкин. Асосли линолеумни оралиқ қатламларсиз бевосита стяжкага ётқизиш мумкин.

Линолеум ўрамининг эни 1,5 дан 4 м гача бўлади. Курилиш материаллари бозорида қуйидаги таниқли фирмаларнинг линолеумлари ўрин олган: «Синко» (Россия), «Форбо Найрн» (Шотландия), IVC (Бельгия), «Герфлор» (Франция), «Зоммер» (Люксембург), «Ютекс» (Словения, рис. 4.4), «Лентекс» (Польша), «Форбо» (Голландия), «Синтелон» (Югославия), «Таркет» (Германия).

Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқарыш



3.19-расм. «Синтерос» фирмасининг линолеумлари



3.20-расм. «Ютекс» фирмасининг линолеумлари

Линолеумнни махсус асбоб-ускуналар ёрдамида хонадон ўлчамларига мос қилиб улаш мумкин. Линолеум етарлича чиройли, эластик, енгил

тозаланувчи пол қопламасини ҳосил қиласи, бироқ текис, силлик ва мустахкам бўлган асосни талаб қиласи.

ПВХ-линолеумдан фойдаланишнинг жиддий муаммоси – хизмат қилиб бўлган қопламаларни утилизация қилишдир, чунки поливинилхлорид атроф муҳитнинг табиий цикли билан уйғунлашмайди, улардан қайтадан фойдаланиш эса муаммолидир.



3.21-расм. Россия линолеумларининг «Марафон» коллекцияси

Ворсли ўрамали қопламалар турлича технологиялар бўйича турлича сунъий толалар асосида тайёрланади. Бундай қопламалар бир қатор афзаликларга эга: улар илиқ, товушни ўзига яхши ютади, юқори декоратив кўринишга эга. Уларнинг камчилиги – атроф муҳитга турли аллергик реакцияларга олиб келиши мумкин бўлган ўта майда толаларни ажратиб чиқаради.

Ҳозирги кунда ворсли қопламаларнинг янги авлоди меҳмонхоналарда, маъмурий хоналарда ва товушни изоляциялаш бўйича юқори талаблар кўрсатилувчи бошқа хонадонларда қўлланилмоқда. Замонавий саноат ва майший чанг ютгичлардан фойдаланиш ворсли қопламаларнинг чанг ҳосил қилиши муаммосини бирмунча ҳал қилмоқда. Курилиш материаллари бозорида таклиф қилинаётган гиламсимон қопламалар нархи, ворсининг узунлиги ва ишлаб чиқариш усули билан фарқланади.

Тўқилма гиламсимон қопламаларни ишлаб чиқаришда ворс ва асос бир вактнинг ўзида ишлаб чиқарилади. Бундай усулда оддий гиламсимон қопламаларнинг катта қисми тайёрланади, бироқ бунда сифати яхши бўлган қопламаларнинг олиниши уларнинг нархи юқорироқ бўлишини ҳам белгилаб беради.

Тафтингли гиламсимон қопламаларнинг ишлаб чиқарилиши тикув машинасининг ишини эслатади. Минглаб игналар бирламчи тўшама мато орқали ўтказилади, бунда ип илгак билан ушлаб олинади ва игналирнинг қайтишида сиртмоқчалар (сиртмоқли ворс) ҳосил бўлади. Улар қўшимча равишда қирқилиши ҳам мумкин (ворс-велюр). Ипларнинг асосда мустахкам махкамланиши учун латексли қатлам билан қотирилади, сўнгра иккиламчи асос (резина, сунъий намат) келади. Тафтингли ковролин ҳозирги кунда жуда кенг тарқалган.

Игна билан тешилувчи гиламсимон қопламлар аввалги иккита усулга нисбатан ишлаб чиқарилиши ва ташқи кўриниши билан жиддий фарқ қиласди. Кўп сонли араласиб кетган иплар бир бирига махкамланади, сўнгра ҳаракатланувчи игналар уларни ўзаро тўқиёди. Бунинг натижасида ўта зич ва қалин гиламсимон қоплама ҳосил бўлади (3.22-расм). Бундай гиламсимон қопламалар, одатда, 100%-ли полипропилендан ёки унинг аралашмасидан тайёрланади. Ташқи кўриниши ва комфортлилиги бўйича улар тафтингли гиламсимон қопламалар билан тенглаша олмайди, бироқ ишқаланишга чидамлилиги ва нархининг арzonлиги туфайли харидорларда катта қизиқиш уйғотади.

Ворси узун (12 мм дан ортиқ) бўлган гиламсимон қопламалар ITC, «Бери Тафт», «Ралуф», «Нелка» корхоналари томонидан ишлаб чиқарилади. Юқори-ворсли қопламалар иссиқликни аъло даражада сақлаш билан бирга товушни анча яхши пасайтиради, юрганда одамларнинг умуртқа поғонаси ва оёқларига тушадиган юкни камайтиради. Бундай қопламали пол илиқроқ ва юмшокроқ, товуш изоляциялаш хоссалари эса яхшироқ бўлади. Гиламсимон қопламаларнинг бундай тури меҳмонхоналарнинг «Люкс» номерлари ва уйларнинг ётоқхоналари учун кўпроқ мос келади.



3.22-расм. Ковролин гиламсимон пол қопламаси.

Ўртача ворсли (ворсининг узунлиги 7-12 мм) гиламсимон қопламалар қурилиш материаллари бозорига Франциядан («Берри Тафт»), Бельгиядан («Беалие Виесбеке», «Домо Туфт», «Нелка») ва АҚШ дан («Биалие оғ Америка») келтирилади. Бирок франциялик ва бельгиялик фирмаларнинг маҳсулотлари рангининг хилма-хиллиги ва дизайнининг бойлиги тифайли харидорларда кўпроқ қизиқиш уйғотади. Бундай гиламсимон қопламалар ҳам меҳмонхоналарнинг «Люкс» номерлари ва уйларнинг ётоқхоналари учун кўпроқ ишлатилади.¹⁸

Майда ворсли (ворсининг узунлиги 7 мм гача) гиламсимон қопламаларни асосан бельгиялик фирмалар ишлаб чиқарадилар. Улар ўтказувчанлиги катта бўлмаган уй-жой хонадонлари учун яхши пол қопламаси ҳисобланадилар.

Ворсли қопламалар эластик пластикли асосли йирик плиткалар кўринишида ҳам ишлаб чиқарилади. Улар узлуксиз гилам кўринишида стяжкага елимланади. Бундай қопламанинг афзаллиги – айрим плиткалар эскирганда қопламанинг бир қисмини алмаштириш имконияти мавжуд эканлигидир.

Донабай материаллар

Донабай материаллар (паркет, сопол плитка, табиий тош ва бошқалар) ишлаб чиқаришда нисбатан мураккаб ва полга ётқизишида сермеҳнат бўлишига қарамай истеъмолчи нуқтаи назаридан олганда кўп ҳолларда афзалроқ бўлиб қолмоқда. Бунда ҳал қилувчи мезонлар бўлиб уларнинг декоратив ва «салобатлик» хусусиятлари чиқмоқда, эксплуатацион хоссалари билан нархи эса охирги навбатда инобатга олинмоқда.

¹⁸ Pacheco Torgal, Cinzia Buratti, Siva Kalaiselvam, Claes – Goran Granqvist, Volodymyr Ivanov. Nano and Based Materials for Energy Buildings Efficiency/Springer International Switzerland, 2016., Р 166

Паркет – ҳаракат интенсивлиги катта бўлмаган уй-жой ва жамоат хонадаонлари полларининг энг кенг тарқалган қопламаларидан бири ҳисобланади.

Донабай паркетдан (клепкалардан) фойдаланганда аввалом бор дараҳт турини танлашга катта эътибор қаратиш лозим. Ҳозирги кунга келиб қурилиш материаллари бозорида қўйидаги дараҳт навларидан олинган донабай паркет таклиф қилинади: эман (дуб), бук, қарагай (клён), қизил ва қора дараҳт, карелия оқ қайнини, америка ёнғоги, канади олчаси, ва бошқа ноёб дараҳт навларидан. Бироқ эмандан ташқари барча навлар “асабий” ҳисобланади. Тайёр паркетли пол қопламасининг эстетик сифатлари ҳар бир алоҳида паркет планкасининг текстураси билан аниқланади. У эса ўз навбатида дараҳтни арралаш тавсифига боғлиқ бўлади. Афсуски, ҳамма ишлаб чиқарувчилар ҳам паркетни арралаш тури бўйича сараламайдилар. Буни эстетик кўриниши ва дизайнига бефарқ бўлмаган буюртмачилар доимо ёдда тутишлари лозим (3.23-расм).




3.23-расм. Донабай паркет

Тайёр паркет қопламасининг сифатига уни тайёрлашда ишлатилган ёғочни қуритиш тавсифи жiddий таъсир кўрсатади. Қуритиш режими тўғри танланган ҳолларда ёғочда ички зўриқишлиар ҳосил бўлмайди, бу эса хонадондаги намлик ва ҳароратнинг ўзгаришида ўта муҳим ҳисобланади. Паркетни эксплуатация қилиш ва айниқса уни териш давомийлигига айrim планкаларнинг узунлиги ва қалинлиги жiddий таъсир кўрсатади. Паркет планкасининг эни унинг бешта қалинлигидан ортиқ бўлмаслиги лозим (масалан, қалинлиги 15 мм ли паркет планкасининг эни 75 мм дан ортиқ бўлмаслиги лозим). Акс ҳолда паркет планкалари кўндаланг йўналишда қабариб кетиши мумкин.

Тайёр паркет қопламасининг сифатига асосини тайёрлаш жараёни ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Паркет қопламасини териш ишларни бошлашдан олдин девор ва асоснинг намлиги ҚМҚ талабларига мос келишини текшириш лозим. Бу айниқса янги қурилиш объектлари учун жуда ҳам долзарб ҳисобланади. Паркет қоламасини теришнинг замонавий технологияси тайёрлов ишларини шошилмасдан маъсулият билан бажаришни кўзда тутади.

Уй-жой биноларида полларнинг паркетли қопламасини теришнинг анъанавий технологияси лагаларни бевосита бетон юзага махкамламасдан ўрнатишни кўзда тутади. Уларнинг устидан эса паркетли шчитлар териб чиқилади. Бундай ҳолларда полларни эксплуатация қилганда уларни текислаш ва шамоллатилмайдиган паркет ости бўшлиғида лагаларнинг чириши билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар пайдо бўлади. Натижада паркет қопламаси бўшашиб кетиши ёки унда юрганда фирчиллаш ҳоллари юз бериши мумкин.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун лагаларни бетонли асосга махкамлаш ва пол остини шамоллатилувчи қилиб бажариш лозим. Полнинг бундай конструкцияси ростланувчи асосли пол деб аталади. Болтлар-стойкалар полни ростловчи элементлар ҳисобланади. Лагаларни полни текислаш учун болтлар-стойкалар ёрдамида кўтариш ёки пасайтириш мумкин. Лагалар асос билан жипслашмаганлиги сабабли пол қопламасининг ости шамоллатилади, у ердаги ҳарорат эса қоплама устидаги ҳароратдан катта фарқ қилмайди, шунинг учун бундай пол бетон устига ётқизилган полларга нисбатан анча илиқ бўлади (3.24-расм). Лагалар бир-бирига нисбатан маълум масофага ўрнатилади: паркет, линолеум ва тахтали поллар учун 50–60 см, плиткали поллар учун 30–40 см.



3.24-расм. Ростланувчи лагаларни полнинг асосига махкамлаш

Ростланувчи лагалар бўйича ўрнатилувчи поллар ошхона, хожатхона ва ваннахоналарни янги жойга кўчиришда муваффақият билан қўлланилиши

мумин. Бунда янги коммуникациялар лагалар оралиғига сиғади, бу эса иситиш, канализация ва сув узатиши тизимларини тайёрлаш бүйича сарф-харажатларнинг кескин қисқартирилишига имконият беради.

Охирги йилларда қурувчилар ўзларининг тажрибаларида хонадонларни “қуруқ пардозлаш” технологияси қўлланилишининг афзалликларига амин бўлмоқдалар. Ҳозиги қунларга қадар ушбу технологиянинг ютуқлари хонадонлараро пардадеворлар, осма шифтларни қуриш ва деворларни қоплашда жорий қилинар эди. Полнинг йиғма қуруқ асосининг элементларини гипс-толали листлардан тайёрлаш технологиясини ўзлаштиргандан сўнг (3.1-жадвал) полларни қуришда ҳам намли жараёнлардан воз кечиш имкониятлари пайдо бўлди.

3.1-жадвал

Ишлаб чиқарилувчи гипс-толали маҳсулотларнинг рўйхати

Номи	Ўлчами, мм			
	узунлиги	эни	қалинлиги	фалцлари
Оддий гипс-толали лист (ГВЛ) ва намга чидамлилисии (ГВЛВ)	2500	1200	10,12	—
	2700	1200	10,12	—
	3000	1200	10,12	—
Гипс-толали лист (кичик- форматли DIY) Оддий ва намга чидамли	1500	1000	10,12	—
	1500	1200	10,12	—
	1200	1200	10,12	—
Полнинг йиғма қуруқ асоси элементлари	1500	500	20	50
	1200	600	20	100

ГВЛ нинг техник характеристикалари

Мустахкамлик чегараси, МПа, камида сиқилишда 10
эгилишда 5,3

Иссиқлик ўтказувчанлик, Вт/(м К) 0,22–0,36

Бринелл бўйича қаттиқлик, МПа 22

Ёнувчанлик гурӯҳи Г 1

Аланга оловчанлик гурӯҳи В 1


Тутун ҳосил қилувчанлик гурӯҳи Д 1

Захарлилик гурӯҳи Т 1

Полларнинг йиғма қуруқ асослари стандарт ва кичик форматли ГВЛ лардан икки ва ундан ортиқ қатлам қилиб монтаж қилиниши мумкин (3.25-расм):

- текис қаттиқ юк кўтарувчи асос устидан;
- текисловчи қатлам устидан;
- ростланувчи лагалар устидан.

Нотекис юк кўтарувчи асос қуруқ тўлдирувчи ёки ростланувчи лагалар ёрдамида текисланади.



3.25-расм. Кичик форматли листлар ва улардан қурилган полнинг йиғма асоси

Қуруқ тўлдиргичдан текисловчи қатламнинг минимал қалинлиги – 20 мм. Қатламнинг қалинлиги 100 мм дан ортиқ бўлганда тўлдиргич устига учта қатлам ГВЛ ётқизилади. Тўлдиргич текисланган юзанинг яхлитлигини сақлаш учун полнинг йиғма асосини ётқизиш эшик дарчасидан бошлаб амалга оширилади. Агар асосни ётқизишни қарама-қарши томондан бошланса ҳаракатланиш учун «оролчалар» қолдириш лозим бўлади. Пол элементларининг биринчи қаторини ётизишдан олдин уларнинг деворга туташувчи фалецлари кесиб ташланади. Элементлар кетма-кет чокларини камида 250 мм га суриб ётқизилади. Хожсимон (крестсимон) чокларни ҳосил бўлишига йўл қўйилмайди.¹⁹

Элементларни ётқизиша фалецларига елим суртилади ва ГВЛ учун махсус тайёрланган шуруплар билан қотирилади. Керак бўлганда чоклар ва шуруплар билан маҳкамланган жойларга Фугенфюллер ГВ шпаклёвкси билан ишлов берилади.

ГВЛ дан йиғма пол асосларининг афзалликлари қаторига уларни монтаж қилиш тезлигининг юқорилиги (бир кунда 60 м² гача) киради. Бундан ташқари полнинг асоси ўта текис чиқади. “Қуруқ технология” нинг якунловчи босқичи сифатида ГВЛ устидан қулфли бирикма ёрдамида бажарилувчи ламинат ётқизишни кўзда тутиш мумкин.

Паркетли полларни донабай паркетдан териш ва паркетли шчитлардан монтаж қилиш мумкин.

Паркетли шчитлар анча аввал (XVIII асрда) турли дараҳт навларидан бадиий паркетни теришда пайдо бўлган. Бундай шчитлар пол қуриш технологиясини енгиллаштиради ва қимматбаҳо тахтанинг сарфини камайтиради.

¹⁹ Pacheco Torgal, Cinzia Buratti, Siva Kalaiselvam, Claes – Goran Granqvist, Volodymyr Ivanov. Nano and Based Materials for Energy Buildings Efficiency/Springer International Switzerland, 2016., P 168



3.26-расм. Бадий паркет

Бадий паркетдан терилган пол кўпинча интеръернинг шаклланишида иккиламчи вазифани бажаришдан қолиб унинг мустақил, тенг хуқуқли, айрим ҳолларда етакчи қисми бўлиб қолмоқда (3.26-расм).

Деворлар, эшиклар ва мебель билан рангининг мутаносиблиги, шифт безакларининг, камин, устун контурларининг полда қайтарилиши – бу бадий паркетнинг хона интеръери ечимидағи тенг хуқуқли иштирокига оддий мисоллардан ҳисобланади (3.27-расм).



3.27-расм. Паркетнинг хона интеръери умумий ечимидағи иштироки

Охирги йилларда бадий паркетни ётқизиш ишларини арzonлаштириш мақсадида заводга оид тайёрлик даражаси юқори бўлган элементлар сериясини (модулларни) яратиш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Бу борада «Золотое сечение» (Россия) фирмасининг фаолияти катта қизиқиш уйғотади. Бу фирма ишлаб чиқараётган элементлар - модулларнинг сони ҳозирги кунга келиб 300 тадан ошиб кетган. Мисол тариқасида анъанавий турдаги паркет

полларининг ичкарисига терилувчи доира, ромб, овал, тўртбурчак шаклидаги модулли розеткаларни келтириш мумкин²⁰ (3.28-расм.).




3.28-расм. Модулли розеткалар

Паркет тахталари – кўп қаватли конструкция бўлиб, учта асосий ўзаро елимланган қатламдан иборат:

- юқори қатлам – декоратив қатлам бўлиб, қаттиқ дарахт навларидан ясалади ва уларнинг сирти қалинлиги 1–4 мм ли едирилишга чидамли лок билан қопланади;
- ўрта қатлам – юк кўтарувчи қатлам бўлиб, арча ёки соснадан тайёрланган тахтага кўндаланг ётқизилувчи бруслардан бажарилади;
- пастки қатлам – компенсация қилувчи қатлам бўлиб, толалари тахта бўйлаб жойлаштирилувчи шпондан бажарилади.

Паркет тахтасининг умумий қалинлиги 7–22 мм. Тахта шпунт ва ариқчага эга бўлади ва узлуксиз қопламага енгил йифилади, сайқаллаш ва якунловчи пардозлашни талаб қилмайди.

Ламинатни пол қопламалари замонавий юқори технологияли пардозлаш материалларининг янги тури ҳисобланиб паркетли тахта ғоясининг келгуси такомиллаштрилишидир.



3.29-расм. Ламинатнинг таркиби: 1 – герметизацияловчи қатлам; 2 – HDF плита (MDF); 3 – крафт-қофоз; 4 – текстура қатлами (махсус қофоз ёки шпон); 5 – шаффофф ҳимояловчи қатлам

/UK March 31, 2010.

2–3 та қатлам крафт-қоғозли бумопластдан иборат.

Пастки қатлам шимдирилган махсус картон ёки юпқа войлокдан бажарилади. У қопламани намдан ишончли ҳимоялайди, ҳамда унинг товушдан изоляцияловчи хоссаларини яхшилайди. Натижада хонадонда комфортли шароит яратилади (3.30-расм).



3.30-расм. «Норд степ» фирмасининг ламинатли композити

Барча ламинацияланган пол усти қопламалари мустахкамлиги, ишқаланишга чидамлилиги, намга чидамлилиги ва конструкцияси бўйича бир-бридан фарқ қиласи.

Ламинатларнинг аксарияти табиий ёғочнинг, баъзида тошнинг, сопол плитканинг тасвирини ифодалайди. Асосан ламинат тахтача шаклида бўлади: узунлиги 1200–1300 мм, эни 190–390 мм ва қалинлиги 6–11 мм.


Барча ламинацияланган қопламалар уларга тушадиган юк ва ишқаланишга чидамлилиги бўйича 3 та асосий гурухга бўлинади:

- эксплуатацион юклар кичик бўлган хоналар учун;
- эксплуатацион юклар ўртача бўлган хоналар учун;
- эксплуатацион юклар интенсив бўлган хоналар учун.²¹

Қурилиш бозорига кириб келувчи ламинатнинг деярли барчаси Америка ёки Оврўпа мамлакатларида ишлаб чиқарилади ва шунинг учун истеъмолчи хорижий қопламалар маркировкасига алоҳида эътибор бериш лозим. Яқин вақтларгача ламинацияланган пол усти қопламалари шпунтли бирикмаларга эга бўлиб елимланиб йиғилар эди ва кейинчалик уларни ажратиш мумкин бўлмас эди. Охирги йилларда қулфли бирикмалар қўлланилиши сабабли ламинацияланган қопламани тез ва қўп матрта қайтадан йиғиб-ажратиб териш имкониятлари яратилди. Натижада қопламанинг айрим элементларини алмаштириш ёки уни бошқа хонадонга кўчириш ҳам мумкин бўлиб қолди. Ана шундай бирикмаларнинг энг кенг тарқалганлари Аллок ва Фиболок ҳисобланади. Улардаги «қулф» нинг соддалиги тахтачаларни бир-бирига жуда тез улаш имкониятини беради, махсус конструкцияси эса мустахкамлигини таъминлайди (3.31-расм). Ламинат билан қопланган поллар

²¹ Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings , P 144

юқори даражада қаттиқ ва ишқаланишга чидамлидир. Ҳар қандай ифлосланишларни (бўёқ, мой ва бошқаларни) ламинатдан сув, ювиш воситалари ёки эритувчилар ёрдамида унинг декоратив сифатларига зиён етказмасдан йўқотса бўлади.



3.31-расм. Ламинатни механик қулф ёрдамида махкамлаш: 1 – юқори босимли ламинатдан тайёрланган юқори ва пастки қатlam; 2 – махкамланган асос; 3 – механик қулфли система; 4 – YDF – ўзак, юқори зичликдаги ёғочтолали тахтача; 5 – қирраси, намликка чидамли бўлиши учун парфин шимдирилган

Поллар учун сопол плитка («метлах» плиткаси деб ҳам аталади) – ёпиқ ғоваклики зич сопол чаноққа эга. Сопол плитка хоссаларига кўра қаттиқ тоғ жинсларидан олинган тош плиткаларга яқин. Плиткалар бутун массаси билан бўялган бўлиши ёки силлиқ ёки фактурали ташқи сиртга эга бўлиши мумкин.

Ўзининг иссиқлик-физикавий хоссаларига кўра сопол плитка «совук пол» ҳосил қиласди ва шу туфайли илиқ иқлимли мамлакатларда полларни қоплаш учун анъанавий материал ҳисобланади. Мўтадил иқлимли мамлакатларда сопол плитка фойдаланиш режимига кўра намлиги юқори бўлган хоналарда (санитар-техника тугунлари), гигиена тингловчилари юқори бўлган биноларда (больницалар) ва кимёвий агрессияга чидамли бўлган хоналарда (лабораторияларда) ишлатилади.²²

²² (Woodhead Publishing Series in Energy) /UK March 31, 2010.



3.32-расм. Керамогранит плиталар асосидаги поллар

Сопол плиткадан қурилган полнинг ижобий сифатлари – фойдаланишида соддалиги (ювиш, дезинфекциялаш), юқори декоратив хоссалари, ишқаланишига чидамлилиги ва узоққа чидамлилиги ҳисобланади. Унинг камчиликлари қаторига ётқизишида сермеҳнатлиги киради. Плитканинг юқори даражада иссиқликни ютиши хусусияти замонавий қурилишда иситиладиган поллар қуриш билан компенсация қилинади.

Плиткали поллардан юқори даражада фойдаланиш интенсивлиги уларнинг

емирилишига (эскиришига, бурдаланишига) олиб келиши мумкин. Бундай холларда керамогранит ёки тош плиталардан поллар қуриш мақсадга мувофиқдир (3.32-расм).

Табиий тош материалли поллар жамоат ва уй-жой бинолари полларининг юқори мөймөрий манзараси ва ишқаланишига чидамлилиги талаб қилинувчи энг қадимги материаллар қаторига киради. Тоғ жинси турини танлаш полга тушадиган эксплуатацион юкларга боғлиқ бўлади. Масалан, заллар ва метронинг ўтиш йўлларидағи поллари учун қаттиқлиги юқори бўлган жинсларни (гранит, габбро) ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Бундай хоналар учун мармардан фойдаланиш полнинг тез ишдан чиқишига олиб келади, ваҳоланки мармарли поллар асосида жуда ҳам қўп хоналарнинг интерьери шакллантирилади (3.33-расм).



3.33-расм. Мармарли мозаикали поллар

Илиқ поллар.

Ҳозирги қунларда қурилиш материаллари бозоридан мустахкам ўрин олаётган ва уларга хусусий буюртмачилар томонидан талаб тобора ошиб бораётган юқори самарали системалар – Тепполюкс, Теплоскат, Теплодор ва Тепломаг ҳисобланади.

Хонадонларни иситиш учун – Тепполюкс системаси амалиётда ўзини жуда ҳам яхши кўрсатмоқда. Айниқса илиқ поллар ваннахоналар, болалар хонаси, ошхона ва ётоқхоналарда ўта комфортли шароитни таъминлаб бермоқда. Илиқ полларнинг конструкцияси электр токи ёки иссиқ сувдан фойдаланишига қараб турлича бўлиши мумкин. Лекин электр энергиясидан фойдаланишга асосланган илиқ поллар конструкцияси афзалроқ ҳисобланади, чунки улар полнинг конструкцияси баландлигини оширилишига олиб келмайди.


Тепполюкс яна бир қатор афзалликларга ҳам эга: полнинг ичкарисига ўрнатилади, автономли, сув таъминотидаги узулишларга ва қувур йўллар авариясига боғлиқ эмас, тежамкор, чунки фақат иситилиши керак бўлган хоналарни иситади.

Илиқ полларнинг конструкцияси 3.34-расмда келтирилган.

Бунда пол усти қопламалари сифатида иссиқлик ўтказувчанлиги юқори бўлган материалларни (сопол плитка, табиий ва сунъий тош, илиқ асосга эга бўлмаган линолеум) ишлатиш тавсия этилади.

«Деви» фирмаси илиқ поллар қуриш учун юпқа қиздирувчи кабель Девиматдан фойдаланади (3.35-расм). Кабель елимли асосли полипропилен тўрига махкамланган бўлиб ГВЛ-кнауф-суперпол стяжкаси устидан плиткабоп мастикага ўрнатилади. Бу иссиқликнинг асосий оқимини пол усти қопламасини қиздиришга йўналтиради.

Девимат махсулотининг спектри хонани комфортли ва тўлиқ иситиш билан боғлиқ бўлган қўпчилик масалаларни ечиш имкониятларини беради. Махсулотнинг ишлаб чиқариш дастури нисбий қувватлари 100 ва 150 Вт/м² га тенг бўлган бир толали ва икки толали қиздириш кабелларининг иккита турини ўз ичига олади.²³



3.34 - расм. Илиқ полнинг конструкцияси:

- 1 – қиздирувчи кабель;
- 2 – қоплама;
- 3 – бетон стяжка;
- 4 – ҳарорат датчиғи;
- 5 – ораёпма;
- 6 – иссиқлик-изоляцияси

²³ Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings, P 189



3.35-расм. Девимат қиздирувчи кабели

Оқимларни моделлаштириш шундан далолат бермоқдаки, иссиқликни пастки томонга йўқотилиши 12 % ни ташкил қиласр экан. Юқори томонга йўналган фойдали иссиқлик оқими 88 % га тенг бўлиб, плитка сиртининг ва хона ҳавосининг ҳароратлари ўртасидаги фарқнинг 9–10 °C га тенг бўлишини таъминлайди. Масалан, уй-жой хонаси ҳавосининг стандарт ҳарорати +22 °C га тенг бўлиши учун эришилиши лозим бўлган полнинг максимал ҳарорати +31+32 °C га тенг бўлади.

Агар қоплама сифатида иссиқлик ўтказувчанилиги пастроқ бўлган паркет тахтаси ишлатилса, иссиқликнинг пастки томонга йўқотилиши 25% ни ташкил қиласр, пол сиртининг максимал ҳароратиса +30 °C гача тушади.

Юқорида келтирилган полнинг конструкциясида типик қопламаларни алмаштириб 3.2-жадвалда келтирилган иссиқлик оқимлари бўйича маълумотларни оламиз.

Иссиқлик оқимларининг тавсифлари

3.2-жадвал

№	Полнинг қопламаси	Иссиқлик оқимларининг тақсимланиши, %		Эришиш мумкин бўлган полнинг максимал ҳарорати, °C
		юқорига	пастга	
	Сопол плитка 7 мм	88	12	32
	Мармар 20 мм	88	12	32
	Винил плитка 3 мм	86	14	31
	Ламинат 7 мм	85	15	31
	Паркет 7 мм	79	21	30,5
	Паркет тахтаси	75	25	30
	Паркет ламинацияланган15 мм	71	29	30

Совуқ хоналар устидан ёки балконда полларни қурганда иссиқликнинг йўқотилиши кўп карра ортади. Бундай холларда ораёпманинг иссиқлик изоляцияловчи хоссаларини қуруқ тўшама ёки самаралироқ иссиқлик изоляцияловчи материалларни қўллаб ошириш лозим бўлади.

Иссиқлик изоляцияси ва кабель системаси қувватининг кўрсаткичларини тўғри танлаш иситиш системсини ўрнатиш ва фойдаланишга сарфланадиган ҳаражатларни оптималлаштириш ва шу билан бирга керакли иссиқликка оид комфортли шаритни олиш имкониятларини беради.

Сезувчанлик хусусияти хозирги кунда тез суръатлар билан ривожланаётган бетонларнинг янги турлари учун хос ҳисобланади. Масалан, углерод толачалари қўшилган фибробетонлар ана шундай сезгир бетонлар сарасига киради. Углерод толачалари бетоннинг таркибида ўз вазифасига кўра кўп функцияли материал сифатида намоён бўлади. Сезгирлик хусусияти углерод толачаларининг бетондаги электр ўтказувчанлик хусусиятлари билан бевосита боғлиқдир. Шу билан бирга углерод толачалари қўшилган фибробетонлар тадқиқот қилинганда улар бетоннинг чўзишишга, эгилишга мустахкамлигини кескин ошириши, киришиш деформацияларини сезиларли камайтириши ва музлатиш-эритиш таъсирида юқори мустахкамлигини сақлаб қолиши исботланди. Тадқиқотларда исботланиши-ча, қисқа қирқилган (5 мм) углерод толачаларини бетоннинг таркибига цементнинг миқдорига нисбатан 0,5% қўшилиши бетоннинг нисбий электр қаршилигини кескин камайтирган.²⁴

Углерод толачалари билан арматураланган бетоннинг нисбий электр ўтказувчанлигини углерод толачаларининг ўлчамлари ва ҳажмини ўзгартириб ростлаш мумкин. Шундай қилиб, углерод толачалари бетонда мустақил тензодатчик сифатида унинг ички ҳолатини мониторинг қилиш имкониятларинин ҳам бериши мумкин. Бундан ташқари ундан бино хонадонларининг ёритилиши, иситилиши, совуқлиги ва шамоллатилишини бошқаришда фойдаланиш мумкин. Углерод толачалари бетоннинг структурасидаги содир бўлаётган ўзгаришларни реал вақт давомида назорат қилиш имкониятларини ҳам беради. Бетоннинг нисбий электр қаршилиги хароратнинг ортиши билан камайиши сабабли углерод толачалари темирбетонда терморезистор сифатида ҳам кўрилиши мумкин. Бундай материал учун яна бир истекболли қўлланилиш соҳаси углерод толачаларидан қиздириш элементи сифатид фойдаланишдир. Бетонни углерод толачалари воситасида қиздириш бетонни музлашдан сақлаш учун кўриладигин чора-тадбирлардан умуман воз кнечиш имкониятларини беради.


Бундан ташқари углерод толачалари қўшилган бетондан илиқ поллар қурилишида иситиш тизимини ҳосил қилиш масаласини ечишда кенг имкониятлар очилади.

Спорт иншоотларининг поллари.


Спортнинг ривожланиши ва унда юқори натижаларга эришиш учун мутахассислар томонидан яратилувчи инфраструктура ҳамда улар томонидан кўрсатилувчи доимий ўсиб борувчи сервиснинг сифати жуда муҳим

²⁴ F. P. Torgal , S. Jalali. Eco-efficient Construction and Building Materials, DOI: 10.1007/978-0-85729-892-8_1, Springer-Verlag London Limited, 2011. P 94-95.

ҳисобланади. Ҳозирги кунда нафакат профессионал спортчилар балки ҳаваскорлар ҳам спорт махсулотининг ҳавфсизлиги ва сифатига катта эътибор берадилар. Спорт иншоотларининг турлари хилма-хилдир ва худди шундай ушбу иншоотлардаги поллар ҳам турлича, аниқроғи уларнинг пол қопламаларининг (3.36, 3.37-расмлар).



3.36-расм. Қоплама – сунъий ўт:
1 – асос; 2 – пастки катлам; 3 – грунт; 4 – сунъий тола PELSR ёки PP; 5 – майдаланган ғишт; 5 – белгилаш майда қум; 5 – белгилаш²⁵



3.37-расм. Қоплама – сунъий
1 – асос; 2 – елим; 3 – бўз; 4 – майдаланган ғишт; 5 – белгилаш

Югуриш йўлакчалари, баскетбол майдончалари, футбол майдонлари ва бошқ. қопламаларини ишлаб чиқиши ва тайёрлаш кўпинча олимлар, спортчилар ва қурувчиликларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳамжиҳатли ҳаракатларининг сермаҳсул натижаси ҳисобланади. Спорт иншоотлари поллари конструкциялари сонига келсак эса, уларнинг турлари анча камроқ. Шуларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз.

Умуман олганда кўпчилик спорт залларининг қопламаси материали ва полларининг конструкцияси қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим: зарбани ютиши ёки зарба кучини пасайтириши; эластик деформацияларга лаёқатлилиги; тўпнинг маълум даражада сакрашини таъминлаши ва бошқалар. Масалан, «Таркет» фирмаси Рефлекс ёғоч қопламали полнинг конструкциясини таклиф қиласди (3.38-расм).

Чорвачилик хоналарининг поллари.

Қурилиш амалиётида турли бино ва иншоотлар учун поллар ичida чорвачилик хоналарининг поллари алоҳида ўрин эгаллайди.

²⁵ Pacheco Torgal, Cinzia Buratti, Siva Kalaiselvam, Claes – Goran Granqvist, Volodymyr Ivanov. Nano and Based Materials for Energy Buildings Efficiency/Springer International Switzerland, 2016., P 136

Чорвачилик хоналарининг энг муҳим элементларидан бири чорва моллари дам олиши жойларидаги полнинг конструкцияси ҳисобланади. Чорва молининг бевосита контакти фақат пол билан содир бўлади.

Пол орқали чорва моллари танасидан иссиқликнинг йўқотилиши бир соатда $41,9 \text{ Дж}/\text{м}^2$ гача етиши мумкин. Пол билан контактлашув 12 соат давом этганда эса чорва молининг иссиқлик йўқотиши 2–3 л сутнинг каллориясига мувофик келади. Ушбу йўқотишлиарнинг ўрнини қоплаш учун чорва молларига кўпроқ миқдорда энергия сарфлаш лозим бўлади, бу эса ўз навбатида чорвачилик махсулотлари таннархининг сезиларли ортишига олиб келади. Полларни шартли равишда илиқ ва совуқ хилларга таснифланиш мезони бўлиб нисбий иссиқлик ютиш коэффициенти – $C_{\text{от}}$ хизмат қилиши мумкин. Ушбу коэффициент чорва моли билан контактда бўлган 1 м^2 пол томонидан ютилган иссиқлик миқдорини ушбу чорва моли танасининг 1 м^2 сирти томонидан маълум бир вақт давомида ажратиб чиқарилган иссиқлик миқдорига нисбатини билдиради.

Бунда совуқ поллар учун $C_{\text{от}}$ нинг қиймати бирдан катта, илиқ поллар учун эса бирдан кичик бўлади. Ушбу кўрсаткич бўйича полларнинг сифати даражасини ҳам таснифлаш мумкин:

- 0,7 дан кам – аъло;
- 0,7–0,9 – яхши;
- 0,9–1,1 – қониқарли;
- 1,11–1,31 – ёмон;
- 1,31 дан катта – йўл қўйилмайдиган.

Куруқ ёғоч поллар учун $C_{\text{от}}$ коэффициентининг қиймати 0,7 га teng ёки ундан ҳам камроқ, яъни ёғоч хақиқатдан ҳам мустаҳкамлик ва кам иссиқлик ўтказувчанлик талабларига жавоб берувчи етарлича сифатли материал ҳисобланади. Бироқ чорвачилик хоналарида иклимий, биологик, эксплуатацион ва механик омиллар таъсири остида ёғоч поллар бир-бир ярим йил ичida емирилиб кетади. Шундай қилиб, ҳозирги кунда коррозияга чидамли бўлган илиқ ёғоч полларни ишлаб чиқиш ва олиш масаласи жуда ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Полнинг узоқка чидамлилигини аниқлаб берувчи энг муҳим хоссаларидан бири унинг сув ютувчанлиги ҳисобланади. Полнинг намлигига унинг иссиқлик-физикасига оид тавсифлари тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади. Масалан, фойдаланишда бўлган пол қопламаларининг намлиги қўйидагиларга teng бўлиши мумкин: бетонли – 6–10 %; ғиштли – 10–20 %; ёғочли – 2–55 %. Бундан ташқари, сув ўтказувчан полларда кўплаб ҳавфли касалликларни қўзғатувчилар сақланиши ва кўпайиши мумкин, улардан дезинфекциялашнинг эса амалда имконияти йўқ. Шунинг учун кўпинча нафақат пол балки унинг остидаги грунт ҳам етарлича чуқур қалинликда олиб ташланади. Бундан келиб чиқиб, полларни енгил ва самарали

дезинфекциялаш мүмкін бўлиши учун улар минимал даражада сув ютувчанликка эга бўлишлари лозим.²⁶

Пол текис ва сирпанчиғ бўлмаслиги ва шу билан бирга чорва молларининг туёғи ва терисини шикастлантирмаслик учун жуда ҳам дағал бўлмаслиги ҳам лозим. Ортиқча бикр бўлган пол чорва молларининг тез чарчашига, оқсоқланишига олиб келади ва натижада уларнинг махсулдорлиги ҳам пасайиб кетади. Эластик полли хоналарда чорва моллари кўпроқ ва иштиёқ билан ётадилар, бу эса ўз навбатида уларнинг аҳволига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунларда чорвачилик хоналарида асосан ёғоч, бетон, асфальтбетон, ғишт поллар ва грунтли материаллардан олинувчи поллар ишлатилмоқда. Шулардан энг кенг тарқалгани – ёғоч поллар ҳисобланади. Бундай полларнинг хиллари ҳам турличадир. Бетон ёки лой асос бўйича ёғоч поллар қуидаги конструкцияга эга: ёғоч тахталар зичланган лой ёки бетонли қатламга чўқтирилган лагаларга михлаб қоқилади. Тўшама қатлам анча чуқур ва етарлича зич бўлиши лозим. Тахталарнинг қалинлиги 40 мм. дан кам бўлмаслиги лозим. Бироқ бундай поллар жиддий камчиликларга эга: уларнинг хизмат қилиш муддати 2–3 йилдан ошмайди, қисман таъмирлаш эса фойдаланиш бошланганидан сўнг бир неча ой ўтмасдан талаб қилинади, кучли намланганидан сўнг сирпанчиқ бўлиб қолади.

Ёғоч полларнинг узоққа чидамлилигини ошириш учун ёғоч тахталар кам зарарли фенолформальдегид қатронлар билан модификация қилинади. Модификациялаш режими мураккаб бўлиб (полимер билан шимдириш ва модификаторни 60–80 °C ҳароратда қотириш, кейинчалик 110–130 °C ҳароратда якунловчи термик ишлов бериш) шимдирилувчи эритмалар молекуляр тузилмасига ва тахталар ўлчамларига боғлиқ равища ўзгартирилиши мумкин. Модификациялаш полларнинг мустахкамлиги, қаттиқлиги ва зарбага оид қувушқоқлигининг оширилишига олиб келади. Бундан ташқари ёғочнинг чорвачилик хоналарининг агрессив таъсирларига чидамлилиги сезиларли ошади, намланиш тезлиги ва даражаси кескин камаяди, оловбардошлиги, атмосфера таъсирларига чидамлилиги, кимёвий ва биологик турғунлиги ҳам анча ошади. Бундай полларнинг хизмат қилиш муддати камида 15 йилни ташкил қиласи ва бу муддатни полларнинг конструктив ечмини такомиллаштириш йўли билан янада ошириш мумкин.

Ёғоч полларнинг бошқа бир хили иссиқликни қайтарувчи поллар ҳисобланади. Бундай поллар чорва молларидан иссиқлик узатилишининг олдини олиб иссиқлик ва энергия сарфланишини камайтириш имкониятини беради. Бироқ чорва молларини панжарасимон поллар ва гўнгни дельтаскрепер ёрдамида автоматлаштирилган тозалаш тизими қўлланилувчи платформада боқиши бундан ҳам самаралироқ ҳисобланади. Бунда шуни эсда тутиш лозимки, чорва молларининг металл панжаралар устида бўлиши

²⁶ Pacheco Torgal, Cinzia Buratti, Siva Kalaiselvam, Claes – Goran Granqvist, Volodymyr Ivanov. Nano and Based Materiales for Energy Buildings Efficiency/Springer International Switzerland, 2016., Р 194

уларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади, баъзида кўлланиувчи пластмасса ва ёғоч панжаралар эса узокқа чидамли эмас.²⁷

Россиянинг ғарбий худудларида ҳимояловчи қопламаси цемент асосидаги композицион қоришидан иборат енгил бетондан олинувчи икки қатламли конструкция кўринишидаги пенополистирол-керамзитобетон, пенополистирол-шлакобетон ва пенополистирол-аглопоритобетон яхлит қўйма ва йигма поллар амалиётда кенг қўлланилмоқда. Бундай поллар шакл берилган ва зичланган грунт ёки қумли тўшама устидан қурилиб унинг сирти канализация ариклари томонига қараб нишабли қилиб бажарилади. Поллар юқори иссиқлик техникаси кўрсаткичлари, ҳамда эластиклиги билан ажралиб туради, бу эса чорва молларнинг пол билан ўзаро контактлашганида жуда ҳам муҳимдир. Қишишки мавсумда бундай полларнинг ҳарорати 10–11 °C дан пастга тушмайди, ваҳоланки шундай шароитлардаги ёғоч полларнинг ҳарорати 2–3 °C дан ошмайди. Бу оддий модификация қилинмаган ёғоч тахтанинг юқори гигроскопик хусусиятлари билан тушунтирилади. Умуман олганда енгил бетонли полларнинг хизмат қилиш муддати ёғоч полларнинг узокқа чидамлилигидан бир неча баробар ортиқ эканлигини эътиборга олсак, уларнинг қурилишига тахминан тенг маблағлар кетган тақдирда, сарф-харажатлар ўзини бир ёки икки йил ичida тўла оқлайди.

Майда донадор териливчи элементлар.

Охирги йилларда тротуарларга ва шаҳарларнинг йўл қисмларига брускатка, рангли ва фигурали тротуар плиткалари ва бошқа меъморий манзарага эга бўлган майда донадор элементларни ўрнатиш кенг қўлланила бошлади (3.39-расм).




3.39-расм. Рангли майда донадор териливчи элементлар

²⁷ Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings, P 94

Сифатли махсулот ишлаб чиқариш аввалом бор қоришка таркибини тұғри танлаш ва пресслаш ва қуритиш тартибларига қатый риоя қилишга боғлиқ.

Бетон қориши масини тайёрлаш учун 400 маркадан кам бўлмаган портландцемент, йириклик модули 2,2 дан кам бўлмаган йирик донадор қумлар қўлланилади. Йирик тўлдиргич сифатида керамзит шагали, ёқилғи шлаки, ҳамда бошқа турдаги саноат чиқиндиларини ишлатиш мумкин. Махсулотларга турли ранг бериш учун минерал ва органик бўёвчи моддалар қўлланилади (3.40-расм).



3.40-расм. Турли рангли майда донадор терилувчи элементлар

Майда донадор бетондан олинувчи плиткаларнинг меъерий жўнатиш мустахкамлиги йилнинг ихтиёрий фаслида бетоннинг сиқилишга ёки эгилишдаги чўзилишга синфининг 90% ни ташкил этиши лозим. Бетоннинг музлашга чидамлилиги бўйича маркаси лойиҳага мувоғик қабул қилинади. В22,5 ва В25 синфли бетондан олинган плиткалар боғ-сайилгоҳлар ва пиёдалар йўлаклари қопламаларини қуриш учун, В30 и В35 синфли бетондан олинган плиткалар эса тротуар ва магистраль йўллар қопламаларини қуриш учун мўлжалланган.



3.41-расм. Мавзе ичкарисидаги йўллар қопламаларини териш



3.42-расм. Магистраль қопламаларини плиткалардан териш

Майда донадор элементларни териш технологиясига риоя қилмаслик, қопламанинг вазифасига мос келмайдиган материалларни ишлатиш кўпинча шундай ҳолатларга олиб келадики, бунда йўллар ва тротуарларнинг айрим жойлари чўкиб кетади ёки туртиб чиқади, баъзи элементлар теримдан ажралиб кетади ва емирилади. Шунинг учун майда донадор элементларни жойлаштирганда унинг технологиясига риоя қилиш, тегишли материалларни ўринли ишлатиш ва ушбу турдаги ишларни бажаришда ишлатилувчи маҳсус асбоб-ускуналардан фойдаланиш лозим²⁸

Транспортга оид юклар юқорироқ бўлган участкаларда тўшама қатlam учун боғловчи сифатида цемент ёки оҳак қўшиш тавсия этилади.

Терилган участкаларни қамраб олувчи сифатида бетон тўшамага ўрнатилувчи бордюр тошларидан фойдаланиш лозим, чунки улар одатда қопламанинг чеккасида юкларни етарлича ишончли қабул қилиб оладилар.

Терилган қопламанинг текис сиртини фақат қопламани устивор ҳолатгача зичловчи виброплита ёрдамида олиш мумкин. Плиткани виброзичлаб терилган участкаларга қум сочиш ва маълум муддат давомида ушлаб туриш лозим, чунки бу билан чокларни яхшилаб тўлдирилишига имконият берилади. Чокларни қўйма қилиб тўлдириш автомойкалар ва бензин қўйиш шаҳобчаларида мақсадга мувофиқ. Чокларнинг кенглиги 8 мм дан кам бўлмаслиги лозим. Тўғри келувчи қўйма материални танлашда иқлимий ва эксплуатацион шароитларни эътиборга олиш лозим. Бунда битум ёки шунга ўхшаш қўйма материаллардан фойдаланиш йўл қопламасининг маълум эластиклик хусусиятларини сақлаб қолади.

Лок-бўёқ материаллар.

Бутун жаҳон қурилиш амалиётининг замонавий йўналишлари бошқалари билан бир қаторда турли конструкцияларнинг узоққа чидамлилиги, турли мухитлар таъсирига бардошлилигини ва элементлар декоратив сифатларини оширишга қаратилган. Буни амалга ошириш қурилишда турли туман пардозлаш материалларни кенг миқёсда ишлатишни талаб қиласди.

Биринчи навбатда бундай материаллар қаторига лок-бўёқ материаллари киради. Ҳозирги кунда улар жуда ҳам кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда ва улар бетон, ғишт, пўлат, ёғоч ва шу каби бошқа материалларнинг сиртини пардозлаш учун мўлжалланган.

Ҳозирги кунда кўп функционал лок-бўёқ материалларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмоқда. Улар ишлов берилувчи сиртга нафақат маълум декоратив сифатларни бағишлайди, балки уни турлича таъсиrlардан ҳам ҳимоя қиласди. Бу эса қурилиш материалларининг узоққа чидамлилигини оширади ва эксплуатацион хоссаларини яхшилайди.

Қурилиш бозорида лок-бўёқ материалларининг энг йирик ишлаб чиқарувчилари АҚШ, Япония, Германия, Испания, Франция мамлакатлари ҳисобланади. Охирги йилларда уларнинг қаторига Хитой, Ҳиндистон,

²⁸ Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings, P 175

Жанубий Корея, Тайвань ҳам қўшилди. Бунда жаҳон бозорининг катта қисми ўнтача энг йирик ишлаб чиқарувчи фирмалар томонидан назорат қилинади.

Лок-бўёқ материалларни ишлаб чиқиш ва қўллашнинг замонавий даражаси куйидаги учта йўналиш билан аниқланади:

Материал ресурсларни иқтисод қилиш;

Материалларни ишлаб чиқаришда энергия истеъмолини камайтириш;

Экологик ҳавфсизликни таъминлаш.

Бунда шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, лок-бўёқ материалларининг кенг миқёсда тарқалишини аниқлаб берувчи асосий омил экологик ҳавфсизлик талабларига жавоб бериши ҳисобланади. Ушбу материалларни ишлаб чиқариш ва қўллаш атроф муҳитни ифлослантирувчи энг катта манъбалардан ҳисобланади. Лок-бўёқ материаллари улушига саноат ишлаб чиқариши чиқиндиларининг умумий миқдоридан 5–10 % тўғри келади.

Лок-бўёқ материалларининг экологик хоссаларини сезиларли яхшилашни уларнинг таркибидаги органик эритувчиларни ишлатишдан воз кечиши ёки камайтириш ҳисобигга эришиш мумкин. Ушбу масалани ечиш сувли бўёқларни ишлатиш, эритувчиси кам ёки умуман бўлмаган бўёқлардан фойдаланиш, порошокли бўёқлар, ультрабинафша нурида қотувчи лок-бўёқ материаллар, реакцияга киришувчи боғловчилар ва эритувчиларни ишлаб чиқариш билан эришилади.

Санаб ўтилган бўёқлар ишлаб чиқарилиши ва қўлланилиши тобора ортиб борувчи замонавий ва истекболли материаллар қаторига киради (3.3-жадвал).

Лок-бўёқ материалларини ишлаб чиқариш ҳажмлари

3.3-жадвал

Турлари	АҚШ, %		Германия 2000 г.	Россия
	1994 г.	2000 г.		
Органик эритувчили	33,4	18	27	75
Сув билан аралаштирилувчи	50,5	62	65	8,83
Порошокли бўёқлар	6,0	8,5	3,2	0,7
Қуруқ қолдиги миқдори юқори бўлган	9,5	10,5	1,4	–
Радиацион қотирилувчи	0,6	0,8	3,4	–

Сувда аралаштирилувчи лок-бўёқ материаллар замонавий экологик талабларга жавоб берувчи маҳсулотлар ассортментида етакчи жойлардан бирини эгаллайди. Сувда аралаштирилувчи бўёқларни қўллаш бўяш жараёнини тўла механизациялаш имкониятларини беради. Бироқ бундай бўёқлардан қопламаларни шакллантириш юқори даражадаги энергия ҳаражатларини ва коррозига чидамли пўлатдан ясалган асбоб-ускуналарни талаб этади.

Порошокли бўёқлар лок-бўёқ материалларининг бошқа бир тури ҳисобланади. Ушбу бўёқларга бўлган талабнинг тобора ортиб бориши уларнинг экологик ва иқтисодий афзалликлари билан тушунтирилади. Уларнинг таркибида қимматбаҳо эритувчилар мавжуд эмас, сақлашда хусусиятларини йўқотмайди, ёнғиндан ва портлашдан ҳавфсиз, қўллаш ва ташишда қулай, юқори утилизациялаш даражасига эга. Уларни ишлатиш атроф муҳитни деярли ифлослантирунади.

Назорат саволлари:

1. Том қоплама материаллар қандай тавсифланади ?
2. Донабай том қоплама материалларига мисол келтиринг ва унинг хоссаларини айтиб беринг.
3. Листсимон том қоплама материалларига мисол келтиринг ва унинг хоссаларини айтиб беринг.
4. Ўрамали том қоплама материалларига мисол келтиринг ва унинг хоссаларини айтиб беринг.
5. Плёнкасимон том қоплама материалларига мисол келтиринг ва унинг хоссаларини айтиб беринг.
6. Мисдан олинувчи том қоплама материалларининг узоқча чидамлилиги қанча?
7. Металлочерепица қандай материал ва уқандай хоссаларга эга ?
8. Теку фирмали номи билан қандай қурилиш материали ишлаб чиқарилади ?
9. Майда донадор бетондан олинувчи плиткаларнинг ишлатилиш соҳаси хақида нималар биласиз?
10. Ҳозирги кунда қандай замонавий лок-бўёқ материаллари ишлаб чиқарилмоқда ?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қосимов Э.У. Қурилиш ашёлари. Дарслик. - Т.: Мехнат, 2004.
2. Samig'ov N.A. Bino va inshootlarni ta'mirlash materialshunosligi. Darslik. – Т.: Faylasuflar milliy jamiyati, 2011.
- 3.. Одилхўжаев А.Э., Тохиров М.К. Қурилиш материаллари. Ўкув қўлланма. - Т.: 2002.
4. Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings (Woodhead Publishing Series in Energy) /UK March 31, 2010.
5. F. P. Torgal , S. Jalali. Eco-efficient Construction and Building Materials, DOI: 10.1007/978-0-85729-892-8_1, _ Springer-Verlag London Limited, 2011.

4- мавзу: Темир-бетон ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг йўналишлари ва истиқболлари. Қуруқ қурилиш қоришмалари.

Режа:

- 4.1. Темир-бетон ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг йўналишлари ва истиқболлари.
- 4.2. Минерал ва силикат толадан тайёрланган композит арматура.
- 4.3. Бетонлар ва қоришмалар учун кимёвий қўшимчалар.
- 4.4. Қуруқ қурилиш қоришмалари.

Таянч иборалар: цемент, бетон, арматура, темир-бетон, композит арматура, кимёвий қўшимчалар, суперпластификаторлар, қуруқ қурилиш қоришмалари.

4.1. Темир-бетон ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг йўналишлари ва истиқболлари.

Охирги йилларда бир қатор илфор индустрисал ривожланган хорижий мамлакатларда (АҚШ, Европа мамлакатлари, Япония, Малайзия ва бош) янги турдаги суперпластификаторлар ва юқори дисперсли минерал қўшимчалар асосидаги юқори самарали цементли композитлар (асосан цементли бетонлар ва қоришмалар) олишнинг янги технологиялари ишлаб чиқилди ва жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Уларнинг таркибини тўғри танлаш ушбу композитларга (бетонларга) “Юқори технологияли” материалларга хос бўлган технологияга оид ва конструктив хоссаларнинг бир қанчасини бағишилади. Бундай бетонлар Европа мамлакатларида “High Performance Concrete - HPC”, яъни “Юқори Эксплуатацион Кўрсаткичли Бетонлар-ЮЭКБ” деб ном олган. Ушбу ном янги материалнинг моҳиятини жуда тўғри акс эттиради, чунки улар нафақат юқори қурилиш сифатига эга, балки материални яратишнинг ҳар бир босқичида ушбу аниқ босқичнинг

талабларга түлиқ жавоб беради. Масалан бетон қориши масини жойлаштиришда у юқори даражада қулай ётқизувчанлик ва харакатчанлик хусусиятларини намоён қилади, қотиш жараёнида эса юқори (40-80 МПа) ва ўта юқори (80-120 МПа) мустахкамликка эришади, фойдаланиш жараёнида эса узоққа чидамлилиги юқори даражада бўлади. Ушбу хорижий тажрибадан фойдаланиш уни маҳаллий қурилиш амалиётига жорий қилиш бино ва иншоотларнинг юқ кўтарувчи конструкциялари техник-иктисодий кўрсаткичларини сезиларли кўтариш ва катта иктисодий самара олиш имкониятларини беради.²⁹

Юқори самарали бетон (НРС) кўплаб търифларга эга. Энг кенг тарқалган таърифи “НРС бетон оддий бетонга нисбатан узоққа чидамлироқ ва зарур холларда мустахкамроқ бўлиши лозим”. Бундай бетон оддий конструктив бетонга нисбатан анча юқорироқ талабларга (мезонларга) жавоб бериши лозим. Бундай бетон юқори даражада ишлов берилувчан, юқори харакатчан ва минимал даражадаги ўтказувчанликка эга бўлиши лозим. Бундай бетон узоққа чидамли бўлиш билан бирга фойдаланишдаги юқори ишончлилик талабларига ҳам жавоб бериши лозим.

Юқори Эксплуатацион Кўрсаткичли Бетонлар концепциясининг амалга оширилиши авволом бор суперпластификаторлар ва микрокремнеземдан комплекс фойдаланиш ғояси билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу қўшимчаларнинг оптимал нисбатда қўлланилиши, керак бўлса бошқа органик ва минерал материалларни кўп бўлмаган миқдорларида қўшиш билан биргаликда бетонни юқори ишончлиликдаги эксплуатацион хоссалар билан таъминлаш мақсадида бетон қориши масининг реологик хоссаларини бошқариш ва цемент тони шининг структурасини модификациялаш имкониятларини беради. Бетон хоссаларининг ўзгариши асосида пировардида цемент тошининг фазали таркиби, ғоваклиги ва мустахкамлигига ўз аксини топувчи цемент системасида содир бўлувчи мураккаб коллоид-кимёвий ва физиковий ходисалар ётади. Шунинг учун кўпчилик мутахассислар (НРС) бетонини ишлаб чиқаришни “юқори технологиялар” сирасига киритадилар. Чет эл мамлакатларида (НРС) бетонларидан моҳирлик билан фойдаланилган мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг машхур объектлардан қуйидагиларни келтириш мумкин: Ла-Маншем остидаги тоннель, Чикаго шаҳридаги осмонўпар бинолар комплекси, Нортумберленд бўғози (Канада) устидан қурилган кўприк, Шимолий денгиздаги бурғулаш платформалари.³⁰


Кенг кўламли тадқиқотлар ва синовлардан сўнг 2008 йилда АҚШнинг Айова штатидаги Бичанан Конти шаҳрида пи-симон кўндаланг кесимли тўсинлардан кўприк қурилган (1-расм). Тўсиннинг кесими юнон ёзувидағи пи ҳарфи шарафига шундай деб номланган. Тўсиннинг кўндаланг кеими 2-расмда келтирилган. Учта пи-симон тўсин уч оралиқли кўприкнинг ўрта оралиғига ўрнатилган. Унинг узунлиги 51 фут 4 дюйм (15,6 м)

²⁹ Pacheco Torgal, Cinzia Buratti, Siva Kalaiselvam, Claes – Goran Granqvist, Volodymyr Ivanov. Nano and Based Materials for Energy Buildings Efficiency/Springer International Switzerland, 2016., Р126


³⁰ Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings, Р 211



4.1-расм. Фототасвир. Jakway Park қўприги, Buchanan County, IA



4.2-расм. Чизма. Пи-симон тўсиннинг қўндаланг кесими



4.3-расм. Чизма. Йиғма тўсинлар орасидаги боғланишни қўрсатувчи
қўндаланг кесим

Нью-Йорк штатидаги бир неча қўприклар йиғма бетон элементларини (HPC) бетони билан яхлитлаб бирлаштириш асосда қурилган (3-расм).

Бунинг афзаллиги шундан иборатки у тўсиннинг узунлигини ошириш имкониятларини беради. Худди шундай усул билан таянчлар устидаги кўндаланг чоклар устида ҳам ишлатилади.

1.2. Минерал ва силикат толадан тайёрланган композит арматура.

Темир-бетон конструкциялар ишлаб чиқариш соҳасига ҳам янги инновацион ғоялар кириб бормоқда.

Кўпчилик Европа мамлакатларида термирибетон таркибидаги пўлат арматуранинг ўрнига композит арматурадан фойдаланишга ўтилмоқда. Бундай бўлишининг сабаби шундан ибортки, металлдан олинган арматурадан агрессив муҳитларда фойдаланиш мумкин эмас (кўприклар таянчлари). Бугунги кунга келиб композицион материаллардан арматура ишлаб чиқариш технологияси анча такомиллашди ва арzonлашди, шунинг учун нометаллик арматурага ўтиш суръатлари ҳам анча жадаллашди.

Композицион арматуранинг қўйидаги турлари фарқ қилинади:

1.Шиша-пластикли арматура (шиша толаси ва қатрон асосида олинувчи).

2. Базальт-пластикли арматура (базальт толаси ва қатрон асосида олинувчи).

3.Шиша билан арматураланган полиэтилентерефтолатли арматура (шиша толаси ва термопластик полимер асосида олинувчи).

4.Углепластикли арматура (углерод толаларидан олинувчи).

Композит арматуранинг биринчи иккита тури амалда кўпроқ ишлатилади.



4.4-расм. Шиша-пластикли арматура



4.5-рам. Базальт-пластикли арматура



4. 6-расм. Углепластикли арматура

Фойдаланиш соҳалари анча кенг:

1. Саноат ва фуқаро қурилиши: уй-жой, жамоат, саноат биноалари қурилишида.

2. Кам қаватли уй-жой қурилишида.

3. Йўл қурилишида.

Композицион арматуранинг афзалликлари:

1. Нархининг арzonлиги. Металл арматурага нисбатан анча арzon.

2. Енгиллиги. Пўлат арматурага нисбатан 5-10 баробар арzon

3. Мустахкамлигиниг юқорилиги. Металл арматуранинг мустахкамлик чегараси 400МПа, шиша-пластик арматуранинки- 1100 МПа

4. Коррозияга чидамлилиги.

5. Иссиқлик ўтказувчанлигининг пастлиги.

6. Ташишнинг қулайлиги.

7. Арматураланган бетонда ёриқ ҳосил бўлмаслиги.

8. Диэлектрик хусусиятларга эга эканлиги.

4.3. Бетонлар ва қоришмалар учун кимёвий қўшимчалар.

Кимёвий қўшимчалар бетон хоссаларини такомиллаштиришнинг энг оддий ва осон эришилувчан технологик усулларидан бири ҳисобланади. Унинг қўлланилиши темирбетон конструкцияларни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган харажатларни кескин камайтириш, маҳсулот сифатини ва

хизмат қилиш муддатини сезиларли ошириш имкониятларини беради. Шунинг учун кимёвий қўшимчалар қўшилган бетон технологиясини қурилиш амалиётида қўллашга дунёнинг етакчи мамлакатларида катта ахамият берилади. Ҳозирги кунга келиб кимёвий қўшимчалар қўшилган бетоннинг улуши Японияда - 80% дан, АҚШ, Германия, Франция, Италияда - 70% дан ортиқни ташкил қиласди.³¹

Кимёвий қўшимчаларининг бетон таркибидаги вазифаси турличадир. Қурилиш қоришмалари, бетон ва темирбетон конструкциялар ишлаб чиқаришда қўлланилдиган кимёвий қўшимчаларнинг хиллари 300 дан ортиқ. Ҳозирги кунда тадқиқот қилинувчи ва ишлаб чиқариш миқёсида синовдан ўтаёғанларининг сони 1000 дан ортиқ.

Бетон ва темирбетоннинг хоссаларини такомиллаштириш учун кимёвий қўшимчаларни танлаш оддий бўлмаган масала ҳисобланади. Шунинг учун уларнинг таснифланиши ва цементли системаларга таъсир кўрсатиши механизмларини билиш мутахассислар учун жуда ҳам зарурдир.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида цементли қоришма ва бетонлар учун кимёвий қўшимчаларнинг ягона таснифланиши қабул қилинмаган. Турли мамлакатларда кимёвий қўшимчаларнинг турлича таснифланиш схемаси қабул қилинган. МДХ мамлакатлари билан бир қаторда Ўзбекистонда ҳам ГОСТ 24211-103 га мувофиқ бетон ва қоришмалар учун кимёвий қўшимчалар қўйидаги З гурухга бўлинади:

Биринчи грух – тайёр қурилиш қоришмаси ва бетон қоришмасининг хоссаларини ростловчи қўшимчалар. Уларга пластификацияловчи (суперпластификаторлар, кучли пластификаторлар, пластификаторлар) қўшимчалар, стабилизацияловчи қўшимчалар, ҳарактачанлигини саклашни ростловчи қўшимчалар, ғоваклаштирувчи (ҳаво олиб киравчии, кўпик ҳосил қилувчи, газ ҳосил қилувчи) қўшимчалар киради.

Иккинчи грух – қотган қурилиш қоришмаси ва бетоннинг хоссаларини ўзгартирувчи қўшимчалар. Уларга қотиш кинетикасини ростловчи (тезлаштирувчи, секинлаштирувчи) қўшимчалар, мустахкамликни оширувчи қўшимчалар, ўтказувчанлигини камайтирувчи қўшимчалар, арматурага нисбатан ҳимояловчи хусусиятини кучайтирувчи, музлашга чидамлилигини оширувчи қўшимчалар киради.³²

Учинчи грух – қурилиш қоришмаси ва бетонга маҳсус хосса берувчи қўшимчалар. Уларга музлашга қарши қўшимчалар, гидрофобловчи қўшимчалар, биоцид қўшимчалар, шўр чиқишига нисбатан чидамлилигини оширувчи қўшимчалар киради.

Ҳар қандай кимёвий қўшимчани у ёки бу гурухга тааллуқлигини ГОСТ 30459 га мувофиқ самарадорлиги мезони бўйича аниқланади.

Замонваий суперпластификаторларнинг энг самаралиси поликарбоксилат асосидаги суперпластификаторлардир. Масалан GLENIUM суперпластификатори (BASF, Германия) ана шундай энг самарали кимёвий

³¹ Pacheco Torgal, Cinzia Buratti, Siva Kalaiselvam, Claes – Goran Granqvist, Volodymyr Ivanov. Nano and Based Materials for Energy Buildings Efficiency/Springer International Switzerland, 2016., P 186


³² Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings, P 92

ышшимчалардан исобланади. Уларнинг цеменли системаларга таъсири механизми 7-расмда келтирилган.



4.7-расм. GLENIUM суперпластификаторларнинг таъсир кўрсатиш механизми

Дунёда кимёвий қўшимчалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган фирмалардан энг илғорлари: BASF (Германия), Sika(Швейцария), Mapei (Италия), Полипласт (Россия) ҳисобланади.




4.8-расм. Модификацияланган бетондан қурилган Токиодаги темирбетон кўприк

Шлак-ишқорли боғловчилар асосида олинувчи бетонлар хозирги кунда энг истекболли материаллардан бири ҳосболанади. Бундай боғловчилар алюмосиликатли хом ашё билан ишқорли эритмаларни бирлаштириб синтез қилинади ва экологияга оидлик нуқтаи назаридан қараганда жуда хам катта афзалликларга эга. Ишқор билан фаоллаштирилган боғловчилар юқори механик кўрсаткичларга эга бўлган бетонлар олиш имкониятларини беради ва бунда портлпнцемент асосида олинувчи бетонлардан ҳам анча устун туради. Бундан ташқари уларнинг кислотага ва ишқаланишга чидамлилиги ҳам жуда юқори кўрсаткичларга эга. Бу нисбатан янги турдаги боғловчилар электр станцияларида ҳосил бўлувчи кулни, қаверларда ҳосил бўлувчи иккиламчи маҳсулотларни ва бошқа турдаги саноат чиқиндиларини

утилизация қилиш имкониятларини бериш билан юқори даражадаги экологик ахамият касб этади.

Шлакли-ишқорли боғловчилар асосида олинган бетонлар юқори физик-механик кўрсаткичларга эга бўлиши билан бирга юқори даражадаги узоққа чидамлилиги билан ҳам ажралиб туради. Бунда асосий афзалликлар уларнинг кислоталар таъсирига чидамлилиги ва юқори даражадаги оловбардошлигига кескин намоён бўлади. Масалан, шлакли-ишқорли боғловчилар асосида олинган бетонлар 5% -ли концентрацияли сульфат кислота таъсирида 4 хафта давомида сақлаб турилганда улар массасининг фақатгина 6 - 7% ни йўқотлан бўлса, худди шундай портланцемент асосида олинган бетонлар массасининг 78 - 95% ни йўқотди (4.9-расм).




4.9-расм. Бетонларнинг кислотага чидамлилиги графиги

Портландцемент асосидаги бетонлар иссиқлик таъсирига ҳам кам қаршилик кўрсатадилар ва харорат 300°C дан юқори бўлганда емирилишни бошлайдалар. Шлакли-ишқорли боғловчилар асосида олинган бетонлар эса ўта юқори бўлган хароратларда ҳам юқори турғунликка эга бўладилар, ҳаттохи харорат 1000°C атрофида бўлганида ҳам.

Шлакли-ишқорли боғловчилар асосида олинган бетонлар оловнинг бевосита таъсирига ўта чидамли (4.10-расм). Бундан келиб чиқиб улардан жуда ҳам маъсулятли бўлган обьектлар қурилишида, масалан, туннеллар ва юқори қаватли бинолар қурилишида ишлатиш мақсаддага мувофиқ³³.

³³ F. P. Torgal , S. Jalali. Eco-efficient Construction and Building Materials, DOI: 10.1007/978-0-85729-892-8_1, Springer-Verlag London Limited, 2011. P 107-108



4.10-расм. Шлакли-ишқорлы бетонларни оловбардошликка синаш

4.4. Қуруқ қурилиш қоришиналари.

4.1. Умумий маълумотлар ва таснифланиши

Қуруқ қурилиш қоришиналари (ҚҚҚ) композицион системани ташкил қилиб, кўп функционал вазифага эга бўлган қуруқ компонентлардан ташкил топган бўлади. ҚҚҚ нинг асосий ташкил қилувчилари қўйидагилар: минерал боғловчи моддалар, тўлдиргичлар, микротўлдиргичлар, модификацияловчи ва пластификацияловчи қўшимчалар.

Қуруқ қурилиш қоришиналари (ҚҚҚ) кўп компонентли бўлишига қарамасдан белгиланган маркани олишни кафолатловчи доимий такибга эга бўлади. Уларнинг таркибида берилган вақт ва ҳарорат режимида ишлашга имконият берувчи пластификацияловчи, гидрофобловчи, сув ушлаб қолувчи ва бошқа турдаги қўшимчалар мавжуд бўлади. Қуруқ қурилиш қоришиналаридан фойдаланиш керакли иш хажми учун зарур бўлган ишчи қоришима порциясини тайёрлаш имкониятларини беради. Бунда механизациялаш даражаси ошади, ишчиларнинг сони камаяди, ташки муҳитга заарли таъсир кўрсатувчи омиллар камаяди.³⁴

Минерал боғловчи моддалар сифатида кўпинча цемент, оҳак, гипс ишлатилади. Тўлдиргичлар сифатида эса кўпинча максимал йириклиги 2,5 мм гача бўлган табиий кварцли қумлар ва фракцияларга ажратилган майдаланган базальтли, оҳактошли, мармарли қумлар қўлланилади. Микротўлдиргичлар сифатида кукун ёки чанг кўринишидаги андезит, доломит ва бошқа минерал моддалар ишлатилади. Ушбу мақсадлар учун фаол техноген чиқиндилар: майдаланган шлак, учирма-кул, микрокремнезем ишлатилиши мумкин. Барча дисперс микротўлдиргичлар донасининг максимал ўлчами 100 мкм дан ошмаслиги лозим.

ҚҚҚ ларда алохида рол қўшимчаларга берилади.

Дунё миқёсида ҚҚҚ ларни ишлаб чиқаришнинг ривожланиши аввалом бор қурилишдаги пардозлаш ва маҳсус ишларни бажаришда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишларнинг сифатини яхшилаш зарурияти билан боғлик ҳисобланади.

³⁴ Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings. P 38.

Қурилиш материаллари бозорида махаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф қилинувчи ҚҚҚ ларнинг кенг кўламли ассортименти мавжуд.

ҚҚҚ ишлаб чиқариш бўйича етакчи хорижий фирмалар қўйидагилар: “Knauf”, ”Babkok-BSKH”, “Sakret-Zentrale”, “Simpelkamp”, “PCI” (Германия), “Sika AG” (Швеция), “Lohja”, “Fexima” “Raute Dry Mix”, «Partek» (Финляндия), “Serett”, “Super Carocol” (Франция) ва бошқалар.

«Watcher KG» фирмаси турли таркибга эга бўлган ҚҚҚ ларнинг 11 хилини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Улар ғишт ва бетон сиртлар устидан сувоқ қопламалрини бажариш учун мўлжалланган. Ушбу ҚҚҚлар асосида тайёрланган қоришималар ўта мустахкамлиги, асос билан адгезияси юқорилиги, қотишининг тезкорлиги билан ажралиб туради.

«Raute Dry Mix» фирмасининг ҚҚҚ лари уй-жой қурилишининг барча соҳаларида ички ва ташқи пардозлаш ишларини бажариш учун муваффақиятли қўлланилиб келмоқда. Ушбу ҚҚҚ лар асосида тайёрланган қоришималарнинг ўзига хослиги уларнинг таркибидаги қумнинг донадорлиги рационал нисбатда танланганлиги туфайли ўта кичик киришишга эга бўлиши ҳисобланади.

Финляндиянинг «Partek» фирмаси фракцияси 0,3 – 1,0 мм бўлган оҳактошли микротўлдиргич қўшилган қуруқ сувоқ қоришималарининг 4 та навини ишлаб чиқаради. Таркибидаги махсус қўшимчалари ҳисобига ушбу қуруқ қоришималар асосида тайёрланган сувоқлар қотганидан сўнг юқори гидрофоблик хусусиятларини намоён қиласди. Шу туфайли улар намлиги юқори бўлган хоналарда ҳам қўлланилиши мумкин.

Қурилиш материаллари бозорида «KNAUF» (Германия) фирмасининг ҚҚҚ энг катта талаб қозонган. Саноат биноларининг ички сувоғи учун кўпроқ цемент асосидаги ҚҚҚ дан фойдаланилади. «KNAUF» фирмасининг цемент асосидаги барча ҚҚҚ лари модификацияловчи қўшимчаларга эга. Шу туфайли улардан тайёрланган қоришималар юқори даражадаги технологияга оид хусусиятларга, қотиб қолган қоришима эса юқори даражадаги мустахкамликка эга бўлади.

Хозирги кунга келиб олимларимиз томонидан бажарилаётган илмий тадқиқотлар арzon ҚҚҚ ларни ўзимида тайёрлашни йўлга қўйишга қаратилган. Бунга махаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, хамда махаллий модификаторларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали эришиш мумкин. Бугунги кунга келиб ҚҚҚ лардан бундан ҳам кенгроқ миқёсда фойдаланишга уларнинг нархининг нисбатан баландлиги тўскىнлик қилмоқда.

Пардозлаш ишларини бажаришга мўлжалланган ҚҚҚ лардан ташқари ғишт териш, елимлаш, герметизациялаш учун мўлжалланган ҚҚҚлари ҳам ишлаб чиқарилади

Қуруқ қурилиш қоришималари бир қатор омилларга: **боғловчининг тури, микротўлдиргичнинг дисперслиги ва асосий вазифасига кўра тавсифланади**

Боғловчининг турига кўра турлари: цементли; цементсиз.

Микротұлдиргичнинг дисперслигига күра турлари:

Йирикдонали – микротұлдиргичлар доналарининг ЭНГ катта йириклиги 2,5 мм гача;

майдадонали - микротұлдиргичлар доналарининг ЭНГ катта йириклиги 0,315 мм гача.

Вазифасига күра ҚҚҚлар қуйидаги турларга бўлинади (1-жадвал).

ҚҚҚларнинг таснифланиши

1-жадвал.

Фишт териш ва монтажга оид	Фишт, тошлар, ғовак-бетонли блоклар териш учун
	Йирик ўлчамли буюмларни монтаж қилиш учун
	Текисловчи — девор ва шифтларни текислаш учун
	Таъмирловчи — бетон ва темир-бетон конструкцияларни таъмирлаш учун
Сувоққа оид	Санацияловчи — бетон ва темир-бетон конструкцияларни юқори даражада тузли агрессия жойларида таъмирлаш учун
	Химояловчи-пардозловчи — биноларни ички ва ташқи томнодан манзарали пардозлаш учун
	Сув-четлатувчи — намлиги юқори бўлган жойларда қўллаш учун
Шпатлевкаловчи	Асослардаги чуқурчалар ва нотекисликларни тўлдириш учун
Грунтовкаловчи	Асосларга суртилувчи қатламларнинг бир-бирига ёпишишини яхшилаш учун
Елимловчи	Коплама плиткаларни териш, иссиқлик изоляцияловчи материаллар, арматураловчи симтўрларни елимлаб ёпишириш учун
Силлиқловчи	Пардлзловчи плиткалар оралиғидаги чокларни ташлдириб силлиқлаш учун
Гидроизоляцияловчи	Цоколлар, подваллар, пойдеворлар, бассейнлар ва бошқаларни гидроизоляциялаш учун
Иссиқлик-изоляцияловчи	Тўсувчи конструкцияларда иссиқлик-изоляцияловчи қатламларни ҳосил қилиш учун
Бўёвчи	Биноларни ичкаридан ва ташваридан пардозлаш учун
Ўзи нивелирловчи	Асослар ва полларнинг стяжкаларини қуриш учун

ҚҚҚ ларни ишлаб чиқариш технологияси нисбатан содда бўлиб ўзига хос ҳусусиятларга ҳам эга. Умумий холда ҚҚҚ олиш технологияси қуйидаги босқичлардан иборат бўлади (4.12-расм) :

1. Тўлдиргичларни қуритиш ва фракцияларга ажратиш.


2. Минерал микротүлдиргичларни қуритиш ва майдалаш (агар тайёр холатда заводга келтирilmаса).

3. Барча компонентларни омборга жойлаштириш (боғловчи моддалар ва қўшимчаларни ҳам).

4. Қориширгич аппаратига компонентларни тортиб солиш.

5. Қориширгичда компонентларни аралаштириш.

6. Қофоз қопларга ҚҚҚ ни қадоқлаш ва тайёр маҳсулотни жўнатиш.



4.12-расм. Қуруқ қурилиш қоришишларини ишлаб чиқариш схемаси

Назорат саволлари:

1. Юқори эксплуатацион кўрсаткичли бетонларнинг таърифини айтиб беринг.

2. Юқори эксплуатацион кўрсаткичли бетонлар ишлатилган қандай объектларни биласиз ?

3. Композицион арматуранинг қандай турларини биласиз ?

4. Композицион арматуранинг қандай афзалликлари бор ?

5. Композицион арматуранинг ишлатилиш соҳасини айтиб беринг.

6. Кимёвий қўшимчалар қандай тавсифланади ?

7. Энг машҳур кимёвий қўшимчалар ишлаб чиқарувчи қандай фирмаларни биласиз ?

8. GLENIUM суперпластификаторларнинг таъсир кўрсатиш механизмини айтиб беринг.

9. Қуруқ қурилиш қоришишларининг қандай афзалликларга эга ?

10. Қуруқ қурилиш қоришишларини ишлаб чиқариш технологияси қандай ?

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Қосимов Э.У. Қурилиш ашёлари. Дарслик. - Т.: Мехнат, 2004.
- 2.Samig'ov N.A. Bino va inshootlarni ta'mirlash materialshunosligi. Darslik. – Т.: Faylasuflar milliy jamiyati, 2011.
- 3..Одилхўжаев А.Э., Тохиров М.К. Қурилиш материаллари. Ўкув қўлланма. - Т.: 2002.
4. Hall M. Materials for Energy Efficiency and Thermal Comfort in Buildings (Woodhead Publishing Series in Energy) /UK March 31, 2010.
5. F. P. Torgal , S. Jalali. Eco-efficient Construction and Building Materials, DOI: 10.1007/978-0-85729-892-8_1, _ Springer-Verlag London Limited, 2011.

5 - мавзу: Қурилиш материалшунослигига нанотехнология элементларидан фойдаланиш тажрибалари ва истиқболлари.

Режа:

- 5.1. Нанотехнологиялар хақида асосий тушунчалар.
- 5.2. Нанотехнологиялардан фойдаланиш соҳалари.
- 5.3. Қурилиш материалшунослигига нанотехнология элементларидан фойдаланиш тажрибалари ва истиқболлари.

Таянч иборалар: нанотехнологиялар, қурилиши материалшунослиги, бетон, арматура, темир-бетон, композит арматура, кимёвий қўшимчалар, суперпластификаторлар, фаоллаштирилган сув .

5.1.Нанотехнологиялар хақида асосий тушунчалар.

Кейинги ўн йилликда жаҳон жамоатчилиги луғат бойлигига «нано» сўзи кириб келди. Хўш, «нано» нима? Қисқа қилиб айтганда, нано миллиарддан бир қисмдир. Нанотехнология тушунчаси учун тугал ва аниқ ифода йўқ, аммо мавжуд микротехнология асосида бу ўлчамларни нанометрдаги технология деб юритиш мумкин. Шунинг учун микродан нанога ўтиш бу моддани бошқаришдан атомни бошқаришга ўтиш демакдир. Соҳанинг ривожи деганда эса асосан учта йўналиш тушунилади:

–ўлчами атом ва молекулалар ўлчамлари билан солиштирасли электрон схемаларни тайёрлаш;–наномашиналарни лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш;

–алоҳида атом ва молекулаларни бошқариш ва улардан алоҳида микрообъектларни йифиши.

Бу йўналишдаги изланишлар анча вақтдан буён олиб борилмоқда. 1981 йилда туннелли микроскоп яратилиб, алоҳида атомларни кўриш мумкин бўлди. Шундан буён технология сезиларли такомиллаштирилди. Бугун бу

ютуқларни кундалик ҳаётда ишлатамиз: лазерли дискларни ишлаб чиқариш, жумладан, ДВД дисклардан нанотехнологик усулсиз фойдаланиш мумкин эмас.

Соҳа тараққиётидаги асосий босқичлар қуйидагилар:

1959 йил. Нобел мукофоти соҳиби Ричард Фейнман келажакда алоҳида атомларни бошқариб, одам ҳар қандай моддани синтез қилиши мумкинлигини башорат қилди.

1981 йил. Биниг ва Рорер томонидан моддалардан атомлар даражасида таъсир қила оладиган сканерловчи туннел микроскопнинг яратилиши.

1986 йил. Атом қувватли микроскоп яратилиб, у туннел микроскопидан фарқли равишда ҳар қандай, масалан, ток ўтказмайдиган материал билан ҳам таъсирлаша олади.

1990 йил. Алоҳида атомларни бошқаришга эришилди.

1994 йил. Саноатда нанотехнологик усулларнинг қўлланила бошланниши.

Кўпгина мутахассислар микротехнология тарихи Ричард Фейнманнинг 1959 йили Америка физиклар жамиятида ўқиган машҳур маъruzасидан сўнг бошланган деган фикрда. У микротехнология потенциалини бой бўёқларда тасаввур этади. Маъruzаларида компьютерлар, ахборотни сақлаш қурилмалари, электрон қисмлар ва роботлар митти ҳолатда тасвирланган эди. Фейнманнинг микроэлектроника борасидаги башоратлари тез амалга ошди.

1980 йилда эса етакчи университетлар ва давлат лабораторияларида нисбатан арzon усулларда митти механик деталлар яратила бошланди. Бунинг учун микроэлектромеханик системалар (МЕМС) технологияси ишлаб чиқилди.

1990 йилда яратилган автоном робот МАРВ 1 куб дюйм ҳажмда бўлган. Ишлаб чиқарувчиларнинг фикрича, уларнинг асосий вазифалари бомба ва миналарни, хавфли биологик, кимёвий ва радиоактив моддаларни қидириб топиш ҳамда заарсизлантиришдан иборат.

5.2. Нанотехнологиялардан фойдаланиш соҳалари.

Бугун нанотехнологиянинг қуйидаги устувор ривожланиш йўналишлари мавжуд:

1. Тиббиёт. Одамнинг танасида пайдо бўладиган барча касалликларнинг олдини олувчи ёки даволовчи молекуляр нанороботларни яратиш.

2. Геронтология. Инсонларнинг жисмоний боқийлиги учун одам танасидаги ҳужайралар қирилишининг олдини олувчи, одам организми тўқималарининг ишлашини яхшилаш ва қайта қуриш учун молекуляр роботларни киритишга эришиш.

3. Саноат. Истеъмол молларини ишлаб чиқаришда анъанавий усуллардан фойдаланишдан бевосита атом ва молекулалардан фойдаланишга ўтиш.

4. Қишлоқ хўжалиги. Озиқ-овқатни табиий ишлаб чиқарувчиларни (масалан, ўсимликлар ва хайвонлар) молекуляр роботлардан тузилган функционал ўхшашларига алмаштириш. Бундай «қишлоқ хўжалиги»

самарадорлиги об-ҳаво ва оғир меҳнат шароитига боғлиқ бўлмайди. Унинг ишлаб чиқариш ҳажми озиқ-овқат муаммосини биратўла ҳал қиласди.

5. Биология. Тирик организмга атомлар даражасидаги наноэлементларни киритиш мумкин бўлади. Бунинг оқибатлари турлича бўлиб, йўқолиб кетган турларни тиклашдан тортиб, янги турдаги жонзотлар биороботларини яратишга олиб келиши мумкин.

6. Экология. Экосферани инсон фаолияти чиқиндиларини бошлангич хом-ашёга айлантирувчи молекуляр робот-санитарлар билан тўлдириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини чиқиндисиз нанотехнологик усулга ўтказиш билан амалга ошириш мумкин.

7. Коинотни ўзлаштириш. Робот-молекулаларнинг улкан армияси Ер атрофидаги фазога чиқарилади ва уни инсон яшаши учун яроқли ҳолатга келтиради. Ой, астероидлар ва яқин планеталарда инсон яшаши учун космик станциялар қуриш.

8. Кибернетика. Ҳозирда мавжуд бўлган структуралардан ўлчамлари молекулар ўлчамига teng бўлган ҳажмий микросхемаларга ўтиш содир бўлади. Компьютерларнинг ишчи частотаси терагертс қийматга ўтади. Оқсил молекулаларидан тузилган хотира ҳажми терабайтларда ўлчанадиган, сақлаш даври узоқ бўлган хотира элементлари пайдо бўлади.

9. Ақлли яшаш муҳити. Барча ташкилий қисмларга мантиқ элементларини киритиш ҳисобига биз яшаётган атроф-муҳит «ақлли» ва инсон яшаши учун тўла қулай бўлиб қолади.

Кўриб турганимиздек, истиқболда фан-техника тараққиёти инсониятга кўпгина кашфиётларни тақдим этади.

5.3. Қурилиш материалшунослигига нанотехнология элементларидан фойдаланиш тажрибалари ва истиқболлари.

Нанотехнология – бу амалий фан соҳаси ҳисобланади, у ўта кичик ўлчамили, яъни принципиал янги инструментлар ва материаллар яратиш билан шуғулланади, ҳамда атом ва молекулалар даражасидаги турли моддаларнинг хоссаларини ўрганади.

